

07
САРОХИДДИНАЛИ



КИЧКИНА ХАСАН

ЎЗДАВНАШР

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ
САБОҲИДДИН АЛИ

И (ТУ) 2
С 45
С-65

КИЧКИНА ХАСАН

Ҳикоялар



М. Клячко расмлари

07

БИБЛИОТЕКА КГПИ
№ 28382
42610 193 г.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1954

САБОҲИДДИН АЛИ

Сабоҳиддин Алини ҳозирги Туркияда бировлар севади, бировлар ёмон кўради.

Турк халқининг аҳволига чин кўнгилдан ачинган ва унинг бахтиёр яшашини истаган Сабоҳиддин Алини ҳуқуқсиз, эзилган, яхши ҳаётни орзу қилучи оддий турк кишиси севади.

Оддий кишилар ҳисобига яшаб келган ва яшаётган, халқнинг азоб-уқубатлари ҳисобига бойлик ортдириш қон-қонига сингиб кетган, тишчлик ва демократиянинг душманлари Сабоҳиддин Алини ёмон кўрадилар.

Бу китобча Сабоҳиддин Али қолдирган адабий меросини бир қисми, холос. Нима учун ёзучининг ижоди ва номини Туркия ҳукмрон синфлари ёмон кўришини тушуниб олиш учун шу китобча билан танишиб чиқишнинг ўзи кифоядир.

Сабоҳиддин Али меҳнаткаш халқнинг аянчли тақдири, тортаётган азоб-уқубатлари ва очликда ўтказаётган кунлари ҳақида ёзар эди.

«Қалбим ёқимли, қувончли ва хушчақчақ нарсалар ҳақида гапириш иштиёқи билан жўш уради», — деб ёзган эди Сабоҳиддин Али.

Брок у соф виждонли граждан ва катта сан'аткор бўлганидан қувонч ва хушчақчақлик ҳақида ёзаолмасди. Ахир фабрикантлар, помещиклар халқни эзаётган, халқнинг сабр косаси тўлиб-тошган бир вақтда қувонч ва хушчақчақлик ҳақида ёзиб бўладими! Миллионларча одамлар изтироб чекаётганларида қувонч ва хушчақчақлик ҳақида ўйлаб бўладими!

Сабоҳиддин Али халққа матбуот орқали мурожаат қилди. Газета саҳифаларида босилиб чиққан мақолаларида

ёзучи халқни Совет Иттифоқи билан дўст бўлишга, Америка империализмга қарши курашга чақирди, Америка ҳарбий ҳукмдорларининг турк қўшинларидан фойдаланишларига қарши чиқди. Ҳаёт қандай бўлса, уни шундай, бўямай тасвирлаб бериш орқали ватанпарвар ёзучи ўзининг бадний сўз қуроли билан халқ ишига хизмат қилди. Демократия душманлари уни қаттиқ тақиб остига олдилар.

1944 йил май ойида Туркия пойтахти Анқарадаги майдонлардан бирида ловуллаб гулхан ёниб турарди. Фашист муттаҳамлар, жаҳолат ҳукмрон бўлган ўрта аср давридаги сингари, Сабоҳиддин Алининг китобларини ёндирмоқда эдилар.

Сабоҳиддин Али мазлумларни ёқлади, шунинг учун уни ўқитучиликдан четлаштирдилар, маориф министрлигидан бўшатдилар. Доимий тўхмат ва қаттиқ тақиб қилишлар ёзучини пойтахтдан чиқиб кетишга мажбур этди. Уни бирнеча марта турмага ташладилар.

Лекин Сабоҳиддин Али дўқ ва қувғинларга қарамай, ижодий ишини давом этдираберди. Унинг «Ғозлар», «Ўрмон фожиаси» ва бошқа ҳикояларини ўқиб - кўринг. Уларда инсон бошига тушган оғир кулфат, даҳшатли ҳақиқат ҳикоя қилинади.

Катталар қийин аҳволда яшаган ерда болаларнинг ҳам аҳволи оғир бўлиши ҳаммага аён. Туркияда жуда кўпчиликини ташкил этган қашшоқ ота-оналарнинг болалари катталар қатори оч-яланғоч ҳаёт кечирадилар. Туркиядаги йўқсулларнинг болалари болалик бахтидан маҳрум этилган кичкина заҳматкашлардир, чунки улар жуда ёш вақтларидан бошлаб бир бурда нон учун курашишга мажбур этилганлар.

Ёзучининг ҳикояларидан бири Ҳасан деган болага бағишланган. Хўш, Ҳасан нима иш қилади? Кўпгина деҳқон болалари каби у ҳам айрон сотиб тирикчилик ўтказди. У онасига ёрдамлашиши, укаларини боқиши керак. Бир стакан айронни арзимаган пулга сотади, броқ ана шу арзимаган пулни топиб келиш ҳам болага доим муяссар бўлавермайди, Ҳасан уйга қўпқуруқ қайтади. Қўнларнинг бирида Ҳасан йўлда оч бўриларга дуч келади ва ҳалок бўлади.

«Даромадли уй» ҳикоясида ёзучи болаларга қилинган шафқатсиз муносабат ҳақида кўюниб гапиради. Ниҳоят даражада оғир юкни зўр машаққатлар билан орқа-

лаб келган ва тасодифан иккита шишани синдириб қўйган болани ҳақ тўламай уйдан ҳайдаб чиқарадилар. Уни жучукча ҳам кўрмай, ваҳшийларча, дағал муомала қиладилар:

«Бола силжийолмасди... у оғриқ зўридан юролмасди. Хизматкор деразадан кўзини узмай, болани қаттиқ итариб юборди. Бола саватни маҳкам ушлаганича, ерга юзи блан тушди».

Сабоҳиддин Али ҳам, унинг асарларини ўқиган китобхон ҳам: оддий турк халқи — эзилган, у аянч ҳаёт кечирапти, деган хулосага келади.

Талантли сўз устаси кўзимиз ўнгида ана шундай ачинқ ҳақиқатни гавдалантиради:

Ўзучи, шунингдек ўз ҳикояларида турк халқининг энди бу қашшоқ ҳаёт блан келишаолмаслигини ва адолатсизликка қарши бош кўтараётганини кўрсатиб беради.

«Ўрмон фожиаси» ва «Денгизчи ҳақида ҳикоя» асарларида биз сўздан амалий ишга ўтаётган кишиларни кўрамыз. Ўз ўрмонларини таловчилардан қўриқлаётган деҳқонлар қўлларига сўйил оладилар. Броқ золимларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришда биргина кишлоқ ожизлик қилади.

«Денгизчи ҳақида ҳикоя»да матрослар капитанни ўз талабларини қондиришга мажбур этадилар. Тўғри, бу ҳаракатлари учун уларнинг ҳаммасини ишдан бўшатадилар. Шунга қарамай бу ҳодисадан сўнг денгизчилар кўп нарсани англаб оладилар ва «ҳадеб ловия блан боқаверишадиган бўлса, ишламаймиз» деган қат'ий қарорга келадилар. Улар ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ўрганадилар.

«Душманлар» ҳикояси Сабоҳиддин Алининг энг жозибали ҳикояларидан биридир. Бу асарда ижобий қаҳрамон образи — капиталистик тузумга қарши ҳормай-толмай кураш олиб боручи Туркия яширин коммунистик партиясининг а'зоси образи берилган.

«Бахтли лайча» ҳикоясида ўзучи бой хўжайинлар хонадонида беками-кўст ҳаёт кечираётган лайчани тасвирлайди. «Агар барча ватандошларим ана шу бахтли лайча кечираётган ҳаётнинг, жуда бўлмаганда, ўндан бирига муяссар бўлганларида эди, сўз бериб айтаманки, бундан сўнг битта ҳам қайғули ҳикоя ёзмас эдим...» дейди Сабоҳиддин Али алам блан.

Ёзучи қайғули ҳикоялар ёзиб, ўз ишини мардона давом этдирди. У ҳаёт манзараларини ҳаққоний тасвирлар экан, юз мингларча кишиларни ҳалок этаётган капиталистик давлатни ла'натлади. Демократия душманларининг худди ана шу «гуноҳларини» кечираолмас эдиларда.


1948 йил апрель охи. Кунларнинг бирида Сабоҳиддин Али тўсатдан кўримай қолди. Ёзучининг дўстлари ҳаяжонга тушдилар. Узоқ қидирдилар, лекин бу ҳечқандай натижа бермади. Фақат орадан бир йил ўтгач, Сабоҳиддин Али қастдан ваҳшийларча ўлдирилгани тасодифан маълум бўлди. Уни, меҳнаткаш халқ оmmasининг манфаатларини ҳимоя қилгани, янги уруш оловини ёқучиларга қарши чиққани учун ўлдирдилар.

Сабоҳиддин Али ижоди гуллаётган бир даврда ҳалок бўлди — у ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаган эди. У яна кўпгина яхши китоблар ёзиши мумкин эди. Аммо у шнинг эиг муҳимини бажарди — турк халқини қулликка солаётган фашист реакционерларининг пешонасига ла'нат тамғасини босди.

Халқаро тинчлик мукофотининг лауреати, машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат Сабоҳиддин Алини турк адабиётида социалистик реализмнинг жарчиси деб атаган эди.

«Агар Сабоҳиддин Али тирик бўлиб, ўз асарларининг рус тилига таржима қилиниб, Совет Иттифоқида нашр этилганини билганда эди, у ўзини дун'ёдаги энг бахтли кишилардан бири деб ҳисобларди. Сабоҳиддин Али Совет Иттифоқининг чинакам дўсти эди, чунки у ҳақиқий турк ватанпарвари эди» — деб ёзган эди Нозим Ҳикмат.

Георгий Гулия



КИЧКИНА ҲАСАН

Станцияга бориладиган йўлнинг қори эриб, лойи тиззага чиқиб ётар эди. Қор босиб ётган далалар ботаётган қуёш нурида кўзни қамаштириб жимирларди, йўл бетига даги лойқа ҳалқобчалар нурсизгина ялтирарди.

Кичкина Ҳасан ялангоёғига кийиб олган каттакон михлама бошмоғини судраб босади. Унг қўлига мис кўза кўтариб олган бола юришга қийналар ва нафасини ростлаб олиш учун дамба-дам тўхтарди.

Оғир кўзани кўтариб бориш ноқулай бўлганидан, бола сирланган кружкасини тез-тез ерга қўйиб, кўзасини ўнглаб кўтариб оларди. Оғзигача тўлатиб айрон солинган кўза юргани сайин тиззаларига урилар, қўлидан чиқиб, ағдарилиб кетай дерди. Бошмоғининг дастаги эзилиб кетганидан товони лой кечиб борарди.

Ҳасан яна икки соат юриши керак. У, бу йўлдан қи-
шиш-ёзин ҳар кун қатнади, броқ бугун йўл болага
печуидир жуда узайиб кетгандай бўлди. Йўлнинг қоқ
мрмидаги кичкина қуруқ тол туманда ғира-шира кўри-
ниб турарди.

Кичкина Ҳасан атрофидаги таниш манзараларга э'ти-
бор бермай борарди. Шўрхок бу водини кичкина анҳор-
ча кесиб ўтади. Анҳор қалин, баланд ўсган қамишлар
орасидан оқади, олдига яқин бормасангиз кўринмайди.
Анҳор устига учта ёғоч ташлаб ясалган кўприк одам ўт-
ганда худди ҳозир қулаб тушадигандай лопиллайди.

Кичкина шамол тегирмони яқиндаги тепаликка ён-
дошган. Тегирмон парраklarининг овози эшитилмасди:
ҳозир қиш, шунинг учун у ҳафтасига атиги уч кун иш-
лайди. Тегирмон олдида ўсган учта толнинг барглари
тўкилиб кетган, тегирмон худди қаровсиздай, ҳувиллаб
ётади.

Ҳасан йўлдан юриб бормоқда. У ўзининг қайтишини
кутиб ўтирган икки укасини ҳам, қишлоқдан тўрт соат-
лик наридаги посёлкага бориб хизматкорлик қиладиган
онасини ҳам ўйламасди. У яна, айронни сотаоладими, йўқ-
ми, буни ҳам ўйламасди.

Унинг хаёлини банд қилган ўй мана шу йўлдан яна
ўйига қайтиш эди. Шунинг учун у худди узоқ йиғлаган
кишидай оғир хўрсиниб қўйди. У кружкасини маҳкам
ушлаб олган қўлининг орқаси билан бурнини артди, кейин
рўпарасига қараб, станциянинг яқинлашиб қолганини
пайқайди.

Қорайиб турган станция биноси икки томони яланғоч
тоғлар билан ўралган водининг қоқ ўртасида ёлғиз шўп-
пайиб туради. Станцияни ўраб олган яланғоч акас да-
рахлари унга яна ҳам ғамгин тус берар ва бутун бино
худди водига тасодифан ташлаб қўйилган тошга ўх-
шарди.

Бу ерга ҳаркун икки маҳал почта поезде келиб тўх-
тарди ва бирнеча минут тургандан кейин, бу саҳрода ни-

ма қилиб турганига ажаблангандек тантанали оҳангла қичқириб, йўлида давом этарди.

Ҳасан тахта девор блан ўраб қўйилган станциянинг олдига етиб келиб, бироз нафасини ростлаб олди-да, сўнгра эшикдан лип этиб ўтиб, вокзал ичига кирди.

Станция биноси блан йўл ўртасида иккита деҳқон хуржунлари устида ўтиришарди. Шинель кийган бир миршаб жунжикиб деворга суялиб турарди. Станцияда булардан бошқа ҳечким йўқ. Катта станцияларда поезд келди дегунча станция мева, лимонад, кавоб сотучилар блан тўлиб кетади. Бу станция эса фақат ёз пайтлардагина атроф қишлоқлардан чарос, кишмиш, қовун, тарвуз келтирган деҳқонлар блан бироз гавжум бўлади. Қишда бўлса, станцияда кичкина Ҳасан блан уч-тўрт кунда бир келиб, кеч пишар ноқларини сотучи кекса, чўлоқ деҳқондан бошқа ҳечким бўлмайди. Поезд яқинлашиб қолганда, станция бошлиғи норози қиёфада ўз хонасидан чиқиб келарди. Поездни жўнатгач, ўша заҳоти хонасига кириб, ўн йилдан бери бутун кунини тузатишга сарфлаётган радиоприёмникни гапиртириш умидида яна уннаб кетарди.

Бугун станцияда нок сотучи деҳқон ҳам кўринмади. Ҳасан кўзасини ҳўл қум устига қўйиб, темир изга ўйла-ниб қараб қолди. Паровозлар ҳар куни аллақаерлардан юзлаб кишиларни олиб келиб тўхтайдилар ва қопқора ёглик доғлар қолдириб, яна шу узундан-узоқ йўллар бўйлаб уларни аллақаёқларга олиб кетадилар.

Паровознинг қаттиқ овозидан Ҳасан чўчиб тушди. Поезд келаётган эди. Паровоз составни станцияга тортиб келди-да, худди ёглик қора доғлар устига келиб тўхтади. Ҳасан кўза блан кружкани олиб состав бўйлаб уёқдан-буёққа чопабошлади. У деразаларга қараб: «Айрон! Айрон! Янги, яхши айрон!» деб тинмай қичқирди. Езда у: «Муздай айрон!» деб қичқирарди, броқ ҳозир қиш пайтида «айрон» сўзини эшитиш бланоқ кишининг бада-ни жимирлашиб кетади, шунинг учун болага ҳечким қайрилиб ҳам қарамади.

Вагонларнинг деярлик ҳамма деразалари ёпиқ. Фақат пардаси кўтариб қўйилган бирнечта дераза олдида сочларини хина блан бўяган, шерст кофтали хотинлар туришарди. Бола ўзига тўқ дехқонми, ҳунармандми, отпусмага чиққан солдатми — ишқилиб тунука кружкасидан айрон ичадиган биронта ташна одамни топиш умидида вагон деразаларига тикиларди. Мана бола составнинг у бошидан бу бошига уч бор чопиб бориб келди. Қўзанинг ўткир қирралари нимжон оёғига урилиб қақшатиб оғритарди. Оғриқдан башарасини тириштириб, у ҳадеб:

— Айрон! Янги, яхши айрон!— деб қичқирарди.

Ҳеч бўлмаса тўрт стакан айрон сотсаёди, тўрт стакангина-я! Шунда у ўн куруш¹ ишларди ва бу пулга қора нон сотиб олса бўларди. Шу пайт бирдан, худди чақмоқ нури ёритиб юборгандай, уйда очликдан тинкалари қуриб, унинг қайтишини сабрсизлик блан кутаётган иккита укаси кўзига кўриниб кетди. У яна қичқирабошладик:

— Янги, ёғлиқ айрон! Ёғлиқ...

Онаси хизматкор бўлиб ишлар, уйига ҳафтада бир марта, ўшанда ҳам бириecha соатгагина келиб кетарди. У ҳар келганида беш-олтита нон, озгина пнёз, гоҳида озгина шинни олиб келарди. Броқ булар очкиб ўтирган уч болага икки кунга ҳам етмасди. Қолган кунлари иккита ёш укасини Ҳасаннинг ўзи боқарди. Қичкипаларнинг бирови икки яшар, иккинчиси беш яшар эди. Бу нимжон ушоқ болалар қўлларига тушган нарсани ейишдан бошқани билншмасди. Ҳасан ҳарқуни озгина-озгина айронни укалари ололмайдиган туйнук ичига бекитиб қўярди. У ҳарқуни станцияга кетар экан, ўзлари блан бир хонада яшайдиган ва ўзларига ўхшаб очлик азобини тортаётган қари эчкини, укаларим ўлдириб қўйишмаса эди, деб хавотирланарди.

У неча-неча бор уйига кечқурунлари бир парча нонни қўлтиғига қисиб олиб келган. Неча бор сопол косага ай-

¹ Куруш—бир тийинлик чақа. (Тарж.)

рондан қуяр экан, укаларининг қора лойдай қопқора нонни битта ушоғиғача қўймай еб қўйганларини кўриб эси чиқиб кетаёзганди! Шундай пайтларда Ҳасан косадаги айронни қуруқ симирарди-да, юрагининг оғриғига қарамай (у очликка кўникиб қолган эди), пўстакда ётган укаларининг ёнига чўзилиб, эски, йиртиқ, яғири чиқиб кетган кўрпани устига тортарди.

Ҳозир уни укаларининг ҳамма нарсани ютаверадиган қоринлари қўрқитмасди. Уни даҳшатга солган нарса икки қўлини бурнига тиқиб қуруқ борганида бу нимжон гўдакларнинг унга нафрат блан тикиладиган чақнаб турган катта-катта кўзлари эди. Шунинг ўйлаганда тепа сочлари тикка бўлиб кетарди. Шунинг учун у ҳозир овозининг борича қичқирарди:

— Айрон!.. Айрон!...

Учинчи класс вагонларидан бирининг деразаси очилиб, ундан бўйни узун бир киши бошини чиқарди:

— Ҳай бола, қани, бир кружка қуй!

Бола қўллари титраб, унга бир кружка айрон узатди. Киши кружкани дас кўтариб қултиллашиб ичаркан, айрон томчилари мўйлабларидан оқиб ёқасиз куйлагига тушарди. Ичиб бўлиб, у кўши:

— Яна битта қуй!— деди.

Киши кружкани бўшатиб, камзирчасининг чўнтагидан ўн куруш тик чақа олди-да, болага ирғитиб:

— Беш куруш қайтар!— деди.

— Майдам йўқ-ку,— деди Ҳасан ва атрофга аланглаб қаради.

Атрофда станция бошлиғидан бўлак ҳечким йўқ эди. У майда қор ёғабошлаганидан калласини ёқаси ичига олиб поезднинг кетишини кутиб турарди.

Бола кўзасини ерга қўйиб, чопиб унинг олдида борди-да пулни узатиб:

— Амакижон, шу пулни иккита беш курушлик қилиб беринг!— деди.

Станция бошлиғи жавоб беришни эп кўрмай, орқаси-

га ўғирилди-да, қўнғироқни чалабошлади. Деразадан қараб турган киши болани қўли билан имлаб чақирди.

— Ҳай бола, бу ёққа кел!

Ҳасан югуриб деразанинг олдига борди.

— Пулни буёққа бер!

Бола дарров пулни қайтариб берди.

Поезд шу пайт жойидан аста қўзғолди. Дераза олдида турган киши пулни яна камзирчасининг чўнтагига солиб қўйди-да, худди ноилож одамдай:

— Нима қиламиз энди? Беш курушим йўқ экан!— деди.

Бу пайт вагон Ҳасандан беш-олти қадам нарига бориб қолган эди. Ҳалиги киши деразадан бошини чиқариб қичқирди:

— Ҳай бола, кечирасан-да энди!

Бола ўзидан тез узоқлашиб бораётган поездга ҳайрон бўлиб бақрайиб қараб қолди. Ёлдиракларнинг шовқуни орасидан яна ҳалиги кишининг овози эшитилди:

— Кечир ука!

Бола алла нима деб ғудурлади, кейин кўзасини кўтариб станцияга қараб юрди. Қордан паналаниб, девор тагига бориб суялиб ўтирди.

Қор гупуллаб ёғабошлади. Ҳасан уйига қуруқ қайта олмасди, у кечқурунги поездни кутишга қарор қилди.

Ҳасан совуқдан увишган қўлларини ишқалаб, бошини қашиб қўйди. Онаси эчкининг юнгини оладиган қайчида сочини чала-чулпа қиллиб олиб қўйган эди. Ҳасаннинг кўк кўзлари изғирин шамолдан ёшланиб, киприкларининг учи маддалади.

Ҳасан шу куйи кечгача поездни кутиб ўтирди. У аҳ'ён-аҳ'ёнда ўрнидан туриб, тиззаларини ишқалаб яна ўтирарди-да, кўзларини юмиб мудрайбошларди. Бирор нарсани ўйлаш уни сра ҳам хурсанд қилмасди, у фақат мудраб дам оларди. Ҳасан онасини неча бор эслади. Унинг кўзларига онасининг йиғлаб турган юзлари кўришиб кетгандек бўлди. Уч боласини ноилож уйда қолди-

риб, бир бурда нон учун бегона қишлоқда хизматкор бўлиб ишлаётган онасига ич-ичидан раҳми келиб, ачинди.

Эҳтимол у, онасига кўпинча унинг ўрнини босиб, укаларини боқадиган бўлгани учун ачингандир. Бечора онаси уйга келганда иккита оч укаси уни ҳам худди Ҳасанни қаршилагандай, ўқрайиб кутиб оларди. Она олиб келган бугдойини ёғсиз қуруқ гўжа қилиб берар ва уйини бироз бўлса ҳам саранжомлашга урнарди. Кечгача уйда бўлар, кейин ба'зан индамай кетиб қоларди. У Ҳасанга не отаси, не қариндош-уруғлари ҳақида ҳечнима гапирмасди.

Очиғи, Ҳасан ўзини таниганидан бери бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эди. У бутун умри-ҳаётини айронни станцияга олиб бориб сотиш ва кичик укаларини боқишдангина иборат деб биларди. Шунинг учун ҳам миясига жойлашган даҳшатли бир фикр уни қийнарди: борди-ю онаси бир кунмас-бир кун уйга келиб, бир неча кун ётиб, доясиз, ёлғиз ўзи қийналиб туғса-да, ўн кундан кейин чақалоқни Ҳасанга ташлаб, яна ишига кетиб қолса нима бўлади?.. Унда у бу чақирилмаган меҳмонни ҳам боқишга мажбур бўлади-да.

Ҳаёт кун сайин оғирлашиб борарди, Ҳасан бўлса борган сари сути озайиб бораётган қари эчкиси ёрдамида яшаш учун ёлғиз ўзи қаттиқ курашарди. У кундузлари бўш пайтларида эчкисини етаклаб юриб боқар, қор ёғаётган бўлса, анҳор бўйидаги қуруқ ўтлардан юлиб келтириб берарди.

Ёзда Ҳасаннинг ишлари бироз енгиллашарди. У сарҳлаб йўлга тушарди. Чарчаганини ҳам билмай, станцияга келарди-да, бир кўза айронни бирпасда сотиб бўларди. Чўнтагида тангалар жаранглар, бундан ҳам у уйига қуруқ бормаслигини ўйлаб беҳад суюнарди. Эрталаб бутун айронини сотиб тугатолмаса, кечқурунги поездни кутарди, броқ кўпинча қолган айронни пешингача сотиб бўларди: станцияга келган деҳқонлар олиб ичишарди.

Езда кечкурунги поезд уч яримда келар ва Ҳасан кеч кирмасдан уйига етиб оларди. Бугун бўлса поезд келишига ярим соат қолгандаёқ ҳамаёқни ваҳимали қоронғилик босди. Қайтишда совуқ ейиши ва қўрқишини ўйлаб, баданини титроқ босди. У энди кетмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, станция бошлиғи хонасидан чиқди — бола поезднинг ҳозир келишини билди.

Поезд станцияда жуда кам тўхтади.

— Айрон! Янги айрон!— деб қичқирабошлади Ҳасан.

У берк деразаларга термулиб уёқдан-буёққа чопарди. Хира ойналарнинг орқасидан одамларнинг қораси кўринарди. Ёғаётган қор унинг оғзига урилар, каттакон бошмоғи тагида нам қумлар ғижирларди.

Узоқлашиб бораётган поезднинг тўрт бурчак ойналаридан тушаётган нур ҳалқоблар устига тушиб, сакраб-сакраб борар экан, Ҳасан кўзасини кўтариб, станциядан чиқиб уйига жўнади. Қоронғилиққа кўникканича йўқ эди. бунинг устига қор кўзни очирмасди. Мис кўзадаги айрон қадамба-қадам чайқалиб тўкиларди. Ҳасан қаттиқ совуқдан дир-дир титрарди. У ҳечнарсани сезмай, ҳечнарсани ўйламай йўлни тусмоллаб топиб борарди. Водни ичкарсига кириб борган сари кўзадаги айроннинг қулқуллашидан, бошмоғининг чапиллашидан бошқа узоқларда аллақандай йиртқич ҳайвонларнинг овози эшитилабошладди: бўрилар увиллашарди.

Ҳасан қўрққанидан яна баттар титрайбошлади. У тез юрмоқчи бўлар, лекин оёқлари чалишиб юролмасди. Кўза совуқдан увишиб қолган оёқларига урилиб, оғри тарди. Бечора бола қоронғиликдан ҳам, юзига қор келтириб ураётган изғирин шамоллардан ҳам, тиззасига ча чиққан лойдан ҳам ва бўриларнинг даҳшатли увиллашларидан ҳам жуда қўрқарди. У очлигини ҳам, чарчаганлигини ҳам ўйламасди. Тезроқ уйга етиб, ўчоқда милтилаган кўмир чўғида ёришиб турган кулбасининг бурчагига биқиниб олгуси келарди. Ишқилиб, мана шу зиёсиз

қоронғиликдан, эшитилаётган увиллашдан қутилиб, тўрт томони берк уй ичига кириб олса бўлгани...

Ана, бошмоқлари лойга ботиб қолди, у кўзасини лапаплатиб оёқяланг югурабошлади. Айрон юзларига сачраб, эгнини шалоббо қилар, ерга тўкилиб борарди. Қўрққанидан тишлари тақиллар, ваҳм босиб томоғидан қандайдир даҳшатли товушлар чиқарди. Бу орада Ҳасан йўлнинг қоқ ярмисидаги қуруқ толнинг олдидан ҳам ўтиб кетди. У ачишаётган, юмилиб бораётган кўзларини катта очиб ниманидир кўриш умидида қоронғиликка қаттиқ тикиларди, лекин ҳечнарса кўринмасди. Ҳаво очиқ кунлари ҳам кечаси қишлоқдаги чироқларнинг олдига яқин келмагунингча ҳечнарса кўринмайди, шунинг учун ҳам бола ҳали-вери уйга етаолмайдиганга ўхшарди. Уни ўлиши муқаррарлигини билиб қочиб бораётган йиртқич ҳайвон қўрқувси сингари чексиз даҳшатли қўрқув чулғаб олган эди. Ҳасан кружкаси блан кўзасини қоронғиликка итқитиб, овозининг борича бақириб чопабошлади, броқ унинг овози қоронғиликка сингиб кетаверди.

Гоҳида қичқириқ орасидан: «Она, онажон...» дегани қулоққа чалинар, базан эса, фақат «а-а... аахх... а... ааа» деганигина эшитиларди.


Бўриларнинг ўкиришлари гоҳ узоқ-узоқларга сингиб йўқ бўлиб кетар, гоҳ худди олдида тургандай аниқ эшитиларди. Ҳасаннинг тинкаси қуриди. Ваҳима тўрт томондан ўраб олди. Ялангоёғи остидаги лой ҳар қадам босган сайин пилчиллар ва бу овоз Ҳасанни худди қамчи блан савалаб ҳайдаётгандай баттар қўрқитар эди. Унинг нафаси оғзига тиқилабошлади. Олдинга қарамоқчи бўлиб, кўзларини ишқалади ва бирдан тиззалари букилиб чўккалаб қолди. Сўнгра туриб, бир-икки қадам юрган эди, яна йиқилди. Унинг томоғидан англаб бўлмайдиган, даҳшатли овозлар чиқабошлади.

Бўрилар аста-секин яқинлашиб, болани қуршайбошлади, уларнинг увиллашидан боланинг овози эшитилмай қолди. Бола мукка тушиб, ерда ётарди. Устини қор бо-

сабошлади, аммо у ҳамон тишларини тақиллатиб, «Она, онажон, она...» деб ғудурларди.

Шу вақт — бирнеча юз метр наридаги уйида уни икки укаси кутиб ўтирарди. Улар ҳам Ҳасандай жуда қўрқиб, бир-бирларининг пиежигга кириб, эшикда изиллаб юрган шамолнинг гувиллашини, қишлоқ атрофида кезиб юрган бўриларнинг увиллашларини эшитиб, ҳўнграб йнглашарди.





ДАРОМАДЛИ УИ

Томда бир ишчи елим ҳиди анқиб турган ҳўл тахта-ни рандаларкан, ғарбга оғиб бораётган қуёшга қараб-қараб қўярди.

Август ойн тугаб қолганидан, хўжайин томни тезроқ ёпиб олишга ошиқарди. У ёнгарчилик бошланиб кетишидан қўрқиб, томда икки кундан бери бирйўла саккиз кишини ишларди.

Тушда, овқат маҳали ишчи ўн минутча дам олиб, ярим палла тарвуз блан бир бурда нонни апил-тапил еб, шу заҳоти яна ишга киришарди. Бино беш қаватли эди, шундай баландликда ҳўл тахталар устида букчайиб ишлашга тўғри келганлигидан кишилар гангиб, ба'зида бошлари айланарди.

Кошки тезроқ кеч кирақолса! Ушанда уйга, хотин,

42610 28382 195

бола-чақа ёнига борсанг-да, оёғингни узатиб хотининг блан қизингга иш буюриб, уларнинг парвона бўлиб юрганини кўриб ётсанг.

Хўжайин рўпарадаги уйда яшарди, шунинг учун ҳам ишчилар бақирши-чақирши уёқда турсин, ҳатто қаттиқроқ гаплашишга ҳам ботинаолмасдилар. Гоҳида хўжайин ойнани очиб, дераза тоқчасига қоринни тираб соатлаб ишчиларнинг ишини кузатарди ва ора-сра «Хув анови ерини яхшилаб бекит», ёки: «Кўп вайсайверманглар!..» — деб ўшқириб қўярди. Ҳатто хўжайин уида йўқ пайтида ҳам ишчилар гаплашишга қўрқиб, жим ишларди.

Томда ишлаётган ҳалиги ишчи тўсатдан сесканиб кетди: у пастда елкасидаги саватнинг оғирлигидан ерга букилиб бораётган кичкина ҳаммолни кўриб қолди. Томдаги кишининг раҳми келганидан юраги эзилиб кетди. Тахтани маҳкам ушлаб, диққат блан пастдаги бслани кузатабошлади. Юкнинг оғирлигидан боланинг оёғи катта йўлдаги тошларга ёпишиб қолаётганга ўхшарди. Оёғини зўрға-зўрға судраб босаётган ҳаммол бола унинг ўғли эди.

Бир кун ишласа, ўн кун иш тополмай сарсон бўлиб юрган оғир кунларида ота ўғлини мактабдан олиб қолишга мажбур бўлди, шу-шу кейин ўқишга юборолмади.

Унинг оиласида хотини ва шу ўғилдан бошқа яна иккита қизчаси ҳам бор эди.

У омади юришган ойларда ўн кунгина иш топаолар, шунда ҳам кунлик иш ҳақи энг кўп деганда олтмиш курушдан ошмасди. Бу пул эса оилани боқишга етмасди, шунинг учун ҳам ўғли ёшлигиданоқ ишлашга мажбур эди.

Отаси арзонгикага бир эски сават сотиб олиб ўғлига берди-да, уни бозорга юборабошлади. Бола ҳар кун ийигирма-ийигирма беш куруш чақа топиб келабошлади. «Катта бўлса ўн-ўнбеш куруш кўпроқ топиб келадиган бўлади», — деб ўйларди отаси.

Бу сафар болага жуда ҳам оғир юкни кўтартиришган эди. Қуёш нури боланинг юзига тушганда даласи юқоридан турибоқ ўғлининг пешонасидан ялтираб чиққан терларни кўрди. Ҳаммол бола блан ёнма-ён бораётган киши, хизматкор бўлса керак, гоҳо тўхтаб, кўринишидан болаи тез юришга ундаб, бир нималар дерди. Улар яқинроқ келишгач, ота ҳаммолнинг орқасидаги саватга солинган нарсаларни яққол кўрди.

Саватда бирқанча шишалар блан ҳархил рангдаги ёрлиқлар ёпиштирилган консерва банкалари аралашқуралаш бўлиб ётарди. Катта-кичик, думалоқ, учли, ингичка ва йўғон бўйинли ҳархил шишалар жуда кўп эди. Шишаларда эса оқ, кўк, тўқ ва оч қизил ичимликлар бор эди. Юк шундай оғир эдики, худди ҳозир болаи эзиб қўядиганга ўхшарди. Ота ўғли ёнида келаётган кишини таниди, у хўжайиннинг хизматкори эди.

Афтидан, рўпарадаги уйда катта зиёфат борга ўхшайди. Шишаларнинг кўплиги, ҳархил нав' балиқлар, консервалар бунга гувоҳ эди.

Ҳаммол блан хизматкор эшикка яқинлашди, ҳаммол бола нимжон қўллари блан деворга таяниб, зинанинг биринчи босқичига оёқ қўйди. Отаси юқоридан туриб боланинг тиззалари зўр бериб титраётганини кўрди. Бола иккинчи оёғини кўтаргани қийналарди. Сават жуда ҳам оғир эди. Қўлларини орқасига қилиб олган хизматкор унинг ёнида энсаси қотиб, анқайиб турарди.

Ниҳоят, бола зўрға иккинчи зинага чиқди, сўнгра бир амаллаб зинапояни босиб ўтиб, уйга кириб кетди.

Тепада турган ота нафасини ичига ютиб, сабрсизлик блан ўғлининг қайтиб чиқишини кутабошлади.

— Ҳой, ишла!— деб бақирди шу пайт томнинг нарини чеккасида турган уста.

Ишчи ҳуш'ёр тортиб, болғасини тақиллатиб ишга киришди, лекин унинг бутун фикру-ёди рўпарадаги уйда эди.

Гоҳида у ишнини бирпас қўйиб қулоқ солар, броқ

юрагининг дукиллаб уришидан бошқа ҳечнарсани эшитмасди. Орадан бироз вақт ўтгач, болталарнинг тақиртуқур товуши орасидан шишанинг шарақлаб сингани эшитилди. Ишчи пастга энгашиб қулоқ солди.

Рўпарадаги уйда кимдир ўдагайлаб уришарди, унинг нима деяётганини билиб бўлмасди. Ба'зида кимдир йиғлаётганга ўхшарди. Кейин товушлар эшик олдида эшитилабошлади.

Ишчи пастга яна кўпроқ энгашиб олди.

Эшикдан аввал бола чиқди. У бир қўли блан ерда судралиб келаётган саватининг арқонини, бир қўли блан тиззасини ушлаб ҳўнграб йиғларди. Оёғи қонга бўялган эди. Унинг орқасидан ғазабланиб хизматкор чиқди.

— Қани, тур, йўқол буердан!— деб ўшқирди хизматкор болани уришиб.

Бола чинқириб йиғлаб алланима дерди, лекин нима деяётганини тушуниб бўлмасди.

— Кет, йўқол, кўзимга кўрирма!— деди хизматкор.— Сени деб, мен ҳам гап эшитдим. Кўтаролмасанг, ёлланниб нима қилардинг?

Бола бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, хизматкор уни гапиргани қўймади.

— Ахир кўтарганинг пахта эмас эдику.

— Шунча ерга юриб келдик, жуда бўлмаса беш куруш ҳақимни беринг,— деб ялинди бола, кўз ёшларини артиб.

Хизматкор елкасини қисди.

— Сен ҳарбири бир юз эллик куруш турадиган иккита шишани синдирдинг — иккови уч лира туради-я. Яна пул ҳам дейсанми?!— деди-да хизматкор кичик эшикдан ичкарига кириб кетди.

Бола кетмай, аста йиғлаб тураверди. Шилинган оёғидан қон оқиб, уй олдидаги тўрт бурчак тошлар қизариб кетди.

Отаси турган ерида тошдай қотиб қолди. У индамэй

пастга қараб ўйлади: агар бу ишга аралашиб, ўгли эканлигини айтса, хўжайин уни ҳайдаб юборади. Агар: «Болани нега хафа қиласизлар, пулини тўланглар» десачи, унда ҳам хўжайин уни дарров ҳайдайди.

Шунинг учун у ишини қўйиб пастга тушаолмади. Очигини айтганда, ҳозир ишчи бу ҳақда ўйламасди ҳам. У ҳушнини йўқотиб пастга тикилганча турар, ўзини босиб олишга тиришарди, чунки юраги ҳозир қинидан чиқиб кетадиганга ўхшарди.

Бирдан рўпарадаги дераза очилиб, аввал хўжайиннинг семиз қорни, сўнгра қип-қизил юзи кўринди. У деразадан бошини чиқариб, йўғон овоз блан қичқирди:

— Ҳой, дераза тагида инграма, жўна! Яхшиликча жўнаб қол!

Шу вақт хизматкор эшикдан отилиб чиқди. Шнлинган оёғига қараб, саватининг устида йиғлаб ўтирган болани шартта ушлаб қўлтиғидан тортиб турғазди.

— Вой, вой, оёғимда шиша синиб қолган!— деб доллаб юборди бола.

— Жўна, бошқа ёққа бориб бўкир! — деб қичқирди хўжайин яна.

— Пулимни беринг!

Деразадан қараб турган хўжайин яна ҳам дарғазаб бўлиб, тутақиб:

— Бу итваччани бу ердан йўқот!— деди хизматкорига.

Хизматкор ҳаммол болани қўлидан тортиб судрабкетди.

Бола саватини қўлида ушлаб, овозининг борича бақариб йиғларди. У ўтирган ер қондан қип-қизариб, куёш нурида хирагина йилтирарди.


Томдаги киши донг қотиб, пастга қараб турарди. Унинг кўзларига қон тўлиб, боши қизиб кетди. Худди ёқаси бўғиб юбораётгандай, қўлларини томоғига олиб борди.

Бола энди пулни олиш ниятида эмас, балки оғриқнинг зўрлигидан юраолмасди. Хизматкор деразадан кўзини узмай, болани қаттиқ итариб юборди. Бола саватини маҳкам ушлаганича, ерга юзи блан тушди, у энди йиғламасди.

Томдаги кишининг кўзлари тиниб, башлари офтоб ургандай ғувуллаб кетди. Томнинг четига тираб турган оёқлари дир-дир титрарди. Оёқлари бўшашиб, тиззалари аста букилабошлаганини сезган ишчи тепасидаги тахтани ушлайман деган эди, бармоқлари бўшашиб, уни тутолмади.

Унинг гавдаси силлиқ тахта устидан сирғалиб кетди. Томнинг четига келганда сал тўхтагандай бўлди-да, сўнгра худди тупроқ солинган қопдай залвар блан тош кўчага тапиллаб тушди.

Болани турғазишга уринаётган хизматкор буни кўриб қочиб кетди, деразадан қараб турган хўжайин эса башарасини буруштирди-да, деразани тақ этдириб ёпиб ичкарига кириб кетди.





ҒОЗЛАР

Дуду югурганча қишлоқ ўқитучисининг уйига кириб келди.

— Манави хатни ўқиб беринг... Саиддан келипти!..

Бундан уч йил аввал эри Саидни бир ўртоғи тўйга айтган эди. Эски одат бўйича янги келин-куёвни бир-нечта милтиқдан бараварига ўқ узиб қутлашарди. Шунда меҳмонлардан бирига ўқ тегиб ўлди. Ким ўлдирганини билиш жуда қийин эди! Шундай бўлса ҳам текширгани келган суд терговчисига пора бериб, камбағал Саид билан унинг ўртоғи Дурмуш ўлдирган леб кўрсатишди. Суд иккаласини ўн йилдан қамоққа ҳукм қилди.

Ўқитучи Саиддан келган хатни ўқиб чиқди. У хатида қамоқхонадаги оғир турмушини, ифлос жойда яшаётганини, агар Дуду олдига келса, иккита ғоз ҳам олиб келса яхши бўлишини ёзган эди. Ғозларни қамоқхона бош-

лиғи ва бош назоратчига бериш мумкин бўлар, шуида улар Саидни камеранинг сал тузукроқ, қурт-қумурсқалари камроқ бўлган олдинги қисмига кўчиришарди.

Дуду хатни қўйнига солиб, эшикка чиқди. Тўрт яшар ўғли Хусни қишлоқнинг чанг кўчасида болалар блан чопқиллаб ўйнаб юрарди. Дуду ўғлини етаклаб, ўйга чўмганча кулбасига қараб кетди. У нима қилишини билмасди.

Унинг биттаю-битта ғозни бор эди. Агар у ҳарқун тухум қилиб турса, бир ойда Ил'ёс Афандининг қарзидан қутиларди. Дуду ундан ўғилчасига кўйлак учун бўз олган, пули бўлмаганидан, пул ўрпига тухум беришга ва'да қилган эди. У савдогарга қарам бўлиб қолган эди. Энди ғозни шаҳарга олиб кетса борми, савдогар унинг уйидаги бор бисоти: эски кўрпаси блан йиртиқ тўшагини ҳам қўймайди.

Нима қилиш керак?

Бунинг устига ғозни битта, Саид эса иккита сўраган.

Дуду қариндоши бева хотиннинг олдига борган эди, у қарғаб ҳайдаб юборди. Дуду уйига қайтиб келди ва бошқа қариндошлариникига ёрдам сўраб бормаи қўяқолди.

Кечаси Дуду мижжа қоқмади. Уйда тўрт яшар ўғлидан бошқа ҳечким йўқ. У кўрқди. Ўлдирилган одамнинг қариндош-уруғлари эрингга ёрдам берма, деб дўқ қилишарди. Улар Саиднинг акасини унча-мунча ёрдамлашиб тургани учун ўлдиришди. Дуду кимникига бормасин, ҳайдаб чиқарарди. Саид иккита ғоз сўратипти-я. Ярим кечада Дуду бир қарорга келди-да, ўрнидан туриб эшикка чиқди. Тўғри товукхонага бориб, ғозни ушлади-да, оёқларини боғлади. Тўсатдан оёқлари боғланган ғоз ғоғолаб юборди. Четдан девор орқасидан қўшни ҳовлидаги бошқа ғозлар ҳам унга қўшилиб ғоғолайбошлади. Дуду бироз тўхтаб турди ва секин четан девордан ошиб, қўшинсининг ҳовлисига тушди-да, товукхонадан битта ғозни тутиб чиқди. Ит уни таниб, индамади.

Шундан кейин Хуснини елкасига миндириб, бир қўлига ғозларни, яна бир қўлига дон солинган халтачани олиб йўлга тушди. Хусни шинни солинган кўзачани кўтариб олган эди. Гоҳида Дуду қоронғида қоқилиб кетар, шинни чайқалиб тўкиларди. Дуду шаҳарга борарди. Қишлоқдан шаҳаргача тўққиз соатлик йўл эди.

Саид уч ойча касал бўлиб ётди. Охири уни қамоқхона касалхонасига ётқизишди. Броқ орадан бирнеча кун ўтгач бошқа бир маҳбус касал бўлиб қолди-да, Саидни касалхонадан яна жойинга келтириб ташлашди. Сил бўлгандан кейин даволаб нима қиласиз!— деб буйруқ беришган эди хўжайинлар.

Қонун бўйича Саид каби маҳбуслар ҳукми юмшатишни ёки авф этишни сўраб ариза беришлари мумкин эди. Саид эса ўзининг нима касал эканини билмасди, билганда ҳам қўлидан нима келарди дейсиз.

Туркия қамоқхоналарида ҳукм суручи қийноқ ва азоб-уқубатларни кўпчилик билмайди. Авф этиш ҳақидаги аризалар, илтимослар оёлаб идораларда чанг босиб ётади, ҳечким унинг ижроси блан қизиқмайди ҳам. Биров ёрдам берай деса, бунинг учун пул керак! Пулни қардан олади?

Саид камеранинг энг ифлос, қоронғи бурчагида, ҳожатхона ёнида кун бўйи қимирламай, қамоқхонанинг зигирдай ойнасидан кўриниб турган бир парча мовий осмонга тикилиб очдан-оч ётарди.

У қишлоққа хат ёзиб юборишларини илтимос қилиб сўрагандан кейин, Дудуни ишдан қўймаслик учун анчагача хатни юбормади: чунки ер ҳайдайдиган қизғин пайт эди. Саид нуқул оиласидаги ишларни ўйлар, капдаккина кўмкўк осмондан кўзини узмасди.

Кечқурунлари Саид шиннига бир бурда қаттиқ қоранон ботириб еб ухлашга уринарди. Дуду келганда қандай қилиб туриб, камерадан унинг олдига чиқиш ўйи безовта қиларди. Ахир эмаклашга ҳам ҳоли келмасди...

Саид Дуду ҳақида кўп ўйларди. Тўйдан кейин бир

ой ўтгач ҳарбий хизматга кетди: қайтиб келганидан кейин орадан йигирма кун ўтмасдан қамалди. Дудунинг қандай эканлигини тузуккина билолмади... Дуду ҳамон келмасди.

Охири, кўз тутавериб ҳафсаласи пир бўлган Саид энди кутмай қўяқолди.

...Дуду қамоқхонага келди. Эшик олдида ҳечким йўқ эди. Броқ энди ичкарига кирай деганда қоровулхонадаги жаандарм:

— Қайт орқангга!— деб бақирди.

Дарвоза ёнида турган назоратчи Дудунинг қўлидаги халтача ва ғозларни кўриб, унга қўли блан ишора қилди. Лекин шу чоқ бирнеча маҳбус замбил кўтариб келиб қолишди. Назоратчи уларга қараб юрди.

Шу пайт қоровулхонага қамоқхона мирзаси кириб келди.

— Замбилни мозорга олиб боринг!— деб қичқирди мирза ўтиб бораётган маҳбусларга.— Мен ўзим қайд этиб қўяман.

Дуду бош назоратчининг қамоқхона хизматчилари ҳамда, айрим маҳбусларни аллақандай бир қоғозга имзо чекишга мажбур қилаётганини эшитди. Улар ўлган кишидан бир эски кўрпа, мис товоқ ва йиртиқ ботинкагина қолганига гувоҳлик беришарди.

Шу пайт бош назоратчи нарироқда турган Дудуни кўриб сўради:

— Сенга ким керак?

— Опрука қишлоғли Саид.

Бош назоратчи қоғоғини солди, у мурдани замбиялга солиб кўтариб кетаётган маҳбусларни кўрсатиб, Дудуга имо қилмоқчи эди — халтачага кўзи тушиб қолди:

— Саид шу ерда, лекин бугун қабул кун эмас. Қўлингдагини бер-да, ўзинг бир ҳафтадан кейин кел,—деди.

Бош назоратчи ғозларни, халтани, шиннили кўвачани олди ва эшик олдида қимирламай турган Дудуга қараб ўшқирди:

— Бир ҳафтадан кейин кел дедим-ку, нарсаларингни у олади... Йўқол бу ердан!

Дуду шаҳарда бир ҳафта қолаолармиди дейсиз?

Дуду ўғлини етаклаб битта-битта юриб кетди. Ўғли қамоқхона томонга ўгирилиб-ўгирилиб қарар, ерга қоқилар ва кўз ёшлари орасидан ҳадеб:

— Дадам қани? Дадам қани?..— деб сўрарди.

Дуду уни жеркиб берди:

— Нега йиғлайсан! Қичқирма!— Кейин кўнгли юмшаб, қўшиб қўйди:— ўримдан кейин яна келамиз.

Дуду уйига эди етиб келдим деганда, жандарм уни қамоққа олди. Ғоз ўғирлагани учун Дуду қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ярим йилдан кейингина у эрининг ўлганини билди.





БЕШ КУРУШЛИ ПИРПИРАК

Кечқурунлари кўчаларга одам тўлганда чорраҳага ёш бола блан бир хотин келарди. Юзига қора чодра тутиб олган аёлнинг фақат бир жуфт ҳаракатсиз, нурсиз қора кўзлари кўринарди. У чўққайиб ўтириб, халтадан ўйинчоқларни оларди. Булар пирпираклар: таёқчанинг учига кўндаланг ўқ ўтказилган, унинг икки тарафида иккита филдиракча бор, ўқнинг устига яна битта силлиқ филдиракча ўрнатилган, филдиракча устига эса новдадан тўқилган саватча қўндирилган. Пастки филдираклар ҳаракатга келганда юқоридагиси ҳам айланар, натижада саватча пирллаб айланарди.

Қора чодрали хотин ўйинчоқларни ерга қатор қилиб тизар, бола бўлса улардан бирини қўлига олиб, ингичка овоз блан қичқирарди:

— Кимга керак пирпирак! Беш курушли пирпирак!
Пирпирак... Кеб қолинг!

Улар шу зайлда кўчалар бўшаб қолгунча тураберардилар.

Бола саккиз ёшда эди, броқ у шунчалик нимжон ва митти эдики, кўрган одам олти ёшдан ошмаган деб ўйларди. Ингичка, титроқ овози кичкина қизчанинг овозига ўхшарди. Онасига ўхшаб бола ҳам бошини эгиб жимгина олдиға қараб турарди.

Чорраҳа яқинида атторлик дўкони бор эди. Витринанинг катта ойналаридан ола-була галстуклар, шерст джемперлар, қўлқоп, камар, одамга керак ва кераксиз жуда кўп буюмлар турли-туман рангда живирлаб кўринарди. Она-бола шу ердан ўтганларида ҳам, муйилишда турганларида ҳам дўконга қарамасликка ҳаракат қилишарди. Дўкон уер-буердагина милтиллаб турган фонарлар ёритган кўчанинг ифлос йўлкасига ҳашам бўлиб турарди.

Афтидан витринадаги нарсалар ўткинчиларга, айниқса болаларга кучли таъсир этарди шекилли, уларнинг ҳаммаси ёғоч пирпиракни назарга илмай, ушнинг олдида бепарвогина ўтиб кетаберардилар.

Броқ пирпирак сотучи бола бунга парво қилмагандек кичқиришдан тўхтамасди:

— Кеб қолинг, пирпирак! Беш курушли пирпирак!..

Дўкон олдиға каттароқ, усти ёпиқ енгил машина келиб тўхтади. Ундан бошига оқ мовут қалпоқ, эгнига кўк пальто кийган саккиз ёшлар чамасидаги бир бола блан тўладан келган олифта хоним тушди. Улар магазинга кириб кетишди.

Бирпасдан кейин, ўзини қизиқтирадиган нарсаларни кўриб бўлди шекилли, ҳалиги қалпоқли бола кўчага югуриб чиқди. Бу вақт ташқарида:

— Беш курушли пирпирак!— деган овоз эшитилди.

Бола бошини ўгириб қора чодралли аёл блан унинг

ёнида пирпирак сотиб турган болани кўриб, олдига чоп-қиллаб борди.

— Вой... Пирпирак сотаётган санмисан?

Уртоғини кўрган пирпирак сотучи кулиб, «ҳа-а-а..»— дедида:

— Ойим қаттиқ бақиролмайди, шунинг учун мен бирга келаман,— деб илова қилди.

Оқ қалпоқли бола чўнтагига қўлини тикиб бир сиқим конфет олди-да, биттасини ўртоғига берди. Кейин оғзини конфетга тўлғазиб, сўрайбошлади:

— Дарсларингни қачон тайёрлайсан?

— Мактабдан қайтиб келган заҳотим тайёрлайман. Кечқурун дарс тайёрлайолмайман, ҳозир керосин қим-мат.

— Ўқитучи сени кўрдими? У ҳозиргина шу ердан ўтиб кетди.

— У менинг пирпирак сотишимни билади.

Пирпирак сотучи бола ўғлини етаклаб олган бир хотин ўтиб кетаётганини кўриб дарҳол қичқирди:

— Беш курушли пирпирак!

Болалар қўл ушлашиб ёнма-ён туришарди. Пирпирак сотучи боланинг опаси болаларга ғамгин боқарди. Қалпоқли бола ўртоғидан арифметикадан берилган масалани ишлайолдингми, деб сўради-да, қўшниб қўйди:

— Мен бугун роса бошимни қотирдим. Ишлайвердим, ишлайвердим — броқ ҳеч чиқаролмадим! Кечқурун дадамдан сўраб оламан.

— Сўрашнинг нима кераги бор! Ўзи жуда осонку.— Пирпирак сотучи бола масаланинг ечиш йўлларини тушунтириб берди. У тушунтириш блан машғул бўлиб кетганидан «пирпирак, пирпирак» деб қичқиришни унутган эди.

— Биласанми, менга қара,— деди қалпоқли бола,— мен ўқитучидан иккаламизни бир партага ўтқазиб қўйишини сўрайман. Иккаламиз бирга ўқиб, бирга дарс тайёрлаймиз.

— Менинг ёнимдаги бола бошқа ёққа ўтишни истамайди, инанайкейин ўзим ҳам бунини хоҳламайман,— деб жавоб берди пирпирак сотучи бола.— Иккаламиз бир кўчаданмиз, у ҳам менга ўхшаб камбағал.

Шу орада магазиндан олифта хоним чиқди. Унинг икки қўли сотиб олинган нарсаларга тўла эди. Шофер унинг олдига югуриб келди-да, қўлидаги нарсаларни олиб машинага жойлади. Бирдан хоним болаларни кўриб, қовоғини солди. У шошилиб болалар турган томонга юрди. Опасининг жаҳли чиққанини кўриб, довдираб қолган қалпоқли бола тиржайиб турарди. Ўртоғи эса қўрқувдан жим бўлиб қолди. Пирпирак сотучи боланинг онаси ҳам қиммат баҳоли пальто ва илон терисидан тикилган туфли кийган хонимга қўрқа-писа қараб турарди.

Хоним келасолиб ўғлининг қўлидан тутди.

— Бу нимаси тагин-а?— деб ўдағайлади у.— Ким блан гапиришаркан?— У қўлидаги зонтик блан пирпирак сотучи боланинг елкасига туширди.— Ху, ярамас! Ўғлим блан гаплашишга қандай ҳаднинг сизди?

Қора чодрали аёл жим турарди, пирпирак сотучи боланинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Қалпоқли бола ўртоғининг кўзидаги ёшни кўриб жон ҳолатда:

— Ойижон, бу менинг мактабдош ўртоғим-ку!..— деди.

Ҳазабдан юзлари қизариб кетган хоним ўғлининг сўзини бўлиб:


— Эртагаёқ мактабингизга телефон қиламан. Мен мактабга ҳарқанақа чувриндиларни ҳам қабул қилаверишларини уларга кўрсатиб қўяман!— деди.


У ўғлининг қўлидан етаклаб, пирпирак сотучи бола блан унинг онасига еб қўйгудек тикилиб, нари кетди. Шу чоқ унинг бу шўрли она блан болани кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Хонимнинг ўғли эса орқасига ўгирилиб, жиқ ёшга тўлган кўзларини аллақачонларга тикиб турган.

ўртоғини кўрди-да, бу ҳолдан унинг ҳам ўпкаси тўлиб кетди.

Пирпирак сотучи бола ингичка ва титроқ овоз билан қичқирди:

— Беш курушли пирпирак!.. Пирпирак!..





И Т

Езнинг иссиқ куни, қуёш ғарбга оғиб, кеч кирабошлади. Одатда бундай пайтларда Кўчхисор кўли томонидан шамол эсиб, кўз илғамас адр юзида чанг тўзони кўтарарди. Броқ бугун сарғимтир чўл ўтлари қимирламай турар, гўё бу ерда ҳаёт нафаси сўнгандай эди.

Қовжираган янтоқлар устида ангор эчкилари ётишарди. Уларнинг майин юнглари кўрпача вазифасини ўтарди. Эчкилар кўзларини қисиб, уфқнинг шарқида қимирламай туриб қолган икки бўлак оқ булутни кузатаётгандек эдилар. Бутун пода яққол кўринадиган сал наридаги дўнгликда иккита катта олапар ит ётарди. Улар донг қотиб ухлаб ётишгандек эди. Аҳ'ён-аҳ'ёнда улар электр токи ургандек бирдан сесканиб, тумшуқларини кўтарар ва подани кўздан кечирардилар. Подага ҳечқандай хавф

тахдид қилмаётганига қаноат ҳосил қилгач, бошларини олдинги оёқлари устига қўйиб, яна мудраб кетардилар.

Бошқа дўнгликлардан баландроқ бўлган тепалик устида таёғига суяниб чўпон ҳам мудраб ўтирарди. Ба'зан у ўнқур-чуқур излар босиб кетган Анқара—Конья йўли томонга қараб қўярди.

Еш чўпон ўйга чўмиб: «Вақти келиб бутун адрни ундай майда ва сал шамол турса тўзиб ҳамаёқни босадиган йўл чанги қоплаган ўшанақа излар босиб кетади, ўшанда ого эчкиларни албатта сотса керак»— дея ўзича мулоҳаза қиларди. Ҳозирнинг ўзидаёқ эчкилар соатлаб дайдиб, бу яқин орада янтоқдан бўлак ҳечнарсга тополмаяптилар. Кўкламда яккам-дуккам бодраб чиққан кўкатлар аллақачон тамом бўлган, энди эчкиларнинг, униб чиқмасданоқ сарғайиб ва қовжираб қолган ўтларни қимтилашдан бошқа иложлари йўқ. Шунга қарамай эчкилар ўз аҳволларидан нолимагандек эдилар. Овқатнинг оз ва мазасиз бўлишига қарамай, эчкиларнинг юнги узун-узун ва ипакдек майин эди, кўзлари эса чуқур мамнуният изҳор қилиб турарди.

Чўпоннинг бошига: бутун адрни бир кун эмас бир кун чанг машина йўллари босиб кетади ва эчкиларга ейиш учун ўт қолмайди, деган фикрдан бўлак ҳам анча фикрлар келди. «Агар ого эчкиларни сотса, менинг бирйиллик иш ҳақимни берармикин?»— деб ўйларди у. Ёлланиб ишлай-бошлаганда ого унга нон ва овқатдан бўлак йилига ўн бир лира тўлашни ва'да қилган эди. Мана икки йил ўтиб кетди, ого бўлса чўпонга ўн пара¹ ҳам тўлагани йўқ. «Пулни нима қиласан?— дерди ого,— қўябер, менда тураверсин. Ҳаммасини бирдан бераман!» Чўпон яланғоч ва ялангаёқ эди, хўжайин бўлса унга фақат ўзининг эски-туски кўйлак-иштонини бериш блан қутулиб юрарди.

«Икки йиллик пулни бирдан олсам мазза бўларди-да!»— деб ўйларди чўпон, броқ шу заҳотиёқ бунга ишонмай, бош чайқарди.

¹ П а р а—майда чақа, курушнинг қирқдан бир бўлаги. (Тарж.)

Чўпон эндигина ўн саккиз ёшга тўлган эди. У юзлари қора мағиздан келган, қўнғир сочли ва қўйкўзли йигит эди. Уни чиройли деб бўлмас: туртиб чиққан тишлари ва ўсиқ қошлари ҳуснини бузиб турарди. Лекин унинг қома-тида аллақандай жозиба бор эди. «Агар онам бўлмаганда, шаҳарга бош олиб кетардим-да, кунига эллик куруш иш-лаб топардим» — деб ҳамон хаёл сўрарди у.

Аммо шу ондаёқ, шаҳарга бориб, бирнеча йил ишлаган ва кейин, пул топишдан бутунлай умидини узиб, қишлоққа қўлларини бурунларига тикиб қайтган ҳамқишлоқлари ёдига тушарди. Улар шаҳарда фақат ҳаммол ёки қора ишчи бўлиб ишлаш мумкин дердилар. Букамбағал бечоралар агар бир кунда йигирма беш, ўттиз куруш топсалар ўзларини бой санардилар. Улар усти очиқ жойларда тунар эканлар, қишлоқдаги усти похол блан ёпилган саройларини қумсардилар.

«Энди нима қилсамикин?» — ўз-ўзидан сўрарди чўпон. Вужудини қоплаб олган бу ташвиш онасининг бундан буён далага чиқиб ишлашга қуввати келмаганини кўргандан бери унга сра тинчлик бермасди. У бошқаларнинг иши ҳам дуруст эмаслигини биларди. Ҳамкасбларининг қашшоқликдан қутилиш учун қилган ҳаракатлари беҳуда кетганини ўйлаганда уни умидсизлик чулғаб оларди.

Бундан бирнеча йил илгари қариндош-уруғларидан бири Измирга бориб фабрикага ишга кирди. Аввал у ишга ўрнашиб олганлиги, аҳволининг ёмон эмаслиги ҳақида ёзиб юрди, броқ кунларнинг бирида уйга оёқсиз қайтиб келди — оёғини машина узиб кетган эди. Қутилиш учун фабрикадагилар чўлоқнинг қўлига эллик лира бериб жўнатишти. Тез орада у бу пулларни еб бўлди-да, ўтган кетгандан садақа сўраш учун Қоньяга йўл олди. Броқ у ерда шаҳар бошқармаси уни тинч қўярмиди, дейсиз.

«Бу ернинг ўзида, қишлоқда иш топиш ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ», — деб ўйларди чўпон. Бир парча ер сотиб олиш учун камида ўн йил ишлаш керак!

Бундан ташқари, ҳўкиз сотиб олиш ҳам керак бўлади. Унинг учун яна ўн беш йил керак. Буниинг устига, шунча машаққатдан сўнг ҳам турмушнинг яхши бўлиб кетишига ишониш қийин. Бир парча ери ва ҳўкизи борларнинг аҳволи ҳам хиёл бўлса-да яхши эмас. Қурғоқчилик бўлиб қолса ҳамма деҳқонлар тоққа жўнашади ва у ерда ўт еб тирикчилик қилишади; ба'зан ҳўкизларни боқиш учун ҳам ҳечнарсга топилмай қолади, броқ уларни сотаман деса ўз нархидан ўн баравар арзонга сотиш мумкин. Йўқ, чўпоннинг аҳволи ҳарқалай тузук, чунки оғо қурғоқчилик йилларида ҳам унга ош-нон бериб туради-ку. Ким билади дейсиз, эҳтимол оғо бир кун унинг иш ҳақини ҳам берса!

Чўпон аввал эчкиларга, сўнгра дўнглик устида ётган итга қаради-да:

— Қорабош! — деб чақирди.

Ит бошини кўтариб, чўпон тарафга қаради ва дарров унинг олдига югуриб келди. Иккинчи ит ҳам ўрнидан сапчиб турди-ю, ўзининг чақирилмаганини билиб, ўтирди ва юнгига ёпишган тиконларни тозалайбошлади. Қорабош чўпоннинг олдига келиб тўхтади. Ит серюнг думини аста-секин жилпонглатиб, «Нега чақирган эдингиз» дегандай эгасига телмуриб турарди. Чўпон унинг олдинги оёғини ушлаб, ўзига тортди. Ит уч оёқлаб сакраб чўпонга жуда яқинлашди ва эркаланиб унинг қулоқларига тумшуғини суйкайбошлади. Каттакон ит суюнганидан титрар, гоҳ ўннга, гоҳ чапга силкинаётган бақувват думи, қияликдаги майда шағал тошларни сидириб, пастга тушириб юбормоқда эди.

Чўпон блан ит бир-бирларига тикилиб туришарди. Бу қарашдан уларнинг бир-бирларини қандай самимий яхши кўришларини уқиб олиш мумкин эди. Чўпоннинг илиқ нафаси итнинг тумшуғига урар, гўё бу нафасни тугиб олаётгандай итнинг қизил тили титрарди.

Дўнгликда қолган иккинчи ит энди подани қўриқлаш ўзига қолганини билиб, ўрнидан сакраб турди-ю, қаттиқ

вовуллаб пастга чошиб кетди. Чўпон блан Қорабош ит чопган тарафга қарашди.

Узоқда, Анқара йўлида чанг қуюни кўтарилган эди. Бу чанг қуюни яқинлашгач, чўпон автомобильни кўрди. Энди унинг ўзи ҳам севган ити Қорабош блан пастга, йўл ёқасига тушди. Иккала ит ҳам душманнинг яқинлашаётганини кўриб жон-жаҳдлари блан ҳурабошладилар. Автомобиль жуда яқинлашиб қолгач, иккала ит бара-варига унга ташланди. Бу вақт эчкилар бўлаётган воқна-га сра эътибор бермай, бепарво ўтлаб юрардилар. Уфққа бош қўйиб ботаётган қуёш нурлари эчкиларнинг буралиб-буралиб ўсган шохларида ўйнади.

Автомобиль тўхтади. Бу каттагина усти берк енгил машина эди. Устини чанг босганига қарамай унинг тўқ-зангор рангда экани билиниб турарди.

Чўпон пўписа қилган эди, итлар овозини ўчирди ва орқаларига қарай-қарай машинадан узоқлашди. Автомобильдан қорачадан келган, ингичка мўйлабли ёш йигит чиқди. У қўли блан имлаб, чўпонни чақирди.

Бу йигит инженер эди. У дастлабки маълумотни колледжда¹ олиб кейин Америкага бориб ўқиган ва ўз ватанига қайтганига бир йил бўлган эди. Бир обрўли қариндошининг ёрдами блан қандайдир банкнинг бўлим-ларидан бирига бошлиқ бўлиб олган бу йигит ойига беш юз лира маош оларди. Гарчи бу иш унинг ихтисосига ҳеч алоқадор бўлмаса ҳам, ўзининг бу ишидан фоят мамнун эди. Унинг дабдабали ёзув столи устида математик белги ва формулалар битилган бирнеча китоб ишлатилмай ётарди. Бу китоблар фақат эгаси ўқимишли киши эканидан далолат бериб туриш учун хизмат қиларди. Унинг ўзи бўлса кабинетда ўтириб олиб, номига бир-икки буёруқ берар ва вақтини қандай ўтказишини билмай инглиз тилидаги эски журналларни, юзинчи марта бўлса керак, кўздан кечирабошларди.

¹ Колледж—Туркияда ўрта мактаб.

Бундан олти ой илгари уни банк бошлиқларидан бирининг қизига унаштиришди, бу эса унга бўш вақтларини яна ҳам кўнгиллироқ ўтказиш имкониятини берди. Бўлажак қаллиғи блан ҳар кун сайр қилиб юриш учун сотиб олган автомобили бу яқин орада биттаю-битта эди. Анқарадаги ҳарбир йўловчи таққа тўхтаб, кенг йўлдан физиллаб ўтган бу ялтироқ автомобилга қарамай иложи йўқ эди.

Ҳозир у Коньяга, Америкада бирга ўқиган инженер ўртоғиникига кетаётган эди. Ёнида қизини ёлғиз юборишни эп кўрмаган бўлажак қайнаси ҳам бор эди. Янги таассуротлардан мамнун бўлган қиз тўхтамай кулар, чанг ва тўзондан, йўлдаги силкинишлардан жони ҳиқилдоғига келган онаси бўлса тинмай жоврарди.

Увишиб қолган оёқларининг чигиллини ёзиш учун инженер машинадан ерга тушди. У кулранг шерстан бежирим қилиб тикилган спорт кийимида бўлиб, оёғига чарм туфли ва рангдор носки кийиб олган эди. Галифе шим кийиб олганидан рангдор носкиси кўзга яққол ташланиб турарди. Узининг шахсий автомобили бўлган одамларники каби унинг туфлисига ҳам бензин, ёғ тегиб, доғ-дуғ бўлган, стартерни босадиган оёғидаги туфлисининг таг чарми сийқаланиб кетган эди.

Инженер олдинга ва орқага юриб туриб, автомобильнинг ойнаси тушириғлиғ эшиги олдида тўхтади-да, қаллиғига мурожаат қилди:

— Чўпон блан гаплашиш фикри бошинга қаёқдан келиб қолди-я?

— Вой, шунчаки қизиқ-да. Ҳақиқий деҳқонни ҳеч ҳам кўрган эмасман,— тантиқлик блан жавоб берди қиз. Унинг ҳарбир ҳаракатидан нозу-карашма ёғилиб турарди.

— Ана холос! Ахир сен уларни Анқарада кўрмаганми-сан — бозорда, кўчаларда юришади-ку?

— Улар деҳқонлар эмас, ишчилар. Мен чўпоннинг

худди ўзини кўрмоқчиман. Кейин эчки боласини силаб-сыйпамоқчиман.

— Бу ерда эчки боласи йўқ, ҳаммаси катта эчки,— деди унга жавобан инженер.

— Тўхтасак нима қилипти? Тўхтаганимиздан кейини топасиз, вассалом, мен шуни хоҳлайман!— деди қиз қич-қириб ва ужарлик блан қийшанглаб, ўзининг нозу-караш-маси, ярашмаган жилфанглаши блан у мурувати буралган қўғирчоққа ўхшарди.

Бу орада чўпон автомобиль олдига яқинлашиб қолган, итлар бўлса ўз жойларига қайтиб, подани яна ҳуш'ёрлик блан қўриқлайбошлаган эдилар.

— Қани, буёққа кел-чи! — деди инженер бирнеча қадам нарида тўхтаган чўпонга мурожаат қилиб.— Қаерликсан?

— Ҳув анави ерликман,— деди чўпон ва қўли блан қишлоқни кўрсатди.

— Эчкилар сеникими?

— Йўқ, эчкилар хўжайинники.

— Сен буларни боққани ҳар куни шу ёққа келасанми?

Чўпон рўпарасида турган кишининг нима учун сўроқ қилаётганини билмоқчидай унга тикилиб елкасини қисди.

— Қаер тўғри келса, ўша ерга бораверамиз,— деб гудурлади у.

Чўпон яна анча саволларга жавоб бериб, ўзини ўнғай-сиз сизди. Унинг «Мендан сўраб нима қиласиз? Йўлингиздан қолмай кетаберсангиз-чи!»—дегуси келди. У орасра подага қараб қўяр, лекин пайти келганда автомобильга кўз солар эди.

Эшиқ очилиб, машинадан аввал паст пошналар оқ туфли кийган қиз сакраб тушди, кейин эса инқиллаб-синқиллаб, зўрға унинг ойиси тушди. Кекса аёлнинг чеҳрасидан норозилик сезилиб турарди. Унинг кўзқарашларидан: «Бу ерда бекордан-бекорга нима қилиб турибмиз? Хаҳ, тентак болаларим-а!» деган ма'нони уқиш мумкин эди.

Қиз йигит ёнига келиб, ноз блан унинг елкасига осилди. Кейин чўпонга қараб деди:

— Менга қара, ҳай чўпон, унаштирилганинг борми?

— Нима-а?— қайта сўради чўпон унинг гапига тушунмай.

Қиз ёрдамлашиб юбор дегандай йигитига қаради. Шунда йигит қизни бағрига босиб, чўпонга тушунтира бошлади:

— Қаллиқ, қаллиқ... Мана бунақа — қизил юзли, чиройли...

Чўпон юзни бужмайтириб:

— Бизларга йўл бўлсин! Ўзимизни зўрға боқаяпмизку,— деди.

— Бирорта бойнинг қизини топ-да! — деб маслаҳат берди инженер.

Чўпон жавоб қайтармади. У кўзларини катта очиб инженернинг қайпанасига тикилиб турарди. Чўпон парча-парча гулдор кўйлак кийган, кўзига сурма қўйган, юзига қизил сурган бу кампирга маҳлиё бўлиб қараб турарди. Кампирнинг қизил рангга бўяб, жингалак қилинган сочи тагидан катта зираклари кўринар, бўйнида маржонлар ялтирарди.

Бирдан инженернинг қалбида халқ вакили блан яқинлашиш, унинг кўнглидагини топиб гаплашиш истаги уйғонди. Тўғрироғи, у деҳқонни гапиришга мажбур қилмоқчи эди — чунки чўпоннинг ўзига бўлган қат'ий ишончи ва хотиржамлиги унинг ғашини келтирди.

— Нега жавоб бермаяпсан? — ўзини босиб олишга тиришиб сўради инженер.— Кўраяпсанми, сенга қандай қизиқаяпмиз? Сен бизнинг қишлоқдаги инимизсан. Биз сенга ёт эмасмиз!

— Қимимиз бўласиз? — қизиқиб сўради чўпон.

— Йўқ, азним, мен ундай демоқчи эмасман,— деди ҳафсаласи пир бўлиб инженер.— Биз сенинг уруғингдан эмасмиз, лекин биз ҳам сенга ўхшаш халқ вакилларимиз. Сен ҳам, биз ҳам бир одаммиз, демоқчиман.

Чўпон олдида турган учта одамга қаради-да кейин:

— Мен қаёқдан билай!— деди бепарволик блан ва яна инженернинг қайнанасига тикилди.

— Қаёққа қараяпсан?— деб сўради аламига чидайолмаган инженер.

— Шунчаки қараса ҳам гўрга эди,— деб жавоб берди қайнана,— нах кўзи блан еб қўйгудай бўлаяпти! Еввоймисан, ўзинг? — сўради у чўпондан. Чўпон бўлса кампирнипг оғзидаги каучук, чинни ва олтидан ясалган сун'ий жағни кўриб ҳайрон бўлиб турар эди.

Инженер қаҳқаҳ уриб кулди. Чўпоннинг улардан уялиб, хижолат чекаётганини билган эди. Халқни унутмаслик кераклиги, пайти келганда уларнинг вакилларига «бор ҳақиқат»ни тушунтириш лозимлиги ҳақидаги ижтимоий бурчи ёдига тушган инженер чўпонга шундай деб мурожаат қилди:

— Чўпон ука, қулоқ сол! Сиз, деҳқонлар саводсиз, авом кишиларсиз. Биз уйимизни ташлаб сиз блан гаплашиш, нимага муҳтож эканликларингизни билиш учун бу ерга — сизларнинг олдингизга келдик. Сен бўлсанг гапимга диққат блан қулоқ солиш ўрнига атрофга аланглайсан. Айтчи, сенга нима керак, қандай қийинчиликларга дуч келаяпсан? Сен менинг олдимда юрагингда борини айтиб беришинг керак. Ахир мен сенинг акангман. Шундай эмасми?

Чўпон лавлагиндай қизариб кетди. У инженер айтган гапларнинг бирортасига ҳам тушунмади. Чўпон ўзини қўярга жой тополмас, нима бландир бу кишининг кўнглини ранжитиб қўйганини сезиб турарди. Инженер бўлса сўзида давом этарди:

— Мен — инженерман, сен учун ишлайман. Сен — деҳқонсан, мен учун ишлайсан. Биз бир-биримизни тушунишимиз керак...

У яна кўп гапирмоқчи эди, бу суҳбат уни қаттиқ хафа қилди. У чўпон блан албатта гаплашиш заруриятини сезиб турса ҳам, умумий тил топиб гаплашишнинг сра ило-

жи бўлмади. Инженер ўз она тили туркчани яхши билмасди. Шунинг учун у гапини тугатмай тўхтаб қолди. Қўриқиб кетган чўпон ниманидир тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Жаноб, мен сизга ҳеч ёмон гап айтмадим... Ё бир нима дедимми?— деб гудурлади у.

Инженернинг қаллиғи суҳбатнинг бундай тус олишидан норози эди. У зерикабошлади. Онаси блан кўз уриштириб олгач, йигитнинг қўлтиғидан олди-да:

— Юр, азизим, кетамиз! — деди.

Инженер яна бир нима деб илова қилмоқчи эди, броқ сўз тополмади. Автомобильга ўтириб моторни юргизди. Машина жойидан қўзғалиб, олға қараб учиб кетди.

Чўпон ҳангу-манг бўлиб қолди. Унинг вужудини англаб бўлмайдиган қайғу чулғаб олди. У шу вақтгача бундай қайғуни билмаган эди. У йўловчига яхши муомала қилмагандай, нима бландир унинг кўнглини ранжитгандай эди. «Балки, чиндан ҳам ёввойидирман» — деб ўйлади у.

Инженернинг бўлса ғазаби тошиб кетди. Бу суҳбат унинг иззат-нафсига теккан эди: ахир у қанчалик тиришса ҳам, чўпон суҳбатлашиш учун заррача ҳам ҳаракат қилмади. Инженер, ҳалигина чўпонга айтган оға-инилик ҳақида энди ўйламасди. Инженер ҳозир ўзи блан чўпон ўртасидаги жарликни аниқ ва равшан кўрди. «Йўқ, бу аблаҳлар ҳечқачон одам бўлмайди!»— деди у ёжиниб тишлари орасидан.

Қизнинг қичқирғи уни ҳушига келтирди. У ойнага қараркан қаттиқ вовуллаб, автомобиль блан ёнма-ён чопиб келаётган икки итни кўрди. Унинг қўли шу заҳотиёқ чўнтакни тимискилайбошлади. У бир лаҳза ниманидир ўйлаб тек қолди. Инженернинг кейинчалик қилган иши унинг ўзи учун ниҳоятда зарурдек туйилди. Агар ба'зи мулоҳазага бормаганда, инженер ўша топдаёқ чўпонни отиб ташлаган бўлар эди. У чўнтагидан отамерос кичик браунингни олиб, ёнма-ён елиб келаётган олапар итни

отди. Машинага яна газ берди. Автомобиль чанг қуюни ичига кириб кўздан йўқолди.

Қорабош йўл четига йиқилди. Иккинчи ит бўлса энди бир қадам ҳам юришга ботинолмай, унинг ёнига келиб таққа тўхтади. Чўпон югуриб келиб, чўнқайди-да, севимли итининг устини силаб-сийпайбошлади. Ҳозиргина вужудини қоплаб олган қайғу кучли оғриқ блан қўшилиб кетди. Ҳозир бу ердан ўтиб кетган одамлар кимлар эди? Бу блан унинг иши йўқ эди. У бир нарсани: уни дун'ёдаги энг азиз, энг севимли йўлдошидан маҳрум этишганини биларди, холос. Чўпон итга термулди, кўзлари жиқ ёшга тўлди.

Иккинчи ити яқин келиб, ўлдирилган йўлдошининг тумшугини искайбошлади. Шу пайт ўқ овозидан безовта бўлиб, ўринларидан қўзғалган эчкилар уфққа томон сузиб бораётган чанг қуюнига ажабланиб термула-термула, ботиб бораётган қуёш нурида ўлдирилган ит атрофига аста-секин тўпланабошладилар.





А Р И Қ

Чумра яқинидаги Бойшаҳар кўлидан келадиган сувнинг ранги ариққа тушгунча ўзгармайди. Қонья водисига кирганида эса, қон тусини олади. Сиз, эҳтимол уердаги тупроқнинг ранги шундайдир, дерсиз? Мен бўлсам буни Дэдэм қишлоғилик Мехмед блан укасининг қони ранги дейман.

Қонья водисининг осмони кўмкўк эмас, рангсиз. Сиз, балким, шамол тўзитиб юборган тупроқ шундай қилгандир, дерсиз? Мен бўлсам сизга, бу рангсизлик Қоньядаги қамоқхонада ётган Зағар Мехмеднинг юзидаги зафаронлик дейман.

Тирноқ блан қиртишлаб ҳам саҳродан ҳосил олса бўлади. Уни омоч блан ҳайдаб бўлмайди. У ерда бўйи икки сантиметрдан ошмайдиган ёввойи ўт блан қушқўнмасдан

бўлак ҳечнарсга ўсмайди, саҳро ташналикдан қовжираб ётган кўксини яланғочлаб осмонга тутиб беришга интилади.

Киши қўли блан қазилган ариқ саҳронинг ташналигини баттар оширади. Аста жилдираб оқаётган лойқа сув, худди ўзини буёққа келгани мажбур қилганлари учун аччиғлангандай, бутун вужуди блан қақраб «Сув!» деб ётган тупроқни қондириш уёқда турсин, унга юқ ҳам бўлмайди. Худди суюқ ёғ дар'ёсидек сув оқими, эринчаклик блан води томонга оқиб келади.

Кул тепаларни эслатучи, у ер-бу ерида дарахтлар қаққайиб турган бу ерлардаги қишлоқларда ишлайбериб қўллари қадоқ бўлиб кетган, қуёшдан юзлари куйиб қорайган, қовоқлари шишиб, қизариб кетган кишилар асрлардан бери қақроқ ердан бир парча нон ундириб олиш учун ҳормай-толмай ишлаб келадилар.

Дэдэм қишлоғи ариққа яқин ерга жойлашган. Броқ сув Бойшаҳар кўлидан қишлоққа етиб келгунча шундай камайиб қоладики, бирнеча донюм¹ ерни суғориш у ёқда турсин, бир парча томорқани суғоришга ҳам етмайди.

Ёғингарчилик йиллари деҳқонларнинг юзларида қувонч акс этса, қурғоқчилик йиллари қовоқлари солиниб хафа бўлиб юришади. Ёғингарчилик йиллари кўзлари севинчдан чарақлаб юрса, қурғоқчилик йиллари ариқнинг лойқа сувидан ҳечқандай нажот кутмасалар ҳам унга кўзлари толгунча телмуриб қарайдилар. Ёмғир эса беш йилда бир марта ёғади.

* * *

Дэдэм қишлоғида яшовчи Мехмед блан Загар Мехмед фақат қўшнигина эмас, тенгдош ҳам эдилар. Ёшликда хирмонда бирга ишлашар, чанг кўчаларда умбалоқ ошиб ўйнашар, бўйларидан баланд таёқларни кўтариб ориқ

¹ Д о н ю м — тахминан бир квадрат километрга тенг келадиган майдон. (Тарж.)

Сигирлар подасини ҳайдашар, қурбақаларга бирга тош отишар эди.

Успиринликларида улар оналарӣ блан бирга ёғ ва югурт¹ сотгани бозорга боришарди, қишлоқдан етти соатлик йўл наридаги тоғдан эшакка бирга ўтин ортиб келишарди. Ҳатто улар ўтинни бирга сотишарди ва уни бу ерларнинг нарх-навоси блан таниш бўлмаган амалдорга беш-ўн куруш ошиққа сотишса, бир хил матодан кўйлақлик сотиб олишарди.

Ешликларида тўйларга бирга боришар, хотинларни ўйинга тортишар, қизларни олиб қочишда бирга қатнашишарди. Уларнинг дўстлиги ҳам худди марказий Анатолияда яшовчи аҳоли ўртасидагидек сўзсиз қалин эди. Ешликларида бу дўстлик — баравар қадам босишларига қараб қўл силтаб юришларида акс этарди. Кундан кунга улар худди нонни ердан тиш блан қазиб олишга мажбур бўлган кишилардай жиддийлашабордилар. Бўйинларига рўзғор сғирликлари тушгач, кам учрашадиган бўлиб қолдилар. Загар Мехмед уйланди. Мехмеднинг отаси ўлиб, онаси, опаси ва укаси унинг қарамоғида қолди.

Ба'зида эски қадирдон дўстлар учрашиб, мачит олдидаги супачада қишлоққа қайтаётган подага тикилиб, бир оғиз ҳам гапирмай ярим соатча жим ўтирардилар. Сўнгра бир-бирларига лаблари учида енгил жилмайиб қараб қўйиб, уйларига қараб кетардилар.

Ниҳоят, оилада ишлайдиган киши кўпайсин учун Мехмед ҳам, укаси Мустафо ҳам бир кунда уйланишди. Ҳали йигирмага тўлмаган ёш келинлар пахса деворли кулбага келиб тушдилар.

Умр неча юз йиллардан бери унимсиз ер блан унсиз кураш орқасида ўтганидек ўтиб борар эди. Дўстлик, бирга қилинган шўхлик, тўполонлар бирдан-бир қайғуси нон бўлган одамлар ёдидан аста-секин кўтарилиб, охири бутунлай унутилди.

¹ Югурт—қатиқ. (Тарж.)

Бир куни Загар Мехмед ерини суғораётиб, сувнинг камайиб бораётганини, ариқ тагида сапсариқ лойқа чўкиб қолаётганини кўрди. Бошини кўтариб аввал ариққа, сўнг-ра юқорироқдаги Мехмеднинг ерига қаради ва Мехмеднинг сувни бўғиб, ўз ерини суғораётганини кўрди.

У Мехмед олдига ўзининг олти яшар ўғлини юборди. Оёқяланг болакай унинг ерига чопиб борди-да, қичқириб: — Дадам айтдилар, сувни қўйиб юборармишсиз! — деди.

Мехмед индамади.

Бола бирпас кутиб тургач, яна дадасининг ёнига чопиб келди.

Иккала Мехмед турган жойларида бир-бирларига қараб қўйишди. Шу қарашнинг ўзиёқ кўп нарсаларни, ҳаммадан аввал, ўрталарида кураш бошланиши ва уларни яраштириш мумкин бўлмаслигини англатарди. Лекин бу қарашларда бир-бирларига нафрат кўринмасди, чунки уларнинг ўртасида бир-бирларидан нафратланадиган иш ўтган эмас эди. Бу қарашда фақат ер ва сув учун кишилар қалбига жаҳолат солучи кураш акс этарди. Эҳтимол, бу қарашда ҳатто бирмунча ачиниш ҳам бор бўлса — бунда қақшатғич кураш келиб чиқишидан, яшаш учун, мана шу бир парча ерда тирик қолиш учун, қурғоқчиликдан қақраб ёрилиб кетган шу ердан бир неча дона бошоқ ундириб олиш учун бўлган интилиш акс этарди. Броқ бу қарашда нафратдан асар йўқ эди.

Загар Мехмед ёлғиз ўзи ака-ука блан курашаолмасди. Шунинг учун ҳам у аввал келишмоқчи бўлди, лекин бунинг иложи йўқлигини билар эди, нимагаки, сув икки далани суғоришга етмасди. Шундай бўлди ҳам: Мехмед унинг таклифига жавоб ҳам қайтармади.

Шундай қилиб, Загар Мехмед кутабошлади. У ўзининг ерига бориб, жилдираб қолган лойқа сувга тикилди, сўнг-ра юқорироқдаги ўз ерида айланиб юрган Мехмедга узоқ тикилиб турди ва яна кутабошлади. Осмонга назар ташлаб, булутни қидирди ва яна кутишга тушди.

... Поялар, сўлиб қолаётган поялар аста-секин қад кўтарди.

Қуёш эса худди бошқа барча ишларини йиғиштириб қўйгандай, бутун иссиғини бирнечта нимжон кўк пояларни қурутиш учун фақат мана шу бир парча ерга сочабошлади. Юпқа барглар қуёш нурида иссиқдан нафаси тиқилиб ҳарсиллаётган итнинг тилидек тебраниб турарди.

Шундай қилиб, буғдой пояларни бир қаричдан баланд кўтарилмади. Эссизгина поялар...

Мехмеднинг еридаги буғдой тиззага етиб қолган эди. Загар Мехмеднинг даласидаги буғдой бошқа ўсмади. Қуёш ҳам худди иссиғини кўзга кўринмас қувур орқали фақат унинг даласига сочаётгандай эди. Ҳали жуда кичик бўлган поялар сарғайди.

Чумрада сув бошқармаси бор эди. Бошқармада директорлар, амалдорлар, ҳисобчилар йиғилишиб мажлислар ўтказишарди, броқ Мехмеднинг даласи олдидан ўтадиган ариққа бир томчи ҳам сув келмасди.

Загар Мехмед зиғирдай пояларнинг сарғайиши блан эрталабдан кечгача кетмон чопучи хотини ва олтмиш яшар онасининг ҳамда олти яшар ўглининг ранглари сомон бўлишини кўрарди. У ўйлаб кутиб юрарди. Унинг нима ҳақда ўйлаётганини, нимани кутаётганини ҳечким билмасди.

Загар Мехмед бир куни эрталаб вақтлик милтиғини олиб далага чиқди-да, қақраб ётган ариқнинг ичига ётди. Мехмед блан укаси ўз ерларида кўринганларида уларга қараб, қаторасига бешта ўқ узди.

Бу унумсиз ерларда яшаганда ўлиш ва ўлдиришдан осон нарса йўқ.

Загар Мехмед чопиб келган хотинига ариққа сув боглаб далани суғоришни ва сувни ҳечким бўғиб олмасин учун яхшилаб қараб туришни буюрди, чунки қўшни участкада эркак киши қолмаган эди.

Хотини кетди. Унинг орқасидан Загар Мехмед, охириги насиҳат сифатида қичқириб, ўғлига сувни кўп исроф

қилдирмасликни, уни кўргани ўғли блан қамоқхонага бориб туришни, кампир онасини хафа қилмасликни буюрди. Сўнгра даланинг бир чеккасига ўтириб, хотинининг ариққа сув боғлаётганини узоқ кузатди, кейин узоқдан ўзига томон келаётган мухтор¹ блан жандармни кутабошлади.

Дэдэм қишлоғи яқинидаги ариқнинг суви Мехмед ва укасининг қонидек қип-қизил. Конья водисининг осмони эса Загар Мехмеднинг юзидек за'фарон.

Қамоқхонада Загар Мехмед блан оирга Дэдэм қишлоғили бир чўпон ҳам ўтирарди. Чўпонни, қўй ўғирлагансан, деб икки йил қамоқ жазосига ҳукм қилишган. Аслида эса, унинг гуноҳи бир йил ишлаб, хўжайинидан иш ҳақини талаб қилиб туриб олгани, холос. Шундай қилиб, Загар Мехмед камерадан узоқда бўлганида, бу чўпоннинг ёнига маҳбуслар тўпланишади, шунда чўпон кўзини юмиб, бошини бироз орқага ташлаб, Дэдэм қишлоғида айтишадиган қўшиқни айтабошлайди:

Улим келиб, кезиб юрар остонамизда,

Аччиқ хабар етиб келди қишлоғимизга.

Ҳуркак қўйлар сингари додлар хотинлар.

Қочинг, хўжам! Майлига, бизнинг қон оқсин,

Дўстлар йиғлаб, душманлар, майли, кулишсин...

Еш чўпон Загар Мехмеднинг қалби бу қўшиққа бардош беролмаслигини биларди, шунинг учун ҳам узоқдан Загар кўриниши бланоқ у жим бўлиб қоларди.

¹ М у х т о р — қишлоқ оқсоқоли. (Тарж.)





АСФАЛЬТ ЙУЛ

Қишлоқ ўқитувчисининг хотира дафтаридан

Станциядан вилоят марказига бораётган юк машинаси икки соат силкиниб юриб, мен ўқитучи бўлиб тайинланган қишлоққа буриладиган ерга келиб тўхтади. Машина кетгач, юкимни ерга қўйдим-да, нафасимни ростлаб олиш учун ўт ичида қолиб кетган тошга ўтирдим. Бошим ғувилларди. Шундай аҳволда эдимки, турсам икки қадам ҳам босолмас эдим.

Дун'ёда ҳозир биз юриб келган йўлдан баттар йўлнинг топилиши қийин. Юк машинасининг кузовидан чанг аралаш тер ҳиди келарди, у бизни ирғитиб-ирғитиб ташлар, биримизни биримизга урар, бундан ҳаммамиз ҳам жуда гангиб қолган эдик. Машина секин юриб ўнқир-чўнқир жойлардан ўтганда худди ҳозир пастликка аф-

дарилиб кетадиганга ўхшарди. Тебранаверишдан кўзлар тиниб, мия гангиб қолди.

Шофер менга ўқитучилик қилишим лозим бўлган қишлоқни кўрсатиб қўйди. Қишлоққача ярим соатлик йўл эди; қишлоқ мен турган жойдан худди кулранг хом гишт уюмига ўхшаб кўринарди.

Қишлоқ чеккасида чанг босган баланд тераклар қад кўтарган; у ерда анҳорча бўлса керак.

Тош устида бир соатча ўтирдим, турган эдим, яна гандираклаб кетдим. Сумкамни кўтариб қишлоққа қараб юрдим. Мен ўзим ҳам деҳқонман, шунинг учун деҳқон оғаларимни яхши биламан. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси таниш, шунинг учун мен ишимнинг яхши кетишига ишонардим.

Кеч кирди. Ботаётган қуёшнинг қизғиш нури атрофни ёритган эди. Қизил тус олган чўл ўтлари денгизи живирлаб тебранади; қупқуруқ чўл ўтлари устидан соям судралиб бораркан, чигирткалар тирқираб учар эди.

Қишлоқ чеккасига яқинлашар эканман, тутаётган тезак ҳиди гуп этиб димоғимга урди.

Ҳовлиларнинг бирида, ўчоқ олдида бир тўда оёқяланг болалар сиҳрланган кишилардай рўпараларидаги нонга тикилиб туришарди. Кўчаларда ҳали уйларини топмаган сигирлар юрарди. Улар думларини силкиб аҳ'ён-аҳ'ёнда мағраб қўйишарди.

Гўнг солинган ер ҳиди аста-секин мени қуршаб олди. Деҳқон — меҳнаткаш одам, бу ҳидга унинг пешона тери ҳиди ҳам қўшилган. Бундан бошқа ҳечқандай ҳид мени шунчалик ҳаяжонга солмайди ва ўтганларни эслатмайди.

Қаҳвахона олдида бирнеча чол ўтирарди. Чоллар ўтирган жойларидан қўзғолмай, диққат блан менга тикилишарди. Мен улар олдига бориб, ёнларига ўтирдим-да, ўзимни таппитдим. Бири оқсоқол экан. У қишлоқдан ўқитучининг кетганига олти ой бўлгани ва шу вақдан буён мактабнинг берк турганини айтиб берди.

— Ҳосилни япчиб бўлмагунимизча, болалар мактабга бормайди. Бирон ўн кун дам олатур,— деб сўзини тутатди у.



Болаларни йиғиш ва дарсларни бошлаб юбориш унча қийин бўлмади, чунки тилини билган кишининг сўзига деҳқонлар дарров кирақолишади, шунинг учун ҳам улардан нолимаса бўлади. Мени ҳаммадан кўпроқ ўзим бир-неча ойдан бери шуғулланаётган бир нарса безовта қиларди. Мен бу ерга келаётганда жонимни ҳовучлаб босиб ўтган йўл вилоят аҳолисининг бошига битган бало эди.

Агар ҳосилингизни ташиш учун ёки бошқа бирор нарса учун бирон ёққа борадиган бўлсангиз сиз албатта шу йўлдан борасиз: бошқа йўл йўқ. Лекин уни йўл деб аташ учун юксак тасаввурга эга бўлишингиз керак. Ҳаммадан шуниси ёмонки, худди шу қишлоқ олтмиш километр нарида жойлашган станцияни вилоят маркази блан боғлайди.

Мен ўз қишлоғимиз ва қўшни қишлоқлар номидан йўлни тузатиб беришларини сўраб вилоятга хат ёздим. Мен янги йўлнинг деҳқонлар учун қанчалик зарурлигини бирқанча далиллар блан исбот қилдим.

Амалдорларнинг узун арзномаларни ўқишни ёмон кўришларини билиб, ҳарбир далилимни алоҳида хат қилиб, бошқа-бошқа қишлоқлар номидан юбордим. Шунда ҳаммасини ўқийдилар деб ўйладим.

Яқинда шаҳарга тушган эдим, маориф бўлимининг бошлиғи мени жуда ҳам совуқ кутиб олди. У нимадандир жаҳли чиққанга ўхшарди, броқ буни билдирмаслик учун мен блан кулиб гаплашди. «Нега бундай қиляпти? — деб ўйладим. Ниҳоят, у шунчаки айтаётгандай:

— Бошқа ишлар блан шуғулланаётганингизга қараганда ўқучиларингиз камга ўхшайди,— деб қўйди.

— Уқучиларим кам эмас, броқ қилаётган ишларим менинг бурчим эмасми?

У истехзо аралаш менга ялт этиб қаради-ю, инда-

мади. Бошлиқнинг нима учун мендан хафа эканлигини кейин қахвахонада ўртоқларимдан билиб олдим.

Мен деҳқонларга конституцияни ўқиб тушунтириб бердим. Шундан кейин бир деҳқон солиқ бошқармасига солиқдан озод қилишларини сўраб ариза берди. Бирнеча вақтдан сўнг у оқибати нима бўлганини сўраса, унга қуйидаги жавобни беришипти:

— Ол-а. Сенга қандай жавоб керак?

Деҳқон қаттиқ туриб олипти:

— Сарсен қилабермай аниқ жавобини беринглар! Бу сизнинг бурчингиз. Қснун бор.

Суриштириб, ундан қонун борлигини мендан эшитганини билиб олишган ва маориф бўлимига шикоят қилишган экан.

Бу ҳам майли-я, йўл ҳақидаги ҳаракатларим жуда ҳам кўп фалокатлар келтирди.

Қишлоғимизда Рустам ого деган бадавлат киши яшайди. Шаҳарда унинг арава ва бошқа нарсаларнинг рессорини тузатадиган устахонаси бор. Бир куни унинг йўлни тузатиб беришни сўраб ариза ёзган қишлоқларда мени сўкиб юрганини эшитиб қолдим. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Хатларимиздан натижа чиқмаган эди. Гоҳида жамоа ишлари бошқармасидаги амалдорлар мендан очикдан-очик кулишларини кўриб бу ишни ташлаб кетмоқчи бўлардим. Броқ кечқурунлари станциядан зўрға имиллаб келаётган араваларни, қийналиб кетган отларни кўриб, дилим сиёҳ бўлиб кетарди-да, ўзимча: «Бошланган ишни ярим йўлда қолдирмай, охирига еткиз, азизим. Ташлаб кетиш сенга ярашмайди!» деб қўярдим.

Аммо бундай ишлар ўз-ўзидан онсонгина битмайди. Вилоят бошқармасида тавсияномамиз бормаган бирорта бўлим ёки бирон амалдор қолмади.

Деҳқонлар менинг бардошимга ҳайрон қолишарди. Улар ишнинг оқибати яхши бўлишидан аллақачон умидларини узишган эди.

* * *

Иш ҳамон жойидан силжимай турарди. Шундай қилиб, йўл қурилмай қолиб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Деҳқонлар ҳам ёрдам бермай қўйишди. Булар қандайдир ўлик маҳлуқлар... Эҳтимол улар бекорга овора бўлмай тўғри иш қилишаётгандир...

Қандай бўлмасин бир жавоб келсайди, бўлмасам на ҳа дейишади, на йўқ. Чурқ этишмайди! Шикоятларимиз худди тубсиз қудуққа тушиб кетаётгандай изсиз йўқолиб кетарди.

Кеч кираётганда қишлоқ яқинидаги тепаликка чиқиб узоқларга буралиб кетган чанг йўлга тикилардим. Онда сонда корзинка ва юк ортган, чангдан оппоқ бўлиб кетган машина кўриниб қоларди. Машина ўнқир-чўнқирларга тушиб-чиқиб, худди ботқоққа ботган одамдай зўрға судралиб борарди ва гўё ҳозир тўнтарилиб тушадиганга ёки қоқ иккига бўлиниб кетадиганга ўхшарди. Техниканинг сўнгги муваффақиятларидан бири бўлган автомобильнинг алмисоқдан қолган қишлоқ йўли блан бўлган бу кураши кишини ғазаблантирарди, бу манзарани кўрмай деб, кўзингни юмиб олгинг келади. Ўз бурчимни адо этиш учун жуда бўлмаса беш-олти метр йўлни тартибга келтириш истаги ҳар доим жўш урарди.

* * *

1. Кутилмаганда иш юришиб кетди. Яқинда шаҳаримизга битта юқори мансабли одам келди. Автомобили ҳарқанча яхши юрмасин барибир йўлимизнинг қандайлиги кўриниб турарди. Меҳмон вали! блан қилган суҳбатда шу ҳақда айтган эди, вали жон ҳолатда:

— Бу йўл олдимизда турган вазифалардан бири,— деди.— Биз бу йўлни шу йилиёқ тузатмоқчимиз. Ҳозир смета тузилапти. Йўлни ҳатто асфальтламоқчимиз ҳам.

1 В а л и — губернатор. (Тарж.)

Агар йўлни асфальтласак, ишонамизки бизнинг шаҳарчага тез-тез келиб туражаксиз?

— Албатта, келаман,— деб жавоб берди амалдор.

Шундай қилиб асфальт масаласи ҳал этилди. Тушимми деб ўйладим: вали смета ҳақида гапирди. Бундан чиқди, у ерда мен ўйлагандек бу иш э'тиборсиз қолмаган экан-да, демак улар халққа ортиқча шовқин-суронсиз хизмат қилишар экан-да.

Лекин бу гал ҳам иш шов-шувсиз бўлмади. Катталиги ошхона менюсидек келадиган, ҳафтада бир чиқадиган маҳаллий газетанинг ярми янги йўлга бағишланарди.

Қишлоқда обрўйим ошгандай бўлди. Деҳқонларимизнинг муомаласи бунини яхши барометрдек кўрсатиб турарди.

Лекин шундай бўлса ҳам менга ҳозир асфальт йўл қуришнинг ҳеч ҳожати йўқдай туйиларди, чунки асфальт йўлга уч-тўрт марта кўп пул кетарди, пулни эса бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаш мумкин. Ахир бу ерга оддий тош йўл бўлса ҳам бўлаверар эди-да. Эҳтимол бундан ҳам салобатлироқ қат'ий мулоҳазалар бордир? Балки техниканинг охириги муваффақиятларини ишга солишмоқчидир? Буларга ақлим етмасди. Ишқилиб, йўлни қурсалар бўлгани, кейин менга деса гилам солиб қўймадиларми!

Вали Анқарага жўнаб кетди. Инженерлар йўлни текшириб чиқишгач, йўл қурилишига ярим миллион кетганини айтишди, ваҳоланки, вилоятнинг барча бюджетини уч юз эллик минг лирадан ошмасди. Банкларга мурожат қилишган эди, банклар Молия министрлигининг рухсатини сўраб, пул беришмади, молия министрлигидан рухсат сўрашса, у мажлиснинг¹ рухсати бўлиши керак, деди. Хуллас, на бошига, на охирига тушуниб бўлмади!

Мана, вали шу ишларнинг ҳаммасини битириб келиш

¹ М а ж л и с — туркия парламенти. (Тарж).

учун кетди. Ахир бечора йўлни тузатаман деб ўзига иш ортдириб қўйган эди-да!

Мен маҳаллий газетада валининг мажлисда сўзлаган нутқини ўқидим. Нутқи дабдабали сўзлардан иборат эди. Вали ўзининг ғайрат блан ишга киришгани, бояги амалдор айтган гапларнинг зарурлиги ҳақида гапирипти, шунингдек меҳмоннинг йўл битгандан кейин шаҳрингизга келаман деганини ҳам айтиб ўтипти. Ҳақиқатан ҳам, бошлиқларимиз ҳамма нарсани кўрадилар ва ўз кўрсатмалари блан ишқамасларни ишга солиб юбордилар.

Вали аҳолининг йўл ҳақида қилган орзуларини эслатмапти, шунингдек, бу йўлнинг деҳқонлар учун қанчалик фойда келтириши ҳақида ҳам гапирмапти. Афтидан, у буни ҳамма билади деб ўйлаган бўлса керак.

Нима бўлса ҳам бўлсину, бу айтилган гаплар ишнинг битиши учун заррача та'сир этса мен жуда бахтиёр бўлардим.

* * *

Йўл қурилишига киришиб кетишди: банклардан қарз олинди. У қарзни неча йилда тўлашлари кераклигини билмайман, броқ қарзга тўланидиган бадал пулни та'минлаш учун касалхонага белгиланган пулни шартта кесадилар, яна келаси йил ўқитучилар штати қисқартилиши лозим. Иш шунгача бориб етишини ўйламаган эдим. Броқ ҳали қандай бўлиши аниқ эмас. Балки бунга ҳозир қайғиришнинг ҳам ҳожати йўқдир. Тўғри, агар пул керак бўладиган бўлса, ўқитучилар штатини қисқартиришдан бошқа иқтисод қилишнинг йўллари кўп. Масалан, валининг янги қурилаётган уйини тўхтатиш мумкин...

Йўлдаги ишлар шижоат блан борарди, ер текислайдиган машиналар уёқдан-буёққа,— олдинга, орқага филдираб юради, қурилишда ишлаётган деҳқонлар чумолига ўхшаб ўрмалашади. Кишилар ҳеч тинмайди. Тонг

Йўл очилганидан ўн кун кейин жамоат ишлари министрлигининг техник инспекторлари вилоят бошқармасига қоғоз юборишди. Қоғозда улар деҳқонларнинг ҳўкиз қўшилган аравалари асфальтни бузаяпти деб хабар қилишган эди. Улар, албатта, фақат деҳқон аравалари эмас, балки — ҳатто ярим бўш юк машиналари ҳам йўлни ўйдим-чуқур қилиб юборишини айтишмаган эди. Бошқармадагилар ҳали йўл пули тўланмаган, икки ҳафта ичида, ҳатто олий мансбдор келгунича аввалги ҳолига тушиб қолади, деб ваҳимага тушиб қолишди.

Фавқулодда мажлис чақирилди ва резинка ғилдираги бўлмаган ҳарқандай араванинг асфальт йўлдан юриши ман' этилади деган қарор қабул қилинди.

Қишлоқда ҳечкимнинг бунга ишонгиси келмади. Аммо бирнеча деҳқоннинг аравасини жандарм тўхтатиб, лой бўлиб ётган дала орқали қайтариб юборганда ҳамма ишнинг пачаваси чиққанини пайқайди. Бу жуда ҳам оғир эди. Йўл икки тоғ ўртасидаги дарадан ўтарди; энди станцияга бориш учун айланиб юриш керак эди. Бунга роса олти соат ортиқча вақт кетар эди. Деҳқонлар маслаҳатлашиш учун бир ерга йиғилишди. Араваларнинг ғилдирагига резинка қоплашнинг иложи йўқ, жандармга карши чиқиб ҳам бўлмайди. Тоғни айланиб, илгаригидан ҳам баттар йўлдан юришдан бошқа илож йўқ эди.

Энди мен блан ҳечким гаплашмай қўйди. Ҳамма менга ўқрайиб қарарди.

Бир куни кечки пайт қишлоқ оқсоқоли олдимга келди.

— Уғлим,— деди у,— биз сендан жуда хурсанд эдик, лекин мана бу йўлни деб ихлосимиз қайтди. Деҳқонлар бу бахтсизликнинг сабабчиси деб сени қоралашаяпти. Бирнеча марта сени уришмоқчи бўлишган эди, зўрга ушлаб қолдим. Қўшни қишлоқда ҳам кўп одам сенга душман бўлиб қолди. Эҳтиёт бўл, бирор кориҳол бўлиб қолмасин тағин. Яхшиси иссиғида бу ердан кетиб

Ушбу китеп: Шайхон муқомини, хафиз бўлми, кечир

Ушбу ҳам муқомини ҳафиз бўлми эдим. Дехқонлар-
нинг кўзи муқомини ҳафиз бўлми кўршимасди. Мен юкла-
ганимни ҳафиз бўлми чекиладим, қолғинларини қопга
қўйдим. Ушбу қишлоққа келган кунимдигидек кеч-
қароғида ҳафиз бўлми кўзи нурда нурланаётган сап-
қароғида ҳафиз бўлми кўзи олов денгизидек
қароғида ҳафиз бўлми кўзи на тозақинниг ўткир ҳидидан
қароғида ҳафиз бўлми кўзи да, йўлдан юриб кетдим.





ОВОЗ

I

Биз Бойшаҳардан Қоньяга кетаётган юк машина бузилиб қолиб, Бўрсиқ дараси деган дарада тўхтади.

Шофер ва унинг ёрдамчиси моторнинг капотини очишди, кабинадаги шофер ўриндиғини кўтариб, асбобларни олишди-да, ерга ёйиб ташлашди.

Кейин машинанинг узоққа чўзилган ременти бошланди. Шофер ва ёрдамчиси галма-галдан машина остига кириб чалқамчасига ётишар ва тузатишга уринишарди. Сўнг улардан бири кабинага кириб моторни юргизар, газ берар, шу вақт иккинчиси моторнинг чинни қалпоқчалар қопланган свечасини текширарди.

Бу орада устига клеёнка ёпилган машина кузови тушки қуёш нурида қизиб кетди. Йўловчилар машинадан битта-битта сакраб тушабошладилар. Улар шофер-

нинг ишнинг тоқатсизлик блап кузатиб туришар, у бироз дам олинш учун ўзини мотордан четга олди дегунча дарҳол ҳайжон блап: «Хўш? Тузалдими?» деб сўрашарди. Мен ва ҳамроҳим бирнеча хотиржам йўловчилар блан даранинг гарб томонига, салқинга қараб кетдик ва харсанглар устига ўтириб кутабошладик.

Мен атрофга кўз ташладим.

Юк машинамиз турган ердан нарироқдаги йўлнинг четига иккита чодир тикилган эди. Теварак-атрофда кирка, белкурак ва замбилгалтаклар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.

Сал нарида ишчилар шағал ташир ва тош майдалашар эди.

Қуёш орқа томонимиздаги тизма тоғлар ортига бо-таборган сари қаршимиздаги қияликнинг ён-бағрини қоплаб олган қарағайларни тобора камроқ ёритабошлади. Води жуда тез қоронғилашабошлади. Салқин баҳор кечаси эди. Қуюқлашиб бораётган қоронғиликдан пастликда оқаётган жилғанинг мудроқ шилдирашш эшитилиб турарди.

Йўлдан бирнеча арава ва машина ўтиб кетди.

Улар бизнинг машина ёнига бориб тўхташар ва ўткинчилар шоферга қўлларидан келганча ёрдам бериб, йўлларида давом этишарди.

Борган сари баттароқ зор қақшаётган икки аёл Қоньяга кетаётган юк машиналаридан бирига тушиб олишди.

Ўзини қўшни қишлоқли боққол деб танитган ёғоч оёқли бир чол туриб, машина олдига келди. У шоферга қарата бирнеча қаттиқ-қаттиқ чапани гап айтди-да, қопини елкасига ташлаб яёв жўнаб қолди.

Қолган йўловчилар аввалгича харсангларда ўтириб, суҳбатлашардилар.

Қоронғилик қуюқлашди. Йўл ишчилари чодирларга қайтиб, чироқ ёқишди. Қандайдир баҳайбат ҳайвоннинг мурдасига ўхшаган юк машинамиз йўл ёқасида ҳара-

катсиз турарди. Шофер блан ёрдамчисининг юзларидан ифлос тер томчиларди. Ёр ва тупроққа беланган шофер блан ёрдамчи йўл четига чиқиб, узоқ дам олишди.

Кўпчилик йўловчилар йўлда бўладиган бундай тўхташларга кўникиб қолгандилар; улар фақат бошларини сарак-сарак қилиб чайқадилар-да, тугун ва корзинкаларини очиб, овқатланишга тушдилар.

Орадан бироз вақт ўтди, бутунлай қоронғи тушди. Шофер йўл ишчиларидан фонарь олиб, яна ишга киришди. Йўловчилар ўтирган ерларига ёнбошлайқолдилар.

Биз тўсатдан чўккан жимлик қўйнида қимир этмай ётардик.

Кутилмаганда ёнбағирдаги дарахтлар кўкимтир нурдан ёриб кетди.

Мен ҳамроҳимга қарадим.

— Ой чиқди,— деди у.

Атрофда ўткир зира ҳиди анқиб турарди. Тунги шитирлашлар орасидан соз овози эшитилди. Ҳамроҳим ҳушёр тортди. Унинг ўзи музика блан шуғулланар ва музика мактабида дарс берарди. Биз тинглайбошладик.

Машқнинг кириш қисми моҳирлик блан чалиниб бўлгач, сознинг овози тинди, сўнгра эркак кишининг овози халқ қўшиқларидан бирини куйлай кетди:

Шохимдан узилган қуруқ бир баргман.

Тонг шамоли! Синдир мени ҳамда қув,

Йироққа элт кукунимни, ёр юрган

Издан кетай — орзум шу!

Энди куйни соз такрорларди, броқ қулоқларим остида ҳамон куйчининг овози жарангларди. Ҳамроҳим: «Бу қандай бўлди?» дегандай менга боқди.

— Жуда ажойиб,— деб шивирладим мен.

Овоз яна куйлайбошлади, гўё бутун води жаранглаб кетгандай бўлди:

Қўлда созим, ёт юрт бўлди маконим..

Эркалашинг қўмсаб қайтдим, жовоним.

Чик азизим, кўр:
Сенсиз кечган аҳволимни сўр.

Мен кишини ўзига мафтун этучи бундай қўшиқни ҳечқачон эшитмаган эдим. Эҳ, инсон овози нималарни ифода этолмайди дейсиз!

Ҳамроҳим ўрнидан турди-да, мени эргаштириб, ишчилар чодир томон йўл олди.

Чодир олдидаги текис ерда беш-олти киши ўлтирар, атрофда кирка ва белкураклар ёйилиб ётарди. Чодирга кираверишда осиелиқ турган фонарь тебранар, водини қоплаб турган одамлар кўланкаси бир ме'ёрда тебарнардн: уларнинг бошлари қоронғилик қа'рида кўзга чалинмасди.

Кўринишдан йигирма ёшлар чамасида бўлган бир йигитча чодир олдидаги тўнтариб қўйилган замбил устида ўтириб соз чаларди.

У бошини қуйи солиб, ерга тикилганча ўтирар эди. Фонарь нурида унинг тер босган пешонасигина кўринарди. Ҳаддан ташқари тез ҳаракат қилаётган бармоқлари остидаги соз пардаси худди жонлидай титрарди.

Ҳар гал унинг қўли соз пардаларида ўйнаганда қўл ва соз ўртасида қандайдир сирли суҳбат бўлаётгандай туйиларди.

Тўсатдан бутун дарани ёрқин нур қоплади. Рўпарамиздаги тизма тоғлар ортидан тўлин ой кўтарилди.

Соз чалаётган йигитча бошини кўтарди-да, кўзларини бироз қисиб, атрофидаги тингловчиларнинг ёритилган чеҳраларини кўздан кечирди. Кейин унинг торлар узра эпчил ҳаракат қилаётган бармоқлари секинлашди, у кўзларини юмиб, бошини орқага ташлади. Биз унинг ҳаракатларини ажабланиб кузатар эдик. Унинг юпқа лаблари хиёл очилди, йигитча гўё ойга мурожаат қилаётгандай яна куйлайкетди:

Ой ёғдусин сочар яна созимга.
Кўшигимга жавоб куттиш беҳуда.

Кел, севгилим, ўтир менниг ёнимга
Мени сен-ла фақат ой кучар шунда.

Бошқа йўловчилар ҳам яқин келабошладилар. Ҳам-ма таажжуб блан йигитчанинг юзини кузатиб турар, у бўлса гоҳ ерга, гоҳ яна сирли суҳбатни бошлаган ва унинг қўлидан отилиб чиқиб кетмоқчи бўлаётган созга боқарди.

Бироз жим қолгач, у яна куйлай бошлади, бу гал энди у қалбининг чуқур еридан чиқиб келучи ниҳоятда майин овоз блан куйлади:

Саккиз йилдан бери юриб дарбадар
Сирдош топмай, бошдан кечирдим хатар.
Билмоқ бўлсанг ҳолим қандай кечганин,
Қалбдан сўра, қайғум кўпдир шу қадар.

У торларни қаттиқ чертиб, созни бир четга олиб қўйди-да, бошини кўтарди. Бирнеча киши: «Қойил, баракка топ!» деб қичқирди.

У оҳиста жилмайиб, атрофдагиларга бир зум кўз югуртиб чиқди.

Ҳамроҳим унинг ёнига борди:

— Отинг нима, ўғлим?

— Али.

— Қаердансан?

— Сивасдан.

— Соз чалишни қаерда ўргангансан?

— Ким билсин! Ешлигимдан бери чаламан.

— Қўшиқ айтишни-чи?

— Қўшиқ айтишни ҳам... Мен ошуғлар блан бирга юрардим.

Ҳамроҳим менга қаради:

— Азизим, бу ажойиб, нодир овоз! Йиллаб қидирсанг ҳам бундайини тополмайсан. Мен бу йигитчани шундай ташлаб кетмайман!

Кейин у Алига ўгирилиб, неча ёшда эканини сўради. Йигитчанинг ёши йигирма иккида экан.

Ҳамроҳим чўнтагидан ён дафтарчасини олди-да, йигитчанинг турар жойини сўради, броқ у нима деб жавоб беришни ҳам билмасди. Ахир, у кунбайга ишлайдиган ишчи-да — бугун бу ерда, эртага бошқа ерда. Олдингина қилиб: Бойшаҳар йўли, сивасли Али деб ёзилса бўлмасмикин?

Ниҳоят у Коньяга келганда ҳар сафар кириб ўтадигани карвон сарой номини айтди.

Шу вақт сизни тинглаб, анчадан бери биз блан ёнма-ён турган шофер:

— Афандилар, машина тайёр!— деб қолди.

Ҳамроҳим йигитчадан яна қўшиқ айтиб беришни илтимос қилмоқчи бўлиб турарди, лекин бошқа йўловчилар аллақачоноқ ўринларидан сакраб туриб, қоп ва чемоданларини кўтарганча юк машинасига томон йўналган эдилар. Ҳамроҳим хўрсинди-да, ўрнидан турган Алига деди:

— Сенга хабар қилишим блан дарҳол етиб бор! Қулай иш топиб бераман. Ўткир таржибали ошуғлар блан танишиб олиб, сизни яна ҳам дурустроқ чаладиган бўласан. Шундайми, ўғлим?

Афтидан, Али ҳеч нарсани англамаган эди. броқ у: — Хўп бўлади, афандим!— деб қўйди.

Елкасига қоқиб, биз у блан хайрлашдик. Ишчилар оптимиздан бараварига:

— Сафарингиз бехатэр бўлсин!— деб қолишди.

Бу ердан узоқлашатуриб биз ишчиларнинг қувонақувона суҳбатлашиб, йигитчани қуршаб олишганини кўрдик. Эҳтимол улар ҳамроҳим айтган сўзларнинг маъносини чақиб, Алини порлоқ келажак кутаётганини башорат қилаётгандирлар.

II

Чиндан ҳам ҳамроҳим Алини ҳарқандай қилиб бўлмасин музика мактабига жойлаштириб қўйиш фикрига тушди ва Анқарага келишимиз бланоқ тегишли жойлар-

га учрашабошлади. Биз ҳамроҳимни қизиқтирган бу иш тўғрисида у блан тез-тез гапиришиб турар эдик.

— Биласанми, биродар,— дерди у,— мен унинг овозини асло унутолмайман. Бу жуда ноёб овоз.

Ҳамроҳим сивасли Алининг қачонлардир бутун дунёга танилган машҳур опера тенори бўлиб етишиб, Европада шаҳарларида концертлар беришини тасаввур қиларди.

— Уни кўкрагига крахмалланган оқ манишка қадалган фрак кийган ҳолда кўрсам армоним қолмасдида!— деб орзу қиларди у.

Ниҳоят ҳамроҳимнинг истаги амалга ошадиган бўлди.

Айни шу вақтда конкурслар ўтказилиб, музика мактабларида ўқитиш учун ёш талантлар танлаб олинаётган эди.

Ҳамроҳим қатнайбериб, оёғида-оёқ қолмади, ниҳоят, Алин Анқарага чақиришга рухсат олди. Қоньяга хат ёзишди, бироз ахтаришдан сўнг ёш теноримиз топилди. У Қонья шаҳар бошқармасидан йўлга пул олиб, Анқарага келди.

Мактаб директорининг имтиҳон ўтказилиши лозим бўлган кабинетига киришим бланоқ бурчакда созини қўлида ушлаб, имтиҳонни кутаётган сивасли Алига кўзим тушди.

У хижолат чекиб, тортиниб турарди, чўчиётган бўлса ҳам эҳтимол. Оёғига эскиб, бир ҳолатда бўлиб кетган чориқ ва товони йиртиқ пайпоқ кийиб олган Али бечора худди оёғи остидаги гилам товонларини куйдираётгандай оғирлиғини гоҳ у, гоҳ бу оёғига ташлаб турарди. У созини милтиқ сингари ўнг оёғининг ёнига қўйиб, юқори қисмидан икки бармоғи блан бўшгина ушлаб турар, хонани тўлдириб, хушчақчақ суҳбатлашаётган одамларга эътибор ҳам бермай, гоҳ полга, гоҳ рўпарасидаги деворга қарарди.

Мен хонадагиларнинг ҳаммаси блан сўрашдим-да, Алининг ёнига бориб «қалай, қийналмай келдингми?» деб сўрадим.

— Яхши келдим,— деди у менга жавобан.

Қўлидаги янги созни кўриб жилмайдим. Созга кўзим тушганини кўриб, у тушунтирабошладим:

— Бунни карвонсаройда сотиб олдим. Саккиз қогоз тўладим. Ахир, улуғ зотлар олдида пачоқ соз чалиб бўлармиди.

Унинг чиройли қора кўзлари катта очилган эди, броқ улар менга, мен уларни биринчи марта кўрганым ўша тундагидек, ярим ёпиққа ўхшаб туюлди. Тикилиброқ қараб, бу катта-катта, ўйчан кўзларнинг гўё уйқуда эканини пайқадим.

Мен ўзимни унинг ўрнида ҳис этишга тиришдим. Бу ерда туриб, у нималар ҳақида ўйлаётганикин?

Ҳарқалай, у ҳамроҳимнинг миясига келган фикрлардан — опера артисти бўлиш, фрак кийиш ва Европада концерт бериш фикрларидан узоқ эди. Жуда деганда у Анқарада, бойлар олдида соз чалиб бирнеча куруш ишлаб олишни орзу қилиши мумкин эди. Эҳтимол у ундан кўпроғини, агар соз чалиш ёқиб қолса дарвозабон ёки хизматчи бўлиб олишни умид қилаётгандир; у ҳолда ба'зан бойларнинг уйида соз чалиб, яна бирқанча куруш ишлаши ҳам мумкин.

Албатта, у махсус чақирилган зиёфатларда қўшиқ айтучи ба'зи ошуғларга валиларнинг ўзлари ҳомийлик қилишларини эшитган бўлса керак.

Бу орада хонадаги ўқитучилар бир-бирлари блан ўз она тиллари — турк, француз, немис тилларида гаплашардилар.

Эшик тақиллади, хонага икки киши кириб келди.

Улардан бири маориф министрлигининг инспектори эди. У ўзи блан бирга министрликдан имтиҳон топширишга ижозат олган бир ёшгина йигитчани бошлаб кирди. Тўладан келган, малла сочлари жингалак бўлиб ўсган бу йигитча абжир кўринарди.

У яқингинада ўрта мактабни тамомлаганини ва овози ўқитучиларга жуда ма'қул тушганини айтди.

Ҳамма уни бошқа қўшиқчи блан бирга қўшиқ айдириб эшитиб кўришга рози бўлди.

Ҳамроҳим директор кабинетидан чиқиб, имтиҳон бўладиган хонанинг эшигини мамнуният ва ишонч блан очди. Бу паркет полли зал бўлиб, тўр томонида саҳнага ўхшаш жой бор эди.

Саҳна яқинидаги бурчакда рояль турарди.

Зал бирпасда одамга тўлди. Уқитучилар тўда-тўда бўлиб олиб, ўз тилларида бараварига гаплашабошладилар. Ҳарбир гуруҳ бошқасини босиб кетиш учун қаттиқроқ гапиришга ҳаракат қиларди. Залда кўтарилган англаб бўлмас шовқин-сурондан бошим оғрийбошлади.

Ёшгина немис аёл рояль олдига келди-да, клавишларга қўлини қўйди.

Али умрида кўрмаган бу асбобга таажжубланиб қараб турарди.

Шу вақт ёш музикачилардан бири саҳнага курси қўйиб, Алига мурожаат қилди:

— Қани, ўтир-чи!

— Нима деясан ўзинг,— э'тироз билдирди унга иккинчи музикачи,— ўтириб қўшиқ айтиб бўладими? Қўя-бер, туриб айтсин!

— Зап гапни гапирасан-да! Ошуғларнинг тик турганча соз чалиб қўшиқ айтганини қаерда кўргансан?

Бу тортишув вақтида Алининг нигоҳи операция залидаги сингари оппоқ яланғоч деворларни, парда тутилмаган катта деразаларни кезиб чиқди. Ба'зан у атрофда шовқин солиб гаплашаётган одамларга тепасида пичоғини кўтариб турган хирургга термулаётган бемордай қўрқа-писа қараб қўярди.

Ёш музикачига мен:

— Уни курсига ўтқазиш керак эмас! У ерда ўтириб ашула айтишга ўрганиб қолган, курсига ўтирса қовушмай қолади,— дедим.

Енимда ўтирган киши фикримга қўшилгандай мёнга қараб қўйди, броқ кейин бош чайқади:

— Йўқ, биродар, ажнабийлар олдида чордона қуриб ўтириш ярамайди. Мазах қилиб кулишади.

Али темир курсига худди чўғ устига ўтираётгандай омонатгина ўтирди. Унинг соз ушлаган қўллари қалтирарди. Тириш пешонасидан сийрак тук босган чаккаларига тер қўйиларди.

Аста-секин овозлар тинди.

Курсиларда ўтирган ҳамда деворга суяниб турганларнинг ҳаммаси Алига қараб туришарди. Бирдан бўшаб қолган саҳнада унинг ўзи танҳо турарди.

У тишини-тишига қўйиб, тиззаларини бир-бирига қаттиқ жипслаштирди; қўлига созни олиб атрофга кўз югуртирди. Ҳамма кўзлар ўзига тикилиб турганини кўрган Али бутунлай каловлаб қолди. Сариқ кўйлагига бирин-кетин тер томчилари оқиб тушабошлади.

У гилос дарахти пўстлоғидан қилинган нохунни қўлига олиб торларни чертабошлади.

Сознинг овози унга далда бергандай бўлди. Чехрасида хотиржамлик аломати пайдо бўлди, торларни яна бирнеча бор чертгач, қўшиқ айтишга чоғланиб, бошини кўтарди. Афтидан йўталмоқчи бўлди-ю, уялди.

Ниҳоят у залдан кўзини узиб, шипга қараганча халқ қўшиқларидан бирини куйлайбошлади. У аввалгидек гўзал ва ёқимли айтар, броқ томоғида нимадир хирилларди. Баланд овоз блан айтилганда деярли сезилмаётган бу хириллаш, у овозини пасайтирди дегунча аниқ эшитилабошларди. Бунн Алининг ўзи ҳам пайқади.

У қўшиқни жуда берилиб айтар, юзидан бўлса, тер қўйиларди. Ниҳоят қўшиқни тамомлади, тиззасидаги созни қўлига олиб, курсидан турди.

— Ёмон эмас, дуруст! Қани энди уписини тинглаймиз,— дели немис музикачиларидан бири ва малласоч бола тарафга ишора қилди.

У бола ўзига қаттиқ ишонган ҳолда илжайиб зинадан

саҳнага кўтарилди-да, залда шовқин босилишини кутиб ўтирмасданоқ, пластинкага ёзиб олинган халқ қўшиқларидан бирини айтабошлади.

Аввалда жуда паст туйилган бу овоз бора-бора бутун зални тўлдириб юборгандай бўлди. Гарчи у машҳур ашулачиларнинг сийқаланиб кетган усулларига тақлид қилса-да, қўшиқни чиндан ҳам яхши айтар, ажойиб овози борлиги аниқ эди. У ҳали қўшиқни тамомлаб улгургани ҳам йўқ эдики, бояги немис қичқириб қолди.

— Боплади, қойил! Мана бу боладан бирор нарса чиқади!

Шу вақт мен Алига қарадим.

У диққи-нафас бўлган одамдай кенг бўшлиққа тикилиб турар, гўё залдагиларнинг ҳечқайсиси уни қизиқтирмас эди.

Рояль олдида ўтирган ёш жувон уни қўли блан имлаб чақирди.

Номзодларнинг эшитиш қобилиятини синаб кўриш керак эди, шунинг учун жувон бир қўли блан оддий куйлардан бирини чалди-да, Алига немисчалаб:

— Шу куйни мен чалгандай қилиб такрорла,— деди.

Турк музикачиларидан бири таржима қилиб берди:

— Қани, шуни айтиб кўр-чи!

Али аввал менга, сўнгра дўстимга қаради. Мен хўрсиниб қўйдим, холос. Бечора бола рояльни сра кўрмаган ва унинг овозини эшитмаган эди. У нима қилиши кераклигини тушунмас эди.

— Шу хоним чалган куйни айтиб такрорла,— деб тушунтирдим мен унга.

Жувон куйни қайтариб чалди.

Али зўр машаққатлар блан куйлайбошлади:

Севгилим диёрига хабар юбордим...

Залдагилар кулиб юборишди, Али бўлса, шу заҳотиёқ жим бўлди.

— Йўқ, ўғлим, ашула айтишнинг ксраги йўқ, мана шу овозни такрорлагин,— дедим мен.

Унинг томоғидан қандайдир хириллаган овоз чиқди. Афтидан буларнинг ҳаммаси биз блан ёнма-ён турган немиснинг энсасини қотириб юборди шекилли, у малласоч болани чақириб, унга:

— Мана шу ашулани айт-чи!— деди.

Йигитча рояльда чалинган бирқанча куйларни жангли ва булоқ сувидек тиниқ овоз блан бирин-кетин такрорлади.

Имтиҳонни тезроқ тамомлаш мақсадида қондага мувофиқ бўлсин учун Алига яна бир қўшиқ айтиб беришни таклиф қилдилар. Битта қўшиқнинг ўзи тақдиримни ҳал қилади деб ўйлаган Али бу гал қўшиқлари ичидан энг яхшисини айтиб берди. У жон-жаҳди блан тиришиб айтди, ашула ҳам дуруст чиқди. Тингловчилар уни мақуллагандай бош силкитдилар.

Броқ Али қўшиқни айтиб бўлиб, сони блан четга ўтган заҳотиёқ уни унутиб юбордилар.

Малла сочли бола пластинкадан ўрганиб олгани яна бир тангони айтиб берди. Унинг овози жуда ёқимли экани аниқ билиниб турарди.

Ниҳоят имтиҳон охирлашиб қолди, йигитчани қандай қилиб ва нимага ўқитиш кераклиги ҳақида бахслашакетдилар. Маблағ масаласи ҳам илгари сурилди: уни кечиктирмасдан мактабга қабул қилаберсак бўладими деган масалани ҳам ҳал қилабошлашди.

Бир четда турган Алига ҳечким эътибор бермасди.

Уни бу ерга чақириб келтирган дўстим бахслашаётганлар ёнида турар, броқ уларнинг гапи қулоғига кирмасди. Икковимиз Алининг олдига яқин боришгина эмас, ҳатто юзига қарашга ҳам ботинолмасдик.

Ниҳоят мен бошимни кўтариб Алига қарадим-у, таажжубдан танг қолдим: у бирор нарсадан хафа бўлиб руҳи тушган одамга сра-сра ўхшамасди. Алининг кўзлари аввалгича жовдираб деворларни кезар, гўё залда бўла-

ётган ишлар уни асло қизиқтирмаётгандай эди. Чехрасида заррача ҳам ғазабланиш ёки ранжиш аломати йўқ эди. Аксинча унинг қиёфаси қийноқ-азобдан қутилган ва энди тинчгина дам олаётган кишини эслатарди.

Унинг жовдираб зални кезиб юрган кўзлари малласоч тенорга тушганда бир лаҳза тўхтаб қоларди. Али болалик қизиқиши ва ажабланиш блан уни яширинча кўздан кечирарди. Мен қанча тиришсам ҳам бу қарашдан нафрат ёки рашк топаолмадим.

Али яна созини милтиқ сингари ўнг оёғининг ёнига қўйди. Тусатдан мен унинг титилиб, йиртилиб кетган чорининг учн гоҳ кўтарилиб, гоҳ паркетга тушаётганини пайқаб қолдим. Қалбим эзилиб, юрагим орқага тортиб кетди. Оёғининг зўрға-зўрға сезилиб турган бу ҳаракати йигитчанинг бутун юрак дардини, кул бўлиб кўкка совилган умидларини ифодаларди.

У ўзини жуда дадил тутарди: майин боқиб турган кўзларида, хотиржам чехрасида чуқур қалбида бўлаётган оғир руҳий кечирмалардан асар ҳам йўқ эди. Фақат оёғининг шу беихтиёр ҳаракатигина унинг ички кечирмаларидан дарак бериб туради. Менимча, ҳарқандай ҳўнграб йиғлашлар ҳам, киши қайғусининг бошқача ҳарқандай акс этиши ҳам инсон чекаётган изтиробни шу оёқ ҳаракатидан кўра яққолроқ ифодалаб бераолмасди.

Эс-ҳушимни йиғиб олиб, Алининг ёнига бордим. У блан гаплашиш, унга нимадир айтиш керак эди. У ўз Коньясига қандай қайтади? Ахир у охирги пулига соз сотиб олган-ку. У ҳозир нима қилмоқчи?

Ҳамроҳим ҳам бизнинг олдимизга келди ва бирпасда бичиб-тўқиган ёлғон-яшиқларни гапиракетди:

— Овозинг жуда ма'қул тушди-ю, лекин ёшинг тўғри келмагани ёмон бўлди-да, ўғлим. Бу ерда йнгирмадан ошганларни қабул қилишмайди. Биз сени қабул қилишлари учун ҳаракат қиламиз, броқ бу иш узоққа чўзилиши мумкин. Сен Коньяга қайтабер, ишинг ҳал бўлиши бланоқ хабар қиламиз.

Али қошларини чймириб, худди сўзма-сўз эслаб қолмоқчи бўлаётгандай диққат блан тингларди. Броқ унинг тимқора шахло кўзлари менга тик қараганида кўнглим бузилиб кетди.

Мен Алининг бу сўзлар ҳаммаси ёлгон эканини англаганини ва ҳечбир сўзга ишонмаётганини кўрдим. Унга бирор гап айтиш керак эди.

— Юринглар, овқатланамиз, — дедим мен.

Бахшашув ҳамон давом этарди, бизнинг чиқиб кетганимизни ҳечким пайқамади.


Кавобхонадаги стол атрофида жимгина ўтирардик. Алини юпатишнинг иложи йўқ эди, уни бекор бесаранжом қилганимиз учун кечирим сўрашга эса, юрагимиз дов бермасди.

Али ҳам ниманидир тушунтирмақчи бўларди-ю, бо тинолмасди. Ниҳоят у бошини қўйи солиб:

— Афандим, мен сизнинг олдингизда гуноҳқорман, аммо хафа бўлманглар, — деди. Кейин бошини кўтариб: — Мен у ерда қўшиқ айтолмадим, ҳеч айтолмадим! — деб қўшиб қўйди.

Сўнгра биз блан хайрлашди-да, кетди.

Эртасига эрталаб ўртоғим иккимиз ўзимиз тўплаган пулни олиб, Алини автобусга тушириб юбориш учун карвонсаройга келсак, карвонсарой хўжайини, Али созини икки лирага сотиб, тонг чоғи юк машинада Коньяга жўнанини айтди.





ИСИТИШ УЧУН

Мен Коньядаги Кулликбоши деб аталучи ахлатхона яқинида яшайдиган бир хотинникида турардим.

Менинг «мебельланган уй» деб ном берилган уйимнинг бор-йўқ мебели қора темир кровать, яшиклари бор эски стол ва иккита йиғма темир курсидан иборат эди. Қиш-қировли кунлар келганда эса, булар ёнига тунука печка ҳам қўшиларди.

Уйнинг эгаси эллик беш ёшлардаги пастаккина хотин эди. У доимо этаги узун кўйлак кийиб юрарди, қора жундан тўқилган эски рўмол ҳеч елкасидан тушмасди. Узи жуда камгап эди. Мен кетганимдан кейин у уйимга кириб, ўринни йиғарди. Кечқурунлари эса мен барвақт қайтиб, ишламоқчи бўлсам, кириб печкага ўт ёқарди. Броқ сурункасига ҳарқуни лампадаги керосиндан ва

ертўладаги ўтинимдан ўғирларди. Шу блан бирга, кечқурунлари бир соат ҳам лампа ёқмаслигимга қарамай у икки кунда ярим литр керосин ёқилипти деб мени ишонтирмоқчи бўларди. Аҳ'ён-аҳ'ёнда кечқурунлари ёқиладиган печкага эса, жуда кўп ўтин кетарди, шунинг учун қишининг яримига бориб, уч марта қимматига яна ўтин сотиб олишга тўғри келарди. Лекин мен бу ишларга кўп эътибор бермасдим.

Ҳарқанча илтимос қилишимга қарамай, эрталабки ювинишга келтириб берадиган сувда тарам-тарам соч толалари ва чўп-хаслар сузиб юрарди. Лекин мен бунга ҳам кўникиб юравердим.

Нима учундир, кўчиб юришни жуда ёмон кўрардим. Мен саёқ турмуш кечиришни яхши кўраман, лекин бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишга сра юрагим дов бермасди. Чунки уйимнинг бир бурчагига уйиб қўйилган китобларимни ҳадеб кўтариб юришга ва кўчаверишга юзим чидамасди. Нима учундир: «Хоним, сизнинг уйингизда тинчгина яшай олмаяпман, қийналиб кетдим, шунинг учун бошқа жойга кўчиб ўтишим керак» дейишга ўнгайисизланардим.

Ҳаётим бир хилда, беҳуда ўтарди. Ҳар куни эрталаб барвақт туриб ишга кетар, тушда ва кечқурун кичик бир ошхонада насияга овқатланардим. Мабода қаҳвахонада карта ўйнаётганларни тамоша қилиб қолмасам, уйга эрта келардим.

Юрагим тошга айланиб кетди. Газета ўқишга қизиқмай қўйдим, энди биров блан суҳбатлашиш ҳам юракка сизмайдиган бўлиб қолди, ўртоқларим блан уёқ-буёқдан гаплашиш ҳам кўнглимни очмасди. Бундан завқлироқ, бундан бама'нироқ, бундан мукамалроқ бошқа бир ҳаёт мавжуд деган тасаввур ҳам энди мени безовта қилмасди. Ҳатто китобдан ҳам қайтиб қолдим, қўлимни фақат одат бўйичагина китобга чўзардим. Ахир бошимга мушкул иш тушган кунларда ҳам китоб мен учун ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ эди-ку, ўйлаб қарасам, китобда

мени ҳаяжонга солучи, фикримни уйғотиб, ўзимни ҳаракат бошлашга мажбур этаолучи куч қолмапти, мен бунга афсус қилмадим. Ҳаёт фақат кўзим блан кўриб турганларимдан иборат эди. Гўё дун'ёда мана шу чапг кўтарилиб, вақти-вақти блан лоӣ бўлиб ётадиган йўлдан, уйларнинг гиштини деворлари ҳамда гаплариини ярим соат ҳам хотирда сақлаб қолиб бўлмайдиган бирнеча хушчақчақ дўстларимдан бошқа ҳечнарсa йўқдай туйиларди. Худди ана шу вақтда бир воқиа мени, уйқуга чўмган кишини ирғиб ўрнидан туриб кетишга мажбур қилган қўрқинчли ҳайқирик сингари, довдиратиб қўйди.

Кекса бир хотин ойига икки марта келиб, киримни ювиб берарди. Уни ташқи кўринишидангина кекса дейиш мумкин эди. Ҳақиқатда эса, ўттиз-ўттиз беш ёшларда эди. Унинг қоққуруқ гавдасини, ўргумчакнинг оёқларига ўхшаш қонсиз, ориқ узун қўлларини, мурданики сингари ич-ичига тушиб кетган қора кўзларини кўриб, рўпарамда ёшини яшаган кампир турипти деб ўйлардингиз. Оғзида битта ҳам тиши қолмаган. Лабларининг чети тўрваннинг оғзи сингари буришиб кетган. Жигарранг елдирмасининг¹ этаклари остидан чиқиб турган чиллакдек оёқлари ип тақилмаган каттакон эркаклар ботинкасида кўрннмай кетарди. Менга уни уйнинг эгаси топиб берганди. Аёл йигирма беш курушга меннинг беш-ўнта ички кийимимни ювиб берарди.

Бир куни кечга яқин ишдан қайтсам у кир юваётган экан. Ҳаво булут бўлгани учун у кирларни айвонга тортилган арқонга ёйиб қўйипти. Кирлар орасида бирнеча бегона чойшаб ва энтари² бор эди. «Булар кимники?» деб сўрасам, у уйнинг эгаси сизнинг кийимларингиз қаторида ўзининг нарсаларини ҳам ювишга буюрди, деб жавоб берди. Мен бироз нафратландим. Хижолат бўлдим. Бу қашшоқ аёлни ўз хонамга чақириб, очиқ гаплашсам-

¹ Е л д и р м а — аёлларнинг устки енгил кийими. (Тарж.)

² Э н т а р и — узун кўйлак. (Тарж.)

микан, деб хаёлимдан ўтказдим. Ахир унга жабр қилишаётганига мен сабаб бўлаяпман-да.

Кейин ўзим-ўзимга: «Ҳарҳолда, ўзаро келишишган бўлса керак» дедим. Мен чўнтагимдан йигирма беш куруш олдим. Бироз ўйлаб туриб, яна ўн куруш қўшдим-да, унга бердим. Сўнгра уйимга кириб, эшикнинг ҳалқасини солиб олдим.

Эртасига уй эгасидан кирчи хотин тўғрисида суриштирдим. Шунда ўзи уялмаи-нетмай уни тоғ-тоғ кирларни бепул ювиб беришга мажбур қиладиган бу хотин кўзига ёш олди.

— Жуда фақир хотин,— деди у.

Кейин у аллақандай узундан-узоқ воқияни гапириб берди. Лекин мен бу бема'ни валдирашдан кирчи хотин жуда «фақир»эканини, шу маҳаллада туручилардан бир-неча кишининг кирини ювиб юришини англаб ололдим, хслос.

Йигирма-ўттиз куруш блан бир ҳафтада қандай кун кечиради бу аёл? Туғишганлари бормикин? Ўзи қаерли экан? Қутилмаганда миямда шунга ўхшаш анча-мунча саволлар туғилди. Қишилар ҳаётига бўлган, лекин аста-секин йўқолиб бораётган қизиқишим бу аёл ҳақида ўйлаганимда қайта уйғонгандай бўлди. Унинг совуқдан доимо кўкариб турган қирра бурнини, эртадан кечгача тоғорага энгашавериб букчайган гавдасини, буришган лабларидан чиқадиган, нафас олганда эшитиладиган товуш каби заиф, қалтироқ овозини эсладим.

Икки кундан сўнг кечқурун уйга қайтиб келатуриб, уни эшик олдида учратдим. Кун совуқ эди. Пальтомнинг ёқасини кўтариб олганимдан, буғ босиб кўзойнагим хиралашди. Шунинг учун қулфга калит солганимдагина эшик олдидаги бурчакда суқилиб турган аёлни кўриб қолдим.

— Нима қилиб турибсан бу ерда?— деб сўрадим мен ҳайрон бўлиб.

У узоқ югуриб ҳарсиллаб қолган кишидай, тез ва эн-тикиб жавоб берди:

— Ҳечнима... ҳечнима...

Кейин худди ўзича гапиргандай:

— Биронта иш топилармикин, деб бутун маҳаллани кезиб чиқдим...— дея қўшиб қўйди.

У ҳаяжонини яширишдан ожиз эди; гўё ҳозир йиғлаб юборадигандай, овози титрарди. Бечора алланарса демоқчи бўлиб, бирнеча марта оғиз жуфтлади-ю, гапиролмади.

— Уйинг қаерда? — деб сўрадим мен.

У боши блан имо қилди:

— Ҳу-ув анави ерда, Араб маҳалласида!

— Ҳечкиминг борми?

У секингина хўрсиниб қўйди. Кўзлари пирпиради; олд томонига қараб туриб:

— Бир қизчам бор... Ёстикдан ҳеч бош кўтармайди,— деди.

— Касалми?

— Ҳа, касал... Қаттиқ касал...

Эшик остонасининг ҳамаёғини муз босди. Оёқларим музлаб қолди.

Шамол кўча бўйлаб чанг аралаш қор учирар, юзимга келтириб урарди. Кўзларим ачишар эди. Совуқ жуда жонимга тегди.

— Қизингнинг ёши нечада?— деб сўрадим мен ва калитни бурадим. Эшик қия очилди.

Аёл яна алланарса демоқчи бўлгандай бўйнини чўзди, лекин кейин тагин илгариги вазиятига қайтди-да:

— Ун ёшларда бор,— деб жавоб берди.

Шундай пайтда эшик олдида мени кутган экан, демак унга бирор нарса керак эди, албатта. Лекин совуқда уни гапга солиб туравериш менинг учун жуда оғир эди. Менда ўзимга ҳам ноаниқ бўлган қатор қарама-қарши, оғир ҳислар уйғонди; мен, у қаттиқ тегадиган бирор гап айтиб, мени уялтирса керак, деб тахмин қилгандим. Заиф-

лашиб қолган қалбим эришган роҳати ва осойишталигини йўқотишдан чўчирди. Менда тезроқ ичкари кириб кетиш истаги туғилди. Мен бу истакка қарши турмадим-да, эшикни очиб, ҳовлига кирдим.

Аёл менинг қочиб кетганимга ажабланмади. Чунки у қайси уйга кирмасин, худди шу аҳволни кўрарди. Аммо унинг бетида тўсатдан та'рифга сиймайдиган укидсизлик ифодалари пайдо бўлди. Унинг бутун вужуди титрарди. Аёлнинг кўча қоронғилиғига чўзилган соясига қўшилишиб, чорраҳадаги электр чироғининг хира нури ҳам титрарди.

У эшитилар-эшитилмас:

— Жаноб, жаноб, ювдирадиган кирингиз йўқми?— деб мингиллади.

— Йўқ,— деб жавоб бердим мен унга э'тибор ҳам бермай.

Шу лаҳзада мен қочиб кириб, ўз уйимга яшириниб олишдан бошқа нарсани истамасдим.

Аёл кетмоқчи бўлиб бурилди. Эшикни ёпатуриб, унинг кетидан дедим:

— Ҳарқалай, индинга бир кел, хола! Тоза кўйлагим қолмаган бўлса керак. Борини ювиб берасан!..

У қайрилиб ҳам қарамай ҳалигидай хаста товуш блан:

— Хўп, хўп,— деди-да, қоронғида кўздан йўқолди.

Мен бўлсам уйимга чиқиб, ўринга ўзимни ташладим-у, қўлларим блан юзимни беркитиб олдим. Миямга фикрлар қуюндай ёпирилиб келабошлади. «Бу аёл эшик олдига беркорга келган эмас. Бундай қаттиқ совуқда у мени анча кутган бўлса керак... Икки кун бурун ўзи кирларимни ювиб берганди, шунга қарамай, ювдирадиган кирингиз йўқми, деб сўради... Унинг нимага келгани ма'лум. Мен бўлсам, овсарга ўхшаб, ўзим уни шунчалик рўйи-рост хайр сўрашга мажбур қилган бўлсам ҳам, ҳечнарсга тушунмадим. Нимасини айтасиз, очиги, мен ўз осойишталигимни йўқотишдан қўрқдим, я'ни мен ўзимни унинг нимага келганини фаҳхламаганга солдим ва бу ишим менга зўр қалқон бўлди.

Қилган ишимдан ўзим ҳижолат тортардим. Ойнага қараб, унда кўринадиган бадбахт башарага тупургим келарди. Ўзимни оқламоқчи бўлиб, баҳона излагандай ичимда: «Мен нима қилаолардим? Қўлимдан нима келарди? Мен ким эдимки...» дердим. Аммо аллақандай бошқа бир овоз менга: «Жуда бўлмаса, қочмасдан унинг гапларини охиригача эшитишинг мумкин эди-ку. Ҳарқандай одам бўлганимда ҳам... Ҳатто ейишига бир бурда нон бўлмаган кишида ҳам бошқалар учун доим бирор нарса топилади. Жилла қурса, бир оғиз яхши гап...» дерди.

Кечаси блан ўйлаб чиқдим. Мен қашшоқ хотинни, унинг боласи ва, айниқса, ўзимнинг аянчли аҳволимни ўйладим. Сурункасига кўп ойлардан бери давом этиб келаётган осойишталик ва бепарволигимдан бир зумда асар ҳам қолмади. Мен ҳам бошқа барча одамларга ўхшаб, қайғу-ҳасрат олдида кўнгли ийиб кетадиган одам эдим; меҳр-шафқат, заифлик, қўрқинш каби хусусиятлар менда ҳам бор эди.

Эрталабга бориб совуқ уйимдаги кроватда ечинмасданоқ ухлаб қолдим.

Икки кундан кейин уй эгасига кирчи хотин келиши кераклигини айтдим.

— Менга учрамай кетиб қолмасин,— дедим мен. Сўнг эшик олдида бирнеча кир кийимимни қўйдим.

Уй эгаси:

— Келганига неча кун бўлди ўзи... — деб сўрамоқчи бўлди-ю, лекин мен унинг сўзини бўлдим:

— Керак эди, керак!..

Кечқурун ишдан бўшашим бланоқ уйга қараб йўл олдим. Уй эгаси менга кулимсираб:

— Кирчи хотин келмади, афандим!— деди.

«Балки кундан янглишгандир. Балки бошқа ерда ишлаётгандир... Албатта келади!» — дердим мен ўзимга-ўзим. Лекин юрагимга аллақандай англаб бўлмас ғулғула тушганди.

Мен уни тоқатсизлик блан кутдим. Уша кунни кечқурун

уни қуруқ жўнатганим учун ўзимни айбдор сезиб, келса шу айбимни юваман деб ўйлардим. Броқ у эртасига ҳам келмади. Кейин уни ўзим қидириб топмоқчи бўлдим. Хўжайкам у хотиннинг қаерда туришини билмаса ҳам, қандай қидириб топишни айтиб берди:

— Биз керосин оладиган боққолда хизматкорлик қиладиган бола унинг қўшниси. Ба'зи вақтларда кирчи ундан ул-бул бериб юборади.

Болани топиб, кирчи хотиннинг адресини сўраб олдим. Кейин бозордаги қаҳвахонага бориб, ошнамдан икки лира қарз олдим-да, Араб маҳалласига қараб йўл олдим.

Қош қорайиб қолганди. Тупроғи бўрсиб ётган боғкўчадан анчагина йўл босгандан сўнг, шаҳар чеккасига чиқиб қолдим. Араб маҳалласи шу ердан бошланарди. Бу ердаги уйлар пастак бўлиб, одам бўйидан салгина ошарди.

Бир вақтлар бу ерда араблар, Иброҳим шоҳнинг Коньяда қолган аскарлари турарди. Энди қишлоқ шаҳарга қўшилиб кетганди. Бу маҳаллада эса, камбағаллар яшарди. Маҳалланинг кўчалари шамол келадиган томонга қараб чўзилганди, шунинг учун қуюндай эсучи қаттиқ совуқ шамол қорни тупроққа қориштириб, осмони-фалакка итқитарди.

Эгнимга пальто ва жун фуфайка кийгандим, шунга қарамай а'зойи баданим қалтирарди. Қоронғилик қуққлашиб борарди, кўчаларда ҳечким йўқ. Аҳ'ён-аҳ'ёнда бирорта ориқ ит шамолдан яна жой излаб, йўлни кесиб ўтарди.

Боққолчилик дўконидаги бола боргандан сўнг шу маҳаллада турадиган боққолга учрагин деган эди.

— Ўшандан сўрасанг, кўрсатиб қўяди.

Сал нарироқдаги муйилишда қия очиқ дераза дарчасидан хира шу'ла тушиб турарди. Яқинроқ борган эдим, бирнеча боғлам қази, икки бўлак совун ва ширинликлар турган витринага кўзим тушди. Эшикни очиб, ичкари кирдим. Тунука мангалдаги кўмирни титкилаётган яккам-

дуккам соқолли киши мени кўриб ҳайрон бўлди. Дўконда витринада кўрганларимдан бошқа ҳечнарсга йўқдай эди. Бир бурчакда керосин солинадиган бочка блан бирнеча ўлчов идишлари турарди. Ҳамма нарсани бир эллик чанг босганди. Боққол:

— Хўш, нима керак эди? — деб тўнғиллади.

Мен кирчи хотиннинг қаерда туришини сўрадим. У ўтирган ерида кирчи хотинни қандай топишни тушунтириб берди, сўнгра яна ўшандай тўнғиллаб:

— Унга кир ювдирармидинг? Нима, ул-булингни ўғирлатдингми? — деб сўради.

— Йўқ, бориб кирларимни ювиб бермоқчи эди, бормади,— дедим мен.— Шунинг учун хавотир олиб келдим.

Боққолнинг юзида шубҳа акс этди. У елкаларини қисиб:

— Шу кунларда кўринмай қолди,— деди. Кейин ўзига-ўзи гапиргандай,— срасини айтганда, бу маҳаллада ҳечким ҳечкимни кўрмайди!— деб қўшиб қўйди.

Мен дўкондан чиқдим. Бирнеча қадам юргач, рўпарадаги уйнинг эшигини тақиллатдим. Ҳечким очмади. Бироз кутдим.

Анчагина қоронғи тушиб қолган эди, уфқда ингичка ўроқдай ой кўринди. Мен кичкинагина дераза олдига келиб, ичкарига қарадим. Дераза бўйига ҳам, энига ҳам икки қаричдан ошмас, ундан ҳечнарсани кўриб бўлмасди. Мен ойнани чертдим. Ичкаридан аллақандай шарпа эшитилди. Мен эшик олдига қайтиб келдим. Бироздан сўнг тош устида ялангоёқ юрган шарпа эшитилди. Ойнинг хира шу'ласида эшик олдида турган аёл кишининг юзини кўрдим, сесканиб кетдим. Унинг юзи мурданикига ўхшарди.

Аёлнинг кўзлари яна ҳам чуқурроқ ботиб кетган эди, тиши йўқ, оғзининг бурчларида янги ажинлар пайдо бўлган, қонсиз лаблари яна ҳам юпқа тортиб кетган эди. Миямга, унинг қўлига икки лира пулни тутқазиб, урра қочсаммикин, деган фикр келди. Бу аҳволни кўрмайин

ҳам, куймайши ҳам... унинг кўрганларини кўрмаслик, дарду-аламларига шерик бўлмаслик учун қочиш керак.

Аммо кўнглим бўлмади. Мен кирчи аёлга:

— Нега келмадинг? Мен хавотир бўлдим. Болангнинг аҳволи қанақа? — дедим.

Аёл қалтирар эди, созуқдан ёки ҳаяжонланаётганидан қалтираётган бўлса керак. У тош устида ялангоёқ турарди, менинг оёқларим эса, ботинкада ҳам совқотарди. У алланарса демоқчи бўлиб, бирнеча бор оғиз жуфтладию, лекин қаттиқ титраётганидан жағлари яна юмилди.

— Сен совқотдинг. Уйга кирайлик, — дедим мен.

У олдимга тушиб юрди. Биз тош ётқизилган каталакдай ҳовлидан ўтиб, чап томондаги эшикка кирдик. Эшикни ёпдим. Бироз вақт иккаламиз ҳам жим турдик.

Кўзларим қоронғига кўниккач, бурчакда кроватъга ўхшаган бирнимага кўзим тушди. Яхшироқ қарасам, бир тўда увадага ўхшаб турган нарса жулдир кўрпа экан.

Мен касал болани уйғотиб қўймай деб қўрқиб, секингина:

— Қизинг қалай? — деб сўрадим.

Рўпарамда турган аёл ёлворган, секин товуш блан жавоб берди:

— Кечир мени... Боролмадим. Қизчам жуда ҳам йиғлади. Шундай йиғлади, шундай йиғладики... илгаригидай очликдан эмас, совуққа чидайолмай йиғлади. «Ойижон, совқотиб кетаяпман», — дейди. Мен ақлдан озаёздим. Бир окка¹ ўтин тўқсон пара туради. Мен шунча пулни қаердай олай? Қир ювиш ёки суприб-сидришдан бир ҳафтада йиғирма беш куруш ишласам, у пулга ёғ, гуруч олиб, шўрва қайнатаман. Қизимнинг ичига иссиқ кириб, енгил тортсин, дейман. Ўтин сотиб олишга қурбимиз етармиди?

Аёл яна қалтироқ босиб, гапиролмай қолди. Кўрмасам ҳам унинг кўзларидан юм-юм ёш қуйилаётганини сезиб турардим. Кейин у яна гапирaboшлади:

¹ О к к а — турк оғирлик ўлчови, 1 кг 225 г га тенг. (Тарж.)

— Лекин оғзига шўрва ҳам олмаганига икки ҳафта бўлди. «Онажон, совқотиб кетаяпман, совуқ»...— деб йиғлайди, холос. Мен бўлсам, ўзимни қўйгани жой тополмайман. Қуруқ шох-шабба йиғиб келиб, печкага қаладим. Бир тутади-ю, дарров ўчди. Қизгинамнинг кўзларига ҳам иссиқ ўтмади. Ўтинга пул топарман, деб ҳамма эшикка бир-бир бориб кўрдим, лекин худойимнинг бизга раҳми келмади, ҳечким эшик очмади. Уйга келдим, қизгинам эса, ҳамон йиғлайди: «Ойи, қаерда эдингиз, совқотдим, ичим музлаб кетаяпти». Товуши зўрға эшитилади, мушук боладай секин йиғлайди. Мен унинг ёнига ётдим. Дун'ёда ҳечкимим йўқ, дардимни кимга айтаман, кимдан умид қилай? Қизгинамни бағримга босиб ётдим, кейин ёнидан ҳеч жилмадим. Болагинам бутунлай музлаб қолди. Қучоқлаганим сари: «Ойи, раҳмингиз келсин, қаттиқроқ қучоқланг. Иситиб қўйинг, кўнглим жуда беҳузур бўлиб кетаяпти»,— дейди. Нимасини ҳам иситаман, қуруқ суяк бўлиб қолганди. Кейин уйғониб, тагин: «Оҳ, ойижон, иситиб қўйинг!» деди-ю, шу заҳотиёқ яна уйқуга кетди. Томоғидан ҳечнарса ўтмай қолди. Ухлаб-ухлаб кўзини очди-да: «Иситиб қўйинг!»— дейди. Мен ўзим ҳам қизимдан баттар ориқман-ку, қандай қилиб иситардим... Броқ қизим тинчиб қолди. Билмадим уч кун ўтдими, тўрт кун ўтдимми — биз қучоқлашганча ётавердик. Кўзини очиб қараса — ёнидаман. Иситиб қўяман, яна ухлаб кетади. Аммо бугун тушда кўзчаларини очиб, менга, алланечук тикилди-ю, шу куйи қолди.

Аёл кутилмаганда бирдан ерга ўтирди. Энди у уйнинг ўртасида чўк тушган ҳолда у томондан бу томонга чайқалар, пиқиллаб йиғларди.

— Нима ҳам қилардим... Худо ўзи уни бу дун'ёнинг азобу уқубатларидан холос қилди... Лекин мени азобу-уқубатга солиб нима қиларкин, билмайман,— деди у.— Энди мен нима қиламан, эс-ҳушимдан айрилдим. Кимга бориб йиғлайман? Қим менга бир оғиз маслаҳат беради?.. Оҳ, қизгинам, оҳ...

Мен гўё ақлдан оздим. Бошим ёрилгудай тирсиллар, қулоқларим шанғилларди. Кроватьнинг бир бурчида ётган кўрпани олиб ташлагим, болани қўлимга олиб, ўпгим келарди. Чўкка тушиб турган аёлнинг бўйнига осилиб, у блан бирга йиғлагим келди.

Кейин эс-ҳушимни йиғиб олишга ҳаракат қилдим, гап бошладим-у, лекин нафасим тиқилиб қолди. Мен охири:

— Сен шу ерда кутиб тур, мен керакли одамга хабар қилиб, яна қайтиб келаман,— дедим-да, кўчага отилдим.

Ой бироз юқори кўтарилди. Мен унинг хира шу'ласи ёритиб турган кўчалардан кучим борича югуриб борардим. Кўзларимдан ёш оқарди, кўз ёшларим шамол юзimgа келтириб ураётган чангга қўшилиб, ёноқларимда музлаб қоларди. Мен уйқуга кираётган шаҳар томон югуриб борардим, қалбим зирқирарди, учраган кишини ёқасидан тутиб, ўшаёққа, кирчи аёл олдига судраб борсам, дердим.





У Р М О Н Ф О Ж И А С И

— Ишонган боғимиз ҳам, суянган тоғимиз ҳам — ўрмон,— деди ёнимда ўтирган чол.— У бизнинг ўз уйимиз, ош-нонимиз.

Қош қораябошлади. Қуёш энди водини ёритмас, фақат шамолда тебранаётган ўрмондаги дарахтларнинг тепасидагина сўнгги лоларанг-қизғиц нур ўйнарди. Бир минутдан сўнг у ҳам сўнди. Шунда манзара бирдан ўзгариб кетди. Ҳаёт нафаси сезилиб, ҳамма нарса ҳаракат қилиб, шитирлаб турган води кўз олдимизда жим бўлиб, юпқа туман пардасига ўралиб олди. Аммо ўрмон жонланди. Кунни бўйи эшитилар-эшитилмас шивирлашган дарахтлар энди гоҳ баланд овоз блан нола қилар, гоҳ у томондан бу томонга тебраниб, бир-бирига узун қўлларини чўзаркан, мунгли қўшиқ бошларди. Баланд ўсган ўр-

мон ўтлари, қалин бутазор, дарахтларнинг танасига чир-машиб кетган печак ўтлар, ҳатто оч жигарранг қўзиқорин ва кўмкўк мохлар ҳам — ҳамма нарса ҳаракатга келгандай эди. Ўрмон ёқасидан тартибсиз шовқин эшитилиб турарди. Катта шаҳар уйғонаётгандай туйиларди. Худди сигнал берилгандай, ўрмоннинг ноласига йиртқич ҳайвон ва паррандаларнинг қичқириви қўшилиб кетди. Ўрмондан ора-сра эшитилаётган шохларнинг қасир-қусури, қулоқни кар қилгудек фар'ёд, кураш шовқини ва ўлим олди хириллашлари қоронғи тушиши блан жонланган ўрмонни қўрқинчли қилиб кўрсатарди.

Отим зўр бериб олдинги оёқлари блан ер тепинабошлади. Бошини мен томонга ўгириб, нотинч кишнади, кейини истар-истамас ўт қимтийбошлади.

Ерда чордона қуриб ўтирган чол томоки чекарди. Милтиллаб кўринаётган чўғнинг хира шу'ласи унинг соқолига тушиб турарди. Чол кўзларини қисиб, менга қаради.

— Ҳа, ўрмон худди ўзимизнинг уйдек гап эди,— такрорлади у,— у бизнинг бирдан-бир бойлигимиз эди. Биз ўрмонни ўз қишлоғимиздан ҳам яхшироқ билардик. Ҳарбир дарахт бизни боласини асраган онадек ҳимоя қиларди.

Қишлоғимиз ўрмоннинг жуда ичкарасида эди, атрофини кўмкўк дарахтлар ўраб турарди. Бизнинг билган-турганимиз ўрмон эди.

Болалик йилларимда от-отакам ўйнаганларимизни эслайман: таёқчалардан арава ясардик-да, унга қуриган барг ва шох-шаббалар ортардик. Ота-оналаримизга даст'ёрлик қиладиган вақтимиз келганда бўталоқларимизни қидириб ўрмоннинг энг қалин ерига борадиган бўлдик. Биз адашиб қолишдан қўрқмасдик. Ноталиш ерларда синган шохлар ва қулаган дарахтларга қараб йўлимизни топиб келаберардик. Ахир киши ўз уйида адашармиди!

Ўсиб-улғайганимизда бизни кийинтиручи ҳам, едириб ичиручи ҳам, бошпанамиз ҳам шу ўрмон эканлигини анг-

ладик. Ўрмон бўлмаса, ҳолимиз нима кечишини биз ҳатто тасаввур ҳам қилаолмасдик!

Чол қўлимдан ушлади. Унинг а'зойи бадани титрарди. Қандайдир кўнгилсиз ҳодиса унинг қалбини ўртаётгандек эди. Унинг кичик, хира кўзлари жиққа ёшга тўлганди. Ажин босган юзининг тиришлари янада кўпайгандай бўлди. У нимадир демоқчи бўлар, броқ тил гапга келмас эди. Унинг кўзини хиралаштирган, лабларининг чеккасига ўрнашиб қолган ва ҳарбир хатти-ҳаракатидан сезилиб турган ғам-алам мени ҳам чулғаб олди. Ниҳоят у томоғига тиқилиб келган юмалоқ нарсани ютиб юборгандай қичқирди:

— Ўрмонимизни тортиб олишди! Битта ҳам дарахт қолдиришмади!

У папағини ортга роқ суриб қўйди-да, қўли блан оппоқ сийрак сочларини сийпади. Кейин ўзи чекаётган изтиробларга ғарқ бўлгандай жимиб қолди. Мен унинг қалбида нималар бўлаётганини англаб олишга ҳаракат қилардим. У пружинасининг кучи тугаб қолган осма соатнинг кафкири сингари секин-аста тинчланди. Лабларини куйдира бошлаган махорка қолдиғини отиб юбориб, соқолидаги кулни қоқиб ташлади-да, четга қараган ҳолда ҳикоясини бошлади:

— Ота-бобаларимиз урф-одатимизни муқаддас сақлаб, эскича яшадилар, улар ўз турмушларидан мамнун эдилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да! Бошқача яшаш мумкин эканлигини биз билмасдик. Биз ота-бобаларимизнинг васиятини болаларимизга етказиш ва «Сиз ҳам ота-боболардек яшанг» деб қаттиқ тайинлашни дастлабки муқаддас бурчимиз деб билардик. Ажнабийлар келиб, буларнинг ҳаммасини остин-устун қилишларини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик...

Кунлардан бир куни ҳукумат ўрмонни кесиб олиш ҳуқуқини саноатчилар компаниясига берипти, деб эшитдик, лекин бу гап устида бош қотириб ўтирмадик. Бу иш бошимизга қандай кунлар солишини дарҳол англаб етол-

мадик. Кейин қарасак, ўз ота-боболаримиздек билиб, иззат-ҳурмат блан қараб келганимиз асрий дарахтлар бирин-кетин қулайбошлади. Бир вақт қарасак, ёшликда биз орасидан зўрға-зўрға қисилишиб ўтадиган, қуёш нурлари етиб келолмайдиган қуюқ чангалзорда катта-катта ялангликлар пайдо бўлиб қолипти. Шундагина биз хавф-ҳатар яқинлашиб келаётганлигини, уни даф' қилиш лозимлигини фаҳмлаб қолдик.

Чиндам ҳам, ўрмоннинг жароҳати катталашаборди, ниҳоят, ёт болта бизнинг чангалзоримизга ҳам етиб келди. Ҳаммамиз бир кишидек қўзғолдик. Пул ва'да қилиш ҳам, дўқлар ҳам — ҳечнарсга бизни ўрмонимизни беришга мажбур этолмади.

Шунда компания ҳийла ишлатишга ўтди: шундай қилдики, ўтинимизни ҳечқаерда сотолмайдиган бўлиб қолдик. Қурилиш учун кетадиган ёғочлар ҳам сотилмай қолди, натижада биз уни жуда ҳам арзон баҳода бердик. Иш йўқ, ҳатто ба'зи йигитларимиз компанияга дарахт кесуци бўлиб ёлланмоқчи ҳам бўлишди, лекин биз йўл қўймадик. Охири ўрмонимизни бўлак-бўлак қилиб беришга рози бўлишга тўғри келди.

Биз, деҳқонлар, узоқни олдиндан кўраолмаймиз. Компания бизга: «Биз бу ўрмонни энг янги усулда кесамиз, сизлар барибир бундай ишнинг уддасидан чиқолмайсиз», деди. Балки компания тўғри айтгандир. Лекин бизни қуп-қуруқ қолдириш адолатданми? Компания бойлик ортдириш учун омилигимиздан фойдаланди. Бошданоқ сиқнига тоб беролмаслигимизни билган компания бизга қарши курашни кучайтириб юборди.

Ёшликдан қадрдон бўлган бу ерларга қалбда алам блан боқардик. У ерда бир дарахт бор эди: мен йигитлик вақтимда қаллигим бўлажак қизни олиб қочганимда орқамдан қувишган одамлар блан шу дарахт орқасида туриб отишган эдим. Дарахт мени пана қилган, душман ўқлари унинг танасига келиб қадалган эди. Мана, энди ўша дарахтни кесишди. Ишонасанми, худди ўзимнинг

қўл ёки оёғимни кесиб олишгандай бўлди! Нима ҳам қилаоласан? Кўз ёши қилдим-у, пайхон бўлган ўт устидан кетабердим.

Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси тез орада иш ниҳоясига стишини сезабошладилар. Энди ҳечким кулмасди. Ҳатто қишлоқнинг кўриниши ҳам ўзгариб кетди. Биз, кексалар уни зўр-базўр танийолардик, энди бу аввалги қишлоқ эмас эди. Энди уни баланд ўсган ўрмон бегона муҳитдан ажратиб турмасди. Келгинди бир савдогар қишлоғимизда қовоқхона очди. Кўчаларда маст-аласт дарахт кесучилар дайдиб юрадиган бўлиб қолишди.

Лекин бизнинг ихтиёримизда ҳали олтиюзга яқин дарахт бор эди. Деҳқонлар ўрмоннинг бу қолган қисмини ҳечқачон қўлдан чиқармасликка аҳд қилдилар. У бизни боқини, бола-чақаларимизга эса, ота-боболаримизни боққан қалин ўрмондан эсдалик бўлиб қолиши керак эди. Биз ўрмоннинг бу бўлагига ёт кишиларнинг қўл теккизишига йўл қўяолмасдик. Бу томонга ўтишга компаниянинг ҳам юраги бетлайолмаётгандек эди. Улар ўрмон ичкарисига кириб, бизнинг ғазабимизни қўзғашдан ҳайиқишган бўлса керак, бу уларга қўл келмас эди-да. Броқ биз бу ҳолнинг узоққа чўзилмаслигини сезардик.

Шундай бўлди ҳам. Бир кун эрталаб қишлоқда, бу қолган ўрмонимизда дарахт кесучилар пайдо бўлгани ҳақида овоза тарқалди. Деҳқонлар уйларида югуриб чиқишар, саросимага тушиб, ҳар томонга чопишарди. Броқ кўп ўтмай, улар эс-ҳушларини йиғиб олишди. Шу вақт окопда ётиб, охирги ўқини отаётган ва бундан кейин ўлим чангалидан қутилиб кетаолмаслигини билган солдат сингари ноилож аҳволда қолганда бўладигандек жур'ат пайдо бўлди...

Мен чолнинг ҳикоясини тинглардим, ўрмонда бўлса, шу вақт кучли шамол турди. У ғазаб блан гувуллар, дарахтларнинг таналарини ерга томон эгарди. Шамолнинг гувуллаши бўронда чайқалаётган денгиз ҳайқириғига ўхшар, дарахтлар тўлқинлар каби гоҳ паст тушиб, гоҳ

кўтариларди. Ўрмон худди биз томонга силжиётгандек тўйиларди. Гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб бораётган қудратли гувуллаш ба'зан суҳбатдошимнинг овозини босиб кетарди. Чолнинг гаплари қулоғимга бутун оркестр овозига қўшилиб кетаётган най овозидек эшитиларди.

— Биз даҳшатли иш бўлаётганини тушундик,— деб сўзида давом этди чол.— Қалбимизни ўртаб келган алам-дардимиз юзага қалқди. Бундан кейин кексалар ҳам, ёшлар ҳам, аёллар ва болалар ҳам — ҳечким газабига чидаб туролмасди.

Одамлар қўлларига болта ва сўйил олиб, ўрмонга югурдилар. Дарахт кесучилар ҳали ишга тушишмаган эди. Биз уларга «агар бирорта дарахтга қўл тегизар экансиз, биздан яхшилик кутманглар» дедик. Дарахт кесучилар биз блан айтишиб ўтирмасдан асбобларини йиғиштириб, ўрмон ёқасига кетишди. Ичимиздан бир одам шаҳарга жўнади. Қолганлар ўрмонда ўтириб олиб, кутабошладилар.

Кечқурун шаҳардан ўрмон ишлари бошқармасининг бир амалдори, у блан бирга компаниянинг бир вакили ва икки жандарм келди. Улар бизни назарларига илмай, олдимиздан тесқари қараб ўтиб кетишди-да, бориб дарахт кесучиларнинг каттаси блан гаплашдилар. Кейин амалдор бизни жандармларга кўрсатди-да, буйруқ берди:

«Буларни ўрмондан ҳайдаб чиқаринг!»

Вакил бўлса дарахт кесучиларга ўдағайлайкетди:

«Ишни бошланглар!»

Шунда эркак ва аёлларимиз бир-бирларига сўз қотмасданоқ бизни ҳатто одам қаторига қўшмаганлар устига ташландилар. Сўйил ва болталар ишга тушди. Аста-секин қуюқлашаётган қоронғиликда кишиларнинг бир-бирларига ташлангани кўриниб турар, нола қилаётган сингари бўғиқ қичқиришлар эшитиларди.

Жандармлар ҳам, улар блан бирга келганлар ҳам бирин-кетин қочиб кетишди. Бўхчақорин амалдор эса,

фақат қишлоққача қочиб бораолди. Қишлоқда у мусофирхонага кириб яширинди-да, эшикни ичкаридан беркитиб олди.


Биз бу ишимизни кечирмасликларини билардик, лекин бошқа иложимиз йўқ эди.

Эртасига жандармларга ёрдам етиб келди. Улар қишлоққа бостириб кирдилар, ҳамма эркак ва аёлларни тутиб қўлларини боғладилар-да, мол сизгари шаҳарга ҳайдаб кетдилар, амалдорни бўлса, қутқардилар. Кейин эшитсам, ўспирин болалар блан аёллар мусофирхонани тоғ отгунча тошбўрон қилишипти. Ўзларининг ожизликларини сезабилатуриб, қутириб тошбўрон қилишипти. Шундай қилиб аламдан чиқмоқчи бўлишипти-да... Шўрликлар!

Чол жим қолди. Ҳали ҳозиргина ҳайқираётган шамол бутунлай тинди. Фақат баргларгина атлас кўйлак каби шитирлар, баҳайбат дарахтларнинг танаси эшитилар-эшитилмас гувулларди, бу гувуллаш хонада қаттиқ бақирилганда рояльнинг торларидан чиқадиган овозни эслатарди. Урмон мудрайдди. Бу шитирлаш ва гувуллаш унинг тинч нафас олиши эди.

Чол ўрнидан турди, ўраган томоқисини шошмасдан тутатди-да, секун-секун юриб, зулмат кеча қа'рига кириб кетди.





ДУШМАНЛАР

Кечаси ёмғир шивалаб турганди. Ҳўл асфальт кўчадан пальтосининг кенг ёқасини кўтариб, перчатка кийган қўлларини орқасига қовуштириб бир йигит борарди. Унинг локланган ботинкаси намликдан ярақлар, йўл-йўл қора шими қоматига жуда ёпишиб тушган эди.

У нам асфальт юзидан кўтарилиб, яна тушаётган ботинкасига ма'носиз тикилганча чуқур ўйга толиб борарди. «Срасини айтганда, кишининг умри ҳам мана шу локланган ботинкага ўхшайди-да,— деб ўйларди у.— Ахир биз ҳам судрала-судрала эскиб, тўзиймиз; путурдан кетамиз; бориб-бориб ахири ҳечнарсасага яроқсиз бўлиб қоламиз».

Бу мулоҳазалар йигитга у қадар нозик ва чуқур ма'ноли бўлиб кўринмади. Шунда у бугун кечқурун бир ошна-

синикида ўтириб, покер¹ ўйинида ўттиз лира ютиб олганини эслади.

«Агар ёнимда ўша хотин ўтирмаганда мен яна анча ютган бўлардим,— ўйлади у.— У эрининг пулига бемалол хўжайинлик қилаверади, шунинг учун таваккал блан иш қилишдан қўрқмайди. Броқ бу унинг мен томонга энгашиб, қарталаримга қараб-қараб қўйишига халақит бергани йўқ».

У яна упа-эллик, атр ва аёл киши сочининг тотли, ammo димоқни ёриб юборгудай ҳидини ҳис этди-да, бутун вужудини қалтироқ босди.

Гарчи зериктиручи томонлари бўлса ҳам, омади келиб, унинг ҳаёти машаққатсиз ва дуруст эди. Кундузи хизмат. Енгил иш, катта даромад... Хизматдан сўнг — тўйимли овқат. Овқатдан сўнг — чой. Кейин эса — кино ёки қарта ўйини. Сўнг — уйқу...

Броқ ҳаёти мана шундай ёқимли, машғулотлар блан тўлиқ бўлишига қарамай, у ўз ҳаётининг пуч, бема'ни эканини ҳар қадамда сезар ва бу кайфиятдан ҳеч қутилолмасди. Унга нимадир етишмаётгандек бўларди.

Ҳозир уйга қайтар экан, у ҳаётининг пуч, бема'ни эканини яна ҳис этди. У кунни яхши ўтказди, ҳатто ўттиз лира ютди ҳам, броқ қалби ҳамон норози, қаноатланмаган эди.

«Қониб ухламай, асабларим бузилгандир»,— деб ўйлади у.

У уйига яқинлашди, ярим очиқ турган боғ эшигини оёғи блан туртиб очди-да, шағал тўкилган ва икки чётига гул ўтқазилган йўлкадан юриб кетди.

Кечаси у уйга доим орқа эшикдан кирарди. Уйнинг кўча эшигига яқин жойда ётадиган хизматкорни уйғотгиси келмас, бунинг устига, орқа эшик ётоқхонасига яқин эди. Хуллас, у сабабини ўйлаб ўтирмай шу ёқдан киришга одатланиб қолган эди.

¹ Покер — қартада қимор ўйинининг бир тури. (Тарж.)

У қўлини чўнтагига тикниб, калитни олди, сўнг эшикка қаради ва бир сесканиб тушди-да, турган ерида қотиб қолди.

Қандайдир шарпа эшикнинг кесакисига қапишганча қимирламай турарди. Йигит қўлини яна чўнтагига суқди. Аксига тўппончасини олмаган экан. Шарпа бирдан қимирлади.

Йигит одамларни ёрдамга чақириш учун бўлса керак, югуришга шайланган эди, ammo шарпа бармоғини лабларига олиб бориб: «Жим!» деб пичирлади.

Бу сўз нотаниш киши томонидан шундай табиий ва, буйруқ тарзида бўлмаса ҳам, шундай қат'ий айтилган эдики, йигит беихтиёр тўхтаб, унга қизиқиб қаради.

Нотаниш киши унга яқин келди-да:

— Шуерда бироз мизғиб олдим. Ёмон ниятда келган деб ўйламанг. Тунайдиган жойим бўлмаганидан келдим.

Хўжайин нотаниш кишини диққат блан кўздан кечирди, унинг на тиламчи, на саёқ кишига ўхшамаслигини кўриб ажабланди. У туппа-тузук кийинган, ҳатто галстуги ҳам бежирим қилиб тақилган эди. Қисқаси, бу одам ташқи қиёфасидан мартабали кишиларнинг худди ўзи эди.

Хўжайин ўзини хотиржам тутишга тиришиб нотаниш киши олдидан ўтди-да, эшик қулфига калит солди, брок тўсатдан вужудини қоплаб олган қўрқувдан қотиб туриб қолди. Унинг миясига бу кишининг гапига лақ этиб тушмадиммикин деган фикр келди. Борди-ю, у сездирмай орқасидан келиб, бирор нарса блан бошига тушириб қолса-чи?

Нотаниш киши оёқларини судраб босиб, бирнеча қадам узоқлашди:

— Бу кечаси боғингизда тунашга ижозат берасизми?

Шу сўзларни айтиб у сирень тупи томон бир қадам юрди.

Хўжайин ўгирилиб қаради. Шохларнинг соясида нога

ниш кишининг юзи кўринмасди, броқ унинг овози хўжайинида шундай ишонч туғдирдики, у бир зумда қўрқув ва ҳайиқишларни бутунлай унутди.

Қўққисдан унинг миясида яшин чақнагандай бўлди. Бу овознинг унда шундай ишонч ҳосил қилганлигига сабаб у кишининг танишлиги эмасмикин? Бу овоз унга кадрдон дўстининг овозини эслатди.

Хўжайин бирнеча қадам олдинга юрди.

Ёмғир тинган эди. Кўкда булутлар бир-бирини қувиб борарди. Вақт ярим кечадан оққанда чиққан ўроқ ойнинг дарахт шохлари орасидан тушиб турган ола-чалпак нури нотаниш кишининг юзини сал ёритарди.

— Ижозат бермасангиз — кетаман,— деди у киши атрофга аланглаб.

Лекин хўжайин унинг сўзларини англаб ололмади.

Шохлар орасидан тушаётган ўроқ ой нури нотаниш кишининг оғзи ва даханини ёритиб турарди. Бу тишлар ва гапирганда бурчаклари пастга бурилаётган бу лаблар хўжайинга таниш кўринди. Хўжайин яқин бориб, нотаниш кишининг башарасига разм солмоқчи бўлди, аммо у киши орқага чекинди. Шунда хўжайин сўради:

— Сиз ҳалиги...— У бир фамилияни айтди.

Лекин нотаниш киши қўли блан унинг оғзини тўсиб:

— Овозингни ўчир!.. Мен сени ўша заҳотиёқ танидим, аммо сен мени эслайоларсан деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим,— деб шивирлади.

Хўжайин унинг қўлидән ушлаб ўзи томонга, ёзуғлиққа тортди:

— Ўзгариб кетибсан... Тўғри, юз-кўзларинг унча ўзгармапти: оғзинг, бурнинг аввалгича, айниқса оғзинг. Броқ, нима десам бўлади... ҳалиги... худди қаригандайсан... Йўғ-э, қариган ҳам эмассан, мендан ёшроқ кўринасан... Хулласи — қандайдир бошқача бўлиб қолибсан. афт-башаранг эмас, юрагинг ўзгарганга ўхшайди... Тавба... Азизим, кечирасан, лекин мен буни сўз блан айтиб беролмайман.

У киши бу сўзларни бироз кулимсираб тингларди.

— Сен ҳам бироз ўзгарибсан,— деб қўйди у.

Улар эшик олдига келишди.

— Ташқари совуқ, тўғрими?— деди хўжайин келгиндига савол назари блан қараб.— Уйга кирайлик-а?

Нотаниш киши кулди.

— Меки уйга киргизил хавфли,— деди у пичирлаб.

Хўжайин тўхтади. Уни яна аввалгидай қўрқув босди. Буни пайқаган меҳмон уни тинчйтишга ошиқди.

— Йўқ, азизим, мен ўғрилик-босқинчилик блан шуғуланмайман, лекин полиция, ҳарқалай мени, ахтараяпти.

Хўжайин меҳмонига диққат блан тикилди-да, кейин кулиб деди:

— Қандай ишга аралашиб қолгансан, тушунолмаёпман! Кел, майли, юрабер, уёғи бир гап бўлар.

Улар қоронғи коридордан ўтиб, зинадан юқорига чиқишди ва меҳмонхонага киришди.

Хўжайин электрни ёқди.

Меҳмон ҳамон енгилгина кулимсираркан, уйни кўздан кечирабoshлади.

Ортиқча жиҳоз йўқ бўлишига қарамай, хона яхшигина безатилган эди. Полга гилам тушалган, пастак столчаларга папирос солинган қутилар териб қўйилганди. Бу жиҳозлардан бўлак яна иккита момикдай кресло ва бурчакда хонтахта бор эди. Деразаларга сарғиш тўрпардалар тутилган. Ёзув столи устида қоғозларнинг сочилиб ётишидан хўжайиннинг бўйдоқ экани ва хизматкорнинг бу уйни йиғиштириши тақиқлаб қўйилгани кўриниб турарди.

— Кўришмаганимизга ҳам ўн икки йилча бўлгандир-а?— деб сўради хўжайин.

— Ҳа, ўқув юртини тамомлаганимиздан бери кўришганимиз йўқ.

— Нима иш қилиб қўйддинг? Полиция сени нега ахтарди? Хавфли фикрлар айтганмишсан, шунинг учун

хизматдан бўшатиб юборишганмиш деган гаплар эшитдим.

— Бу ишларни фаҳмлаб олиш қийин эмас.

— Наҳотки сен чиндан ҳам дун'ени ўзгартаоламан деб ўйласанг?

— Лекин сизлар дун'ени ўзгартиб бўлмайдисиз, деб ишонилга мажбурсиз!

Орага жимлик чўкди. Икковлари ҳам креслога ўтиришди. Хўжайин радиони буради. Бироздан сўнг худди олислан келаётгандай майин музика эшитилабошлади. Қандайдир бир операнинг охири эшитдирилаётган эди. Ҳаргал гумбирлаган овозлар тингач, най овозини эслатучи майин куй яна ҳам аниқроқ эшитиларди.

Меҳмон гиламга узоқ тикилиб қолди. Унинг чеҳрасида яна табассум пайдо бўлди. Лекин бу табассум унинг юрагига қўл солиб, сирига ошно бўлмоқчи бўлган кимсани қаршилсвчи аввалги оддий табассум эмасди. Йўқ, бу табассум самимий, беғараз, гўдак табассумидай соф эди.

У бошини кўтарди.

— Қандай ажойиб-а? Шундай эмасми?— ўртоғига мурожаат қилди у ва:— Музикани эшитмаганимга тўрт йил бўлди,— деб қўшиб қўйди.

— Нега?

— Имконият бўлмади-да.

Тамошобинлар ижрочиларини узоқ қарсақлар билан олқишладилар. Кейин немис тилида айтилган сўзлар эшитилабошлади. Хўжайин радиони бураб қўйди. Хона жимжит бўлиб қолди.

Хўжайин билан меҳмон бир-бирларига қараб кулиб юборишди. Улар бир-бирларига шу қадар дўстона назар ташладиларки, гўё бир лаҳза тасаввурларида орадан ўтган ўн икки йил сезилмай ҳам қолди.

Хўжайин ўрнидан туриб, меҳмон ёнига келди-да, унинг елкасига қўлини ташлаб:

— Қани, гапириб бер,— деб таклиф қилди.

— Йўқ, аввал сен ўзинг гапир.

— Қўриб турибсан-ку: мен одатдаги йўлдан бориб, ма'лум мансабга эришдим.

— Шундай бўлиши ҳам керакмиди? Бунинг тўғрилигига ишонсанми?

— Нега ишонмай? Ишладим, фойда келтирдим — ниҳоят кўтарилдим.

— Мен сенинг бу мансабга қай йўл билан эришганини билмайман. Эҳтимол чиндан ҳам одатдаги йўл билан эришгандирсан. Броқ шу йўл тўғри йўл эканлигига сенинг ишончинг қимлими? Ҳаммадан муҳими: сен чиндан ҳам фойда келтирдингни?.. Нима демоқчи бўлаётганими тушунаяпсанми?— такрор сўради меҳмон ўз гапига жавоб ололмагач.

— Қисман тушунаяпман.

— Нима ишлар қилганинг, қандай ишни фойдали деб аташинг ҳақида ўйлаб кўрдингни ҳеч? Ҳозирги мансабга эришишинг учун ўзинг босиб ўтган ва сртингдан бошқалар келаётган ана ўша йўлга сра қайрилиб қарадингни? Кимга ва қай даража фойда етказганингни ўйлаб кўрдингни?

Хўжайиннинг юзида зерикиш аломати кўринди. У меҳмоннинг гапига қўл силтаб, зўрма-зўраки кулимсиради:

— Дўстим, қўй, шу мужмал мулоҳазаларингни!— деди.

Меҳмон креслодан сапчиб турди.

— Йўқ, бу мужмал мулоҳазалар эмас!..— қизишиб гапираркетди у.— Бу мулоҳазаларнинг ма'носига тушуниб етсанг, улар сенга умрбод беш қўлингдай бўлиб қоладилар. Броқ буларни бир чеккага қўятурамиз. Ишонманки, бу масала устида бош қотириб кўрган киши ҳечқачон момик креслода хотиржам ўтиролмайд.

— Балки ўзингнинг мана шундай момик креслоларинг бўлмаганидан бундай мулоҳазалар йўлига киргандирсан?

Бу сўзларни эшитгач, бир зумда меҳмоннинг чеҳра-

си ўзгариб кетди. Лабларининг чеккасидаги майин та-
бассум ўрничи нафрат тўла аччиқ истехзо эгаллади:

— Агар миямни ўйлашдан, кўзимни кўришдан маҳ-
рум этганимда ҳозир мен ҳам сен эришган мартабага
эришаолишим оппа-осон эканлигига наҳотки ишонмай-
сан?!

— Билмадим... Уқишда илғорлардан эдинг.

— Ҳозирчи?

— Ҳозир сен биздан тамоман узоқдасан.

Хўжайин бу сўзларни ўйламай-нетмай айтиб юборди.

Фақат айтиб бўлгандан сўнггина унинг чиндан ҳам
ҳақиқат эканини англади. Энди улар ўртасида ҳечқан-
дай яқинлик қолмаган эди. Унинг қаршисида бироз ор-
тиқча сўз айтиб қўйишдан чўчиб турадиган юраксиз,
ҳатто келишаолмайдиган кишининг сўзларини ҳам
ҳечқандай э'тирозсиз, диққат блан тингловчи, меҳнат-
севар, соддадил бола эмас, балки бир сўзли, мустаҳкам
продали, соқоллари ўсган одам турарди. Илгарилари
атрофдагиларга ёқимли ва мулойим боқадиган қуюқ
киприклар остидаги тим қора кўзлар ҳозир суҳбатдоши-
га тикилганда совуққина чақнарди. У кишини бошдан-оё-
ғигача бир назардан ўтказса, уни аянчли аҳволга солиб
қўйгандай бўларди. Бу қарашга бардош беролмаган
хўжайин тескари ўгирилди. Кейин ўзини ўнглаб олиб,
яна меҳмонга мурожаат қилди.

— Сен чарчагансан,— деди у меҳмоннинг кўзларига
тик қарашга ҳаракат қилиб.— Юр, ётадиган жой кўрса-
тай.

— Демак, уйингда тунаб қолишимга ижозат этиш-
га юрагинг дов берар экан-да?

— Мақсадинг менинг кўнглимни ранжитишми?

Меҳмон жавоб бермай, креслодан оҳиста турди.

Улар меҳмонхонадан жимгина чиқишди-да, зинадан
тушишди. Хўжайин ётоқхона эшигини очди.

— Бу, менинг хонам,— деб тушунтирди у.— Сен шу
ерда ётасан. Мен юқорида катда ётақоламан.

Меҳмон дўстига хайрли кеч тилаб хонага кириб кетди, броқ бирдан орқасига қайтди.

— Кел, сени бир қучоқлай,— деди у.— Эҳтимол бу сўнгги мартаба қучоқлашиншидир..

— Нега? Эртага кўришмаймизми?

— Мен барвақі туриб, сездирмай чиқиб кетаман. Сеникида тунаганимни ҳечким билмаслиги керак.. Сени қучоқламоқчиман. Биласанми, мен сени ёшликда жуда севар эдим-а...

«Ҳозирчи?» деб сўрашга хўжайин жур'ат қилолмади.

Улар қучоқлашиб ўпишдилар. Ҳар иккисининг кўзида ёш кўринди.

— Хайрли кеч!— деди меҳмон.

— Хайрли кеч!

Эшик секингина ёпилди.

Хўжайин зинадан оғир-оғир кўтарилар экан, ҳаётининг ма'носиз, пуч эканини ҳис этиши ордими ёки, аксинча, вужудини қандайдир янгилик қопладими? — шу ҳақда мулоҳаза юритарди.

«Унинг гапларида заррача бўлса ҳам ҳақиқат бормикин,— деб сўради у ўзидан,— йўқ, бўлмаса керак. Наҳотки ҳамма одамлар аҳмоқ бўлса? Инсон — ғалати маҳлуқ. Ҳарқандай ақлли одам ҳам, миясига бирор бема'ни фикр ўрнашиб қолса, мана шунақа савдойи бўлиб қолиши турган гап...»

Меҳмонхонага киргач, у радиони қўйди. Англия станциялари бирнеча йиллардан бери эшитдирилавериб сийқаланиб кетган рақс куйини берарди. У радионинг қулоғини ўнгга, чапга бураб кўрди, броқ Ленинграддан инглиз тилида берилаётган лекциядан бўлак ҳечнарсга эшитаолмади. Кейин у стол ёнига ўтирди.

Уйқуси келмасди. Одеядли олиб, кат устига қўйди. Худди узоқ давом этган, толиқтирадиган суҳбатдан сўнг бўладигандай мияси чарчаган, фикрлари чалкашиб кетмоқда эди. Ҳақиқатда эса, улар бир-бирларига ҳечнарсга гапириб улгурганлари йўқ.

Хўжайиннинг кўзи ўнгида заҳарханда блан кулимсираб турган, хатти-ҳаракатлари аниқ меҳмон намоён бўлди: У, «Нечун мени беш қўлдай равшан ҳақиқатни айтишга мажбур этайсан?» деяётгандай бўларди. Шундай қилиб хўжайиннинг кўнглида ғашлик уйғонди.

У бирқанча қулай формулаларни ёдлаб олиб, кўп йиллардан бери худди мурувати бураб қўйилган машинадай ишлаб келаётган кишининг тинчлигини худди кўлмак сувга тош отгандай бузишга эски ўртоғи бўлмиш бу беодоб меҳмоннинг ҳаққи йўқ деб билди.

«Бориб уйғотаман-да, жанжал чиқараман» — деб аҳд қилди у.

Пастга тушиб қараса, меҳмон ухлаб ётипти. У ҳатто электр чироқни ёққанда ҳам уйғонмади. Унинг юз-кўзларини кўриб, хўжайин ҳайрон қолди: бу чехрада на кескин заҳарханда бор эди, на юқорида ўтиришгандаги каби совуқ боқучи қаттиқ қараш. Унинг кроватида юзида гўдаклик табассуми ўйнаётган бир ўспирин донг қотиб ухлаб ётарди. Эҳтимол ҳозир у тушида севимли ёрини кўраётгандир. Наҳотки мана шу чиндан ҳам полициядан яшириниб юрган киши жамиятнинг энг ёвуз душмани бўлса?

Меҳмонни уйғотишга хўжайиннинг кўзи қиймади. У ўз хонасига қайтиб келди-да, яна ўйлайкетди: улар бир-бирларига фақат бир-икки оғиз ма'нодор ва кескин гаплар айтишди, броқ гапларини охирига етказиб, бир фикрга келаолишмади. Шу ҳақда ўйларкан, у фикран суҳбатни давом этдиргандай бўлди ва боши берк кўчага кириб қолди. Шу фикр миясига келганда у қалтираб кетди. Фикр юритди дегунча унинг ороми бузиларди: ахир бу меҳмоннинг ҳақлигини тасдиқлаш-ку!

У газетани кўздан чекирабошлади ва учинчи саҳифадаги бир хабарга кўзи тушди. Хабарда меҳмоннинг номи тилга олинган, полиция уни зўр бериб қидираётгани, эндиликда унинг изи топилганлиги ва яқинда қўлга тушажаги айтилган эди. Сўнгра унинг шу вақтгача қилган

«жиноятлари» санаб ўтилганди; шунингдек, унинг яхши маълумот олганлиги, ҳатто бир вақтлар унинг жамият учун фойдални одам бўлиб етишишига умидлар ҳам бўлганлиги, броқ кейинчалик у ижтимоий тузум учун хавфли киши бўлиб чиқиб, мавжуд тузумнинг очиқ душманига айлангани кўрсатиб ўтилган эди.

Хужайин бу сатрларни узоқ вақт синчиклаб ўқиди. Сўнгра: «Душман...» дея ўйчан шивирлади. Энди меҳмон чиндан ҳам унга душман каби қараётгандай бўлиб туйилди.

Юзидан бегоналашиб қолгани сезилиб турган бу киши ўтмишни эслагандагнна кўнгли бироз юмшагандай бўлар, ҳозирги кунни ўйлаганда эса шу заҳотиёқ дарвозалари бекилган қал'адай, одамови бўлиб қоларди. Фақат ҳужумгагина тайёр турган бу киши чин ма'носи блан душман эди.

«Агар қачон бўлмасин унга ўхшаганлар ҳокимият тепасига келиб қолсалар-чи...»— деб ўйлади хўжайин ва этлари жимирлашиб кетди, биргина ўша вақтда у блан юзма-юз келиш ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ уни даҳшатга соларди. Броқ шу вақт у эс-ҳушини йиғиб олди, ҳатто ўзидан жаҳли чиқиб ҳам қўйди: полициядан яшириниб юрган ва'бунинг уида бошпана топган шу бахтсизнинг нимасидан кўрқади!

«Телба-да!— деб ўйлади у.— Куч бизнинг тарафда эканлигини тушунайди.»

Ҳа, куч хўжайиннинг тарафида эди, уни фақат полиция, жандарма ва судларгагина эмас, ҳатто банкларга, мактаб ва газеталарга суянган бутун бошлиқ давлат ҳимоя қиларди. У чуқур ички алоқасини янгитдан ҳис этди, ўртоғининг қиёфаси бўлса, аста-секин унинг кўзи ўнгидан аниқ белгиларини йўқотаборди, хиралашди, сўнгра тун зулмати ичида ғойиб бўлди.

Ўзига далда бериш учун у дераза ёнига бориб, кўчага қаради. Чорраҳада бир полиция уёқдан-буёққа юриб

турарди. Хўжайини ойинани очиб, уни чақиргиси келди: ахир бегона киши пастда экан, у тинч ухлайолмасди-да. Броқ қичқириб, меҳмонни уйғотиб юборишим мумкин деб ўйлаб, деразадан узоқлашди ва газетадаги хабарни қайта ўқиб чиқди.

«Демак, полиция унинг изига тушган.. Борди-ю уни менинг уйимдап топшса-чи?..»

Кучайиб бораётган ҳаяжони нчида кўз олдига турма, суд манзараси келди... У ўз хонасини кўздан кечириб чиқди. Мана шу шинам хонадап, севимли буюмларидан, теварак-атрофдаги ёшликдан бери ошна бўлгани муҳитдан ажралишга мажбур бўлишини ўйлар экан, тоқати тоқ бўлди. Бир қўли блан телефон трубкасини олди, иккинчи қўли блан кўрсатгич абонент дафтарчани очди-да, керакли номерни топиб, телефон қилди.

Навбатчи полиция назоратчисига ҳамма гапни айтиб бўлиб, трубкани қўйгач, у худди уйқусида босинқираб уйғониб кетгандай бўлди. Бошини қўллари орасига олиб, хонада уёқдан-буёққа юрабошлади. Миясини турли-туман фикрлар чулғаб олганди. У ўз-ўзига дерди: «Мен ўтакетган даражада пасткашлик қилдим — уйимдан бошпана сўраб келган кишини тутиб бердим». Аммо шу вақт миясига бошқа фикр келди: «Душманни яшириш мени ҳимоя қилаётганларга хонлик қилиш бўлади-ку».

Вақт ўтган сари у баттарроқ саросимага тушарди. Меҳмоннинг чин қалбдан, самимий, биродарларча ўпганини эслаб, юзининг олов бўлиб ёнаётганини ҳис этди. Ниҳоят сабри чидамай, пастга югуриб тушиб, меҳмонни уйғотишга ва унга: «Қоч! Улар бу ерга келишяпти» дейишга қарор қилди. Зинадан югуриб тушиб, «душман» ухлаб ётган хонанинг эшигини очди-да: «Тур!» деб қичқирмоқчи бўлди, броқ сўзлари бўғзида қолди.. Гўдак сингари ширин уйқуда ётган бу киши шу заҳотнёқ бор гапни англайди, унинг қалбини парча-парча қилиб ташловчи истехзо блан кулади, пўлатдек ярақловчи ўткир

кўзларини унга тикади, натижада хўжайиннинг ўзи но-
чор аҳолга тушиб қолади. Ана шу маъзарани тасав-
вур этар экан, у сапчиб тушди. Назарида меҳмон ишонч
тўла, истеҳзоли назар блан унга тик қараб тургандай
бўлди ва эти жимирашиб кетди. Меҳмон олдида ма-
на шундай аянчли ҳолда дамоён бўлиш унинг сўзларини
тўла тасвиқлаш бўларди.

Бир-бирига қарама-қарши фикрлардан қаттиқ азобла-
наётган хўжайин ечинмасдан ўринга чўзилган ва хотир-
жам, беғам, беташвиш ухлаётган меҳмонга тикилганча
туриб қолди. Хўжайин гоҳ-гоҳ олға бир қадам ташлаб
қўяр, броқ ҳозир меҳмон уйғониб қолса аҳволининг нақа-
дар оғир бўлишига қарамай шу заҳотиёқ ўзининг ундан
устунлигини намойиш қилиши, хўжайин эса, қудратли хо-
мийлари бўлишига қарамай, ҳарқалай меҳмоннинг кўз ўн-
гида аянчли аҳволга тушиб қолишини ўйларди.

Оёқ товушлари эшитилиб қолди. Шунда у қат'ий қа-
рорга келди, бирнеча қадам юриб борди-да, ухлаб ётган
меҳмоннинг елкасига қўлини ташлади.

Худди шу вақт кўча эшиги секингина тақиллади: у
ўша заҳотиёқ югуриб бориб, эшикни очди. Улар тўрт
киши эди: иккитаси оддий кийимда, иккитаси полиция
формасида. Полициячилар товуш чиқармай, ичкарига
киришди. Хўжайин уларга хонанинг ярим очиқ турган
эшигини кўрсатиб, ўзи шовқин чиқармай тезлик блан
зина томоз юрди ва чопганича юқорига кўтарилабош-
лади.





ДЕНГИЗЧИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Қизил денгизда юручи кемаларнинг кочегарларига палубадан кўра қозонларнинг олди салқинроққа ўхшарди. Қозон олдига вахтага ошиқаётган ёш кочегар шунинг учун ҳам трюмдан¹ этилиб чиқиб, кучи борича югурди: у ўзини тезроқ кема устида эсаётган иссиқ шамолдан панага олишга интиларди. Броқ кема жазаваси тутган дарвешдек у томондан бу томонга чайқалар, кочегар бўлса, йиқилиб кетмаслик учун гоҳ панжарага, гоҳ капитан каютасининг очиқ эшигига ёпишарди. Ниҳоят у кичкинагина эшикча олдига етиб келди-да, торгина темир зинадан югурганча тушиб кетди.

¹ Трюм — кеманинг механизмлар ўрнатилган ва юк ортिलाдиган тагхонаси. (Тарж.)

Кочегар эндигина ўн тўққиз ёшга кирганди. Унинг отаси армия капитани эди. Ота хизматдан бўшагач, нафақа ҳисобига кун кўрабошлади, шунинг учун кейинчалик ўглини ўқитишга қурби етмади. Бунинг устига, бола дудуқланиб гапирадиган бўлиб қолганди, бу унинг ўқишига халақит берарди. У тўртинчи синфдалигида ўқишдан чиқди-да, ўн тўрт ёшидан ўн саккиз ёшигача отасининг арзимас чой чақаси ҳисобига яшаб, бекор сапдирақлаб юрди. Бола кўча муштлашишларидан бўлак ҳеч нарсани кўрмади.

Аmmo бу беташвиш ҳаёт узоққа чўзилмади. Ҳадемай отаси юраги ёрилиб ўлди. Бир парча нон ғамини ейиш пайти келди. Капитандан қолган нафақа шунчалик оз эдики, онаси блан синглисига зўр-базўр етарди. Йигитча денгизчиликни севгани учун эмас, денгиз ёқасидаги шаҳарчада туришгани учунгина денгизчи бўлди. У денгизчиликда қандай ишласа шоферлик ёки юк ташучиликда ҳам шундай ишлайолиши мумкин эди. Лекин денгизда бир йил ишлагач, у касбига кўникиб қолди. Дарбадарлик одатидан асар ҳам қолмади. Ҳаддан ташқари оғир меҳнат ва келажакнинг ноаниқлиги уни нарсаларга фалсафий қарайдиган қилиб қўйди. У ҳархил бема'ни, бўлмағур ишларни қилмасди, очигини айтганда, бундай ишларга унинг вақти ҳам йўқ эди. Дудуқланиб гапириш уни тобора танҳоликка судрарди. У ўз фикрини зўрға тушунтирар, атрофидагиларни кулдирмаганда ҳам, хи-жолатга қўяр, кўпроқ ўзи қаттиқ изза бўларди.

Унинг бирдан-бир дўсти денгиз эди. У бош тарафи кирлаб, исқирт бўлиб кетган тўшақда ётиб, тўлқинлар шовқунини диққат блан тингларди. Бу товушни ҳатто уйқусида ҳам эшитарди. Аслида, фақат денгизгина кўнглига урмайдиган қилиб узоқ, тўхтовсиз гаплашаоларди. Ҳатто бутун умрини денгизда ўтказган чоллар ўртасида ҳам денгиз шовқини зерикарли ва бирхил дейдиган бирорта кишини топиш қийин.

Бошқа матрослар каби кочегар ҳам контрабанда

блан шуғулланар, Мисрга қорадори келтириб сотарди. Топган пулининг бир қисмини онасига юборар, қолганини эса ўйин-кулгига сарфларди. Спиртли ичимликлар ичмагани ва камгап бўлгани учун у одамларга ёқиб тушган эди. У қадди-қомати келишган, бақувват, истараси иссиқ йигитча бўлганидан ўртоқлари унга ўзларини яқин олишга тиришардилар. Саводсиз ўртоқлари тўрт синфни тамомлагани учун уни ҳурмат қилишарди. Қочегарнинг тўшаги бошида доим китоблар ётарди.

Бу кемага у яқиндагина, бир ойча илгари келганди. Бу кема эмас, жаҳаннамнинг ўзгинаси эди. У олтамиш йил илгари Италияда ясалган бўлиб, тўртта мачтаси, елканлари ва битта қозони бор эди. У доимо қўлдан-қўлга ўтиб юрарди. Греция тахтининг вориси учун у яхта вазифасини ўтади, Дания ҳукумати ундан ўқув кемаси сифатида фойдаланди, ҳозирги хўжайини бўлган Стамбул савдогари бўлса, бу эски калишда Санаадан Стамбулга юк таширди. Кеманинг елканлари эскириб кетган, мачталари жуда омонат бўлиб қолганди. Тимсоҳнинг мурдасига ўхшаш бу хароба кемани ҳаракатга келтириб юрган бирдан-бир қозон бўлса минут сайин ёрилиб кетгудай эди. Тинка-мадорни қуритучи тинимсиз меҳнат, бениҳоя ёмон овқат ва доим ўлардай маст бўлиб юручи капитан кеманинг аянчли аҳволини яна бешбаттар оғирлаштириб турарди. Капитан эртадан кечгача ичар ва сўкинарди. Уни «капитан-бочка» деб аташарди. Унинг бу лақабни олиши бундай содир бўлган эди.

Бир вақтлар мана шундай калишда сузиб юрган кезларида капитан ўз каютасига порох солинган бочка келтириб қўяди. У кўпинча матросларга бериладиган ойликнинг ярмини чўнтагига уриб қолади. Ҳар гал пул олишда кемадагилар ис'ён кўтаради ва матрослар уни денгизга ташлаб юбормоқчи бўлишади. Шунда капитан оғзидан сра тушмайдиган папиросини торта-торта бочка ёнига келар ва «Қўлингизни тегизсангиз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаммамиз тилка-пора бўламиз!» дерди.

Албатта, бу гапдан сўнг матрослар унга қўл тегизишмас ва тарқалиб кетишарди. Аммо бир кун кечаси айёр юнга калит солинадиган тешикдан мўралаб, капитаннинг бочкадан бамайли хотир вино қуйиб ичаётганини кўриб қолади. Кейин билишса, бочканинг деворга қараган тарафида жўмрак бор экан. Ушандан бери капитанни «бочка» деб атайдиган бўлишган.

Кема хўжайинига яхши кўриниш учун у матрослар блан шафқатсиз муносабатда бўларди. Қўйиб берсанг у ғамлаб қўйилган озиқ-овқатларнинг ҳаммасини хўжайинга қайтариб олиб келишдан ҳам тоймасди. Матрослар тушлик ва кечки овқатга фақат ловия олардилар.

Уша, бизнинг кочегар энгашиганча полубадан югуриб ўтган куни матросларнинг ловиядан жуда кўнгиллари қайтган эди. Улар ҳаммаси ҳам бирор пристанга етишлари бланоқ қочиб қолиш пайига тушган эди.

Шундай қилиб, кочегар темир зинадан югуриб тушди. Унгача кочегарликда вахтада турган киши чинакам полвон одам бўлиб, мушти кичкина боланинг бошидек келар эди.

— Нима единглар? — деб сўради у.

— Ловия!

Полвон қаттиқ сўкинди. У мана шу пароходга келганидан бери бирор марта тўйиб овқатланмаган эди.

У сўкина-сўкина юқорига кўтарилди. Кочегар оловни титишга тутунди. У ҳар беш минутда жиққа ҳўл бўлган кўйлагини ечиб, сиқиб ташлар, сўнг кўйлак блан баданини артар, яна сиқиб ташлар, шундан кейингина қайта киярди. Тўзғиган сочларининг ба'зи толалари терлаган пешонасига ёпишиб ётарди. Елкасидан дув-дув тер оқарди. Учоқдаги аланга унинг қопқора ялтироқ баданини ёритиб турарди. Унинг бирдан-бир истаги мукка тушиб, бироз мизғиб олиш эди.

Ба'зи-ба'зида у косовга суянган ҳолда ёпиқ ўчоқнинг қора эшикчасига тикилиб қоларди... Яна уч-тўрт йилдан кейин унинг аҳволи нима кечади? Бундай иш

ҳарқандай бақувват одамни ҳам тезда чурук латтага айлантириб қўяди... Ишлайбериб мажағи чиққан, ҳолсизланган, шикаста танасининг ҳаётини бирқанча муддатга узайтириш учун у ўзига енгилроқ иш қидириб топиши керак бўлади. Ундан кейинчи? Худо билади... Қочегар лабини тишлаб, енгилгина бош чайқади. У бирор нарса ҳақида ўйламасликка тиришса ҳамавақт шундай қиларди. Бу гал ҳам у келгусида аҳволи нима кечиши ҳақида ўйлагиси келмади. Броқ ана шу ўйлагиси келмагани учун ҳам ўзидан жаҳли чиқди. Бу эсанинг ҳали тузалмаган ярасини тирнаб, дардини зўрайтиргандек бўлди. Ўйлашдан бошқа чораси йўқ. Ахир бундан бошқа ҳамма ҳуқуқини тортиб олишган-да.

Тўғри, лекин нима учун ҳаммасини? Бошқаларнинг гапларига қулоқ солиб юриб, у ўзининг бошқалардан кўра аҳмоқ эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Ҳали унда куч-қувват ҳам бор. Демак у тасодифан шундай аҳволга тушиб қолган экан-да?

Ҳа, ҳаммаси тасодифнинг иши экан-да. Унинг эгнига кияй деса бирор нарсаси йўқ, хўжайиннинг бўлса, салкам саксонга бош-оёқ кийими бор. Бу ҳам тасодифданмикин... Лекин хўжайин матросларга ойига йигирма лира кўпроқ ҳақ тўласа ҳам барибир зарар кўрмасди. Броқ бу пула матрослар бир бош-оёқ ички кийим қилиб олардилар. Шу вақтгача қочегар «тасодиф»ни ўзгартиш мумкин эканини ўйлаб кўрмаган эди.

Қочегарнинг ичи қулдиллаб, боши айланди. У бу ерга чопиб келаётганида капитан каютасининг эшиги очик бўлиб, ичкаридан гўшт ҳиди анқиб турарди.

Қочегарнинг миясида турли-туман фикрлар туғила-бошлади:

«— Нега у пияниста қовирма ейди?

— Чунки у капитан-да!

— Ахир у эшакдан баттар аҳмоқ-ку!

— Лекин у сендан кўпроқ ўқиган.

— Ўқитишганда мен ҳам ўқиган бўлардим.

— Нима ҳам қилаолардинг: отанг бевақт ўлиб кетди, тилнигининг ногиронлигини даволашмади, шунинг учун сен ўқийолмай қолдинг. Қаранг тасодиф кишиларни қай аҳволга солади-я.»

Кочегар косов ва белкуракни улоқтириб ташлади-да, темир зинадан тез-тез юқорига чиқабошлади.

Матрослар трюмда эдилар. Ба'зилар мудрар, ба'зилар хиргойи қилиб ўтиришарди. Постни ташлаб чиқаётган кочегарни кўриб, улар бирор бахтсиз ҳодиса рўй берган бўлса керак деб ўйлашди. Броқ у:

— Қани, туринглар, етар шунча ўтирганинглар! Капитанга бориб, гўшт талаб қиламиз. Бермаса тортиб оламиз. Ҳадеб ловия блан боқаберадиган бўлса, ишламай-миз,— деб қичқирди.

Шу вақтгача ҳечқайсисининг бошига бундай фикр келмаган эди. Броқ у ҳозир гўё улар бу ишни ҳарбир кемада қилиб келгандай денгизчиларга тамомила табиий-дек туйилди.

Улар папиросларини ташлаб товонлари блан мажақлаб ўчиришди-да, ёш кочегар кетидан кетишди.


Полвон кочегар ҳамон сўкинарди. Боцман блан ошпаз капитанни худди унинг содиқ итидек ҳимоя қилишларини билиб, ба'зилар қуроолларини ҳам олакелдилар.

Тўлқинлар кемани кўтариб-кўтариб ташлар, иссиқ шамол эса, матросларнинг баданини куйдирар эди.

Иш кутилгандан ҳам енгил кўчди. Қайфи учган капитаннинг ўзи аллақачон улар томон келарди. Қозон олдида ҳечким қолмаганидан кема юришдан тўхтаб, шундай бурлидики, натижада тўлқинлар шиддат блан палубани ялаб ўтабошлади. Аҳвол хавfli эди, шунинг учун капитан поварга дарҳол қўй гўштидан бир нимтасини матросларга беришни буюрди. Капитанни ҳимоя қилишга ҳозирланган боцман револьверини қинига солиб қўйди. Илгарилари ис'ёнчиларни мачталарга қандай осишганини эслаб, оғир хўрсинди.

Капитан кочегарни Порт-Саидда, қолган денгизчиларни Стамбулда ишдан бўшатди.

Броқ улар: «Ҳадеб ловия бериб боқаверишадиган бўлса, ишламаймиз» дейишни ва капитанлардан қўй нимтасини тортиб олишни ўргандилар.





БАХТЛИ ЛАЙЧА

Нега мен доим фақат қайғули ҳодисалар ҳақида ёзаман? Менинг сезгир ўртоқларим бундан норозилар. «Наҳотки қайғу ва ёмонликдан бошқа нарсани кўрмасанг?»— деб сўрашади улар мендан.— «Наҳотки доим оч-яланғочлар, гадо ва жафокашлар ҳақида ёзсанг? Наҳотки кечки газета сотучи, кўчалардан папирос қолдиқларини териб юручи уй-жойсиз болалар; бир қарич ер ёки бир қултум сув учун бир-бирларини ўлдиришга тайёр турган қашшоқ деҳқонлар; қамоқхоналарда аста-секин ўлиб бораётган тутқинлар; ҳечқандай медицина ёрдамисиз бевақт жон бераётган беморлар ҳамда ноҳақлик ва адолатсизликдан бошқани кўрмасанг? Наҳотки бошқа ёзадиган нарсани йўқ бўлса? Наҳотки дун'ёда биронта ҳам гўзал ва ёқимли нарса қолмаган бўлса? Нега ҳамма қаҳрамонларинг-

нинг ранглари сомон, қалблари қайғудан пора-пора бўлган? Наҳотки мамлакатимизда биронта ҳам бахтли киши топилмаса?»

Нега йўқ бўлар экан! Яхшилаб қидирилса топилади. Узоқ қишлоқларга, шаҳар чеккаларига бориб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бунда ҳамма нарса равшан, ҳаммаси очиқ-ойдин кўриниб турипти...

Албатта бор, бизда фақат қувноқ ва бахтли кишиларгина эмас, ҳатто бахтли итлар ҳам бор. Шунинг учун мен бу гал очлик, азоб-уқубат, ғазаб ва нафрат тўғрисида эмас, мамнун турмуш, тўқлиқ ва муҳаббат ҳақида ёзишга қарор қилдим.

Шаҳарнинг мен яшайдиган қисмидаги кўчалар кенг ва асфальтланган; йўлнинг икки четидаги ёш қарағайлар камсоя бўлса ҳам кўчаларни безаб туради. Бундай қарағайнинг ҳар тупини ўстириш бир камбағал боласини мактабда ўқитиб чиқаришдан ҳам қимматга тушади.

Ҳар куни эрталаб тротуарларда нафис кийимлар кийган ёш оналар қипқизил юзларида мамнунлик акс этган семиз болаларини безатилган аравачаларга солиб сайр қилиб юрадилар. Аравачалардаги ипак кўрпачалар устида ранг-баранг ўйинчоқлар ётади. Улар шунчалик кўпки, болалар қайсибирини олиб ўйнашни билишмайди: гоҳ шақилдоқни олиб силкитишади, гоҳ карнайчани оғизларига тутишади. Аравачалар ёнида каттароқ болалар боришади. Улар жингалак сочларини силкиб, оналарига нималарнидир ҳикоя қилишади. Ёш оналар бир-бирлари блан ҳузур қилиб гаплашиб қолишса; болаларга озода кийинган энагалар қараб туришади.

Кичкинагина боғчадаги қум устида пақирча ва куракчалар кўтарган семиз-семиз болалар ивирсиб юришади: улар ариқ қазишади, уйлар қуришади, сўнг митти муштлири блан уриб, бузиб ташлашади. Нарироқда чет тилда ёзилган китоб ушлаган оқ панамали гувернантка ўтиради. Рўмол ўраб олган кекса бир хоним йиғлаётган набирасини овутади. Яна бир скамейкада уч-тўрт чирой-

лиқкинна хотин нимадир тўқиб, таниш-билишларининг гийбатини қилиб ўтиришади. Ҳамаёқда нур, ҳамаёқда хотиржамлик.

Аммо ҳамманинг юзида қандайдир қаттиқ зерикниш аломатлари акс этади. Бу кишиларнинг вужудини қамраб олган зерикниш шундай нозикки, уни дарров пайқаб ололмайсан киши. Аммо астойдил тикилиб қарасангиз, бу зерикнишни уларнинг бепарво, совуққина боқишларидан, қуруқ, ясама кулгиларидан уқиб оласиз. Кўринишдан улар бир-бирларининг сўзларини, ҳатто ўзлари гапираётган сўзларини ҳам эшитмаётганга ўхшайдилар: фикрлари қаерлардадир кезади. Тўғрироғи фикр деган нарсанинг ўзи уларга ёт, лекин улар бунинг учун ҳам емайдилар. Хурсанд бўлмасалар ҳам кулаверадилар, ҳаётдан мамнун бўлмаган пайтларида ҳам унинг ўзгаришини зарра истамайдилар.

Ҳарқуни эрталаб бир ёш йигит, жигарранг сукнодан қилинган куртқасининг барча тугмаларини қадаб юришига қараганда бирон бой хонадоннинг малайи ёки швейцари, гурур блан, кекқайиб, кичкина бир лайчани сайр қилдириб юради. Сахтиёндан ўрилган бўйинбоғ тақилган, тизимчага боғланган, бўйи бир қарич келадиган дум-думалоқ лайча майда қадам ташлаб, тез-тез юриб боради. Унинг оч жигарранг шалпанг қулоқлари ергача осилиб тушган.

Малай қадамини лайчанинг қадамига мослаб босади. Агар ит бироз тўхтаб тургиси келса у кутиб туради, ит илгари юргиси келгандагина ў ҳам юрабошлайди.

Совуқ кунларда, намгарчиликларда лайчага четларига тўқ ҳаворанг жияк тутилган оч жигарранг сукно нимча кийгизиб қўйишади. Тоза нимча итнинг устини яхшилаб бекитади, оёқларини ўраб, қорнидан тугмачалаб қўйилади. Нимчани чевар машиначи тиккани кўриниб туради. Лайчанинг юнглари ҳам яхшилаб тозаланган, ялтираб туради.

Лайча ёзилиш учун дарахтнинг тағига борар экан,

тоғни талқон қилгудай бақувват малай бөкаспиниңг эркаси лайча ишни битказгунча уни ҳурмат блан кутиб туради. Сўнг улар яна гердайиб, аста-секин олға кетипади.

Нимчали лайча бошқа итларнинг вовуллашига жавоб қайтармайди. Ҳатто эгаси ешиб юборган бирон баҳайбат ит бурда-бурда қилиб ташламоқчи бўлиб, даҳшат блан унга қараб югурган вақтда ҳам лайча бепарво кетаберадн: чунки уни малай қўриқлайди. Бақриб-чақриб, депсиниб бегона итни ҳайдайдн. Агар бирнечта бегона ит бирданига ташланиб қолса, малай хўжасиниңг эркасини қўлига кўтариб олиб, чанг бўлган юнглариини авайлаб артади, шундай пайтларда қарасаңиз унинг кўзларидан: «Лайчага ҳечнарсa қилмаганмикин?» деб ҳаяжонланаётганини кўрасиз. Малай унинг ҳамаёғини сийпалаб кўрар экан, ҳечқандай хавф-хатар йўқлигига ишонган лайча думини ликиллатиб, яланиб, пастга қараб туради.

Бир куни мен бу малайни гўшт дўқонида учратиб қолдим. У шипга осиб қўйилган қўй нимталариниңг ичига узоқ тикилиб турди-да, охири қўзичоқниңг ичак-чавоқларини тортиб беришни сўради.

— Ҳеч тушунолмаймаң,— деди малай қайтарилган пулни санаркан,— нега қўйниңг жигарини алоҳида сотмайсизлар? Ахир лайчамиз бунинг на ўпкасини, на юрагини ейди. Жигарни ҳам доим қайнатиб берамиз. Агар жигарга озгина ўпка қўшсанг борми, оғзинга ҳам олмайди. Қорнига ёқмайди, дейишади. Яқинда мол доктори келиб, шундай деб кетди. Уни қаранг, қизиқ, ҳайвон бўлса ҳам бало-я! Тавба! Ҳай, сенга нима бўлди, эшитаяпсанми?— деди малай ичак-чавоқларини қоғозга ўрай деб турган болага қараб.— Жигарини ўрасанг бас, қолганини ташлаб юбор!

Кейин малай харид қилган нарсасини олиб чиқиб кетди.

Иккинчи марта мен уни ҳушбўй гуллар чамандай очилиб ётган катта боғниңг дарвозаси олдида кўрдим. У тивит одеял кўтарганча ҳашаматли лимузинга чиқаёт-

гапти. Одсял ичиди нимадир ғивирлаётганини ва аллақан-дай ғалати овозни эшитиб, сабрим чидамай сўрадим:

— Нима бу? Лайчага у-бу бўлдими?

— Йўқ,— деди малай менга бошдан-оёқ разм соларкан гердайнб.— Худо сақласин, ҳечнарсга бўлгани йўқ. У бугун уч марта йўталди. Дони баҳорда ўзи шундақа йўталади, лекин бекам хавотир олаяптилар. Докторга кўрсатиб келадн.

Яқинда мен малайни боққа кириб кетаётган жойида учратдим. У тумшуклари узунчоқ, ўсиқ оқ юнгли кучукни етаклаб борарди. Унинг ёнида худди ўшанақа жигарранг мовут костюм кийган яна бир малай ҳам бор эди.

— Нима бўлди? — деб сўрадим мен қизиқиб,— лайчани айирбош қилдингизми?

Бирнеча кун илгари итнинг соғлигини сўраганим эсида бўлмаса керак малай яна нафрат блан менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди, лекин гапимни жавобсиз қолдирмади:

— Йўқ-э! Лайчаниз боғда ётипти. Эшитмаяпсанми, будкадан товушни келаяптику?

Бека уйндан бироз нарида катталиги боғбоннинг уйндек келадиган шинамгина, баргикарам будка турарди.

Ундан вақт-вақти блан итнинг вовуллаётгани эшитиларди.

— Бу қанақаси бўлди?— дедим мен ажабланиб.— Ахир лайчаларингиз сра вовулламасдику?

— Э... э...— деди малай,— вовуллашнинг жони бор, зерикпти, типирчилаб қолди. Бекамиз дарров докторга одам юбортирди...

Мен... жониворларни жуда яхши кўраман! Ҳамма жониворларни ҳам яхши кўраман, мен ҳамманинг тинч ва бахтли ҳаёт кечирини истайман. Шунинг учун бирорта бахтли лайчани кўриб қолгудай бўлсам ҳам қувончим қалбимга сиғмай кетади. Ахир мен нуқул қайғули нарсалар ҳақида ёзиш учун туғилган эмасман-ку. Қалбим ёқимли, қувноқ ва ҳушчақчақ нарсалар ҳақида ёзиш

иштиёқи блан жўш уради. Агар барча ватандошларам
ана шу бахтли лайча кечираётган ҳаётнинг, жуда бўлма-
ганда, ўндан бирга эга бўлганларида эди, сўз бериб ай-
таманки, бундан сўнг битга ҳам қайғули ҳикоя ёзмас
эдим!



